

ЭВРИЛ ТУРОН



ОЙНУР

Эрк ва миллат ошиғидан
ҳуррият ҳақида гўзал роман



ЭВРИЛ ТУРОН

ОЙНУР



Тошкент
«Akademnashr»
2021

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84-44(5Ў)

Эврил Турон

Ойнур [Матн]: адабий-бадий / Эврил Турон. – Тошкент: «Akademnashr» NMM, 2021. – 208 б.

ISBN 978-9943-6502-8-2

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84-44(5Ў)

Ўсмир болакайнинг ойдек суянчиғи, болалик хотиралари қатидаги қадрдони – геолог қиз Ойнур билан ўтган кунлари тасвирланмиш ушбу китобда замона носозликлари, нопок кимсалар қилмиши рўй-рост қаламга олинади. Одам бир умр ёлғонлар ичида яшаб, унинг нағмаларига овуниб, суяниб яшаши – фожиа. Гул умринг ёлғонлар ичида соврилиб, олчоқлар қўлида эрмакка айланиши эса икки қарра азоб. Атрофидагиларга ойдек нур таратиб, тафти билан ёнидагиларни иситишга – сўзламақ, исён қилмақ, курашмакка ундаган Ойнурнинг қисмати шундай кечди. Илми билан кўкка парвоз қилди-ю, жоҳилларнинг силтаб-юлқилашидан кулдек тўзғиди. Сахро бағридан илм, нажот излади-ю, охири топгани хўрлик, изтироб, беадоқ ёлғон ва ўлим бўлди.

«Оврўпача кийинган, кийинганда ҳам охирги урфда (модада) кийинган бу қиз бизникига келганда ертўламиз ёришиб кетарди... Мен ғариб яшаганимиздан уялардим. Онамнинг ҳам юз-кўзида шу ифода кезарди. Ойнур илк танишганларида ўзларининг асл қиёфаларини яширадиган кишилар туридан эмасди. Билвакс, табиатан қандай бўлса, ўзини шундай тутарди» дея алқанган қизгинанинг ёлғончимуттаҳамлар сабаб бевақт ерпарчин бўлиши асарни нуқтама-нуқта, ҳеч бир сатрини қолдирмай ўқишга чорлайверади. Муаллифнинг тахир хотиралари орасидан сизиб чиққан сатрлар фикр-ёдингизни банд этиши, ўйга толдириши, қаҳрамонлар қисматига шерик бўлишга ундаши аниқ. «Ойнур» бир қизнинггина қисмати, ёзуғи, дарди эмас, балки миллат, жамият, халқ кўргилиги-фожиасидир.

ISBN 978-9943-6502-8-2

© Эврил Турон «Ойнур»

© «Akademnashr», 2021

Туронни ички бир туйғу
билан севгучи йўлдошим
Угур Акинга бағишлайман.

ЎЗАНИГА СИҒМАГАН ДАРЁ

1

Ўзанига сиғмай, пишқириб оқаётган дарё.

Балаңд тоғларни кунпаякун қилмоқчидек ҳайқириб қир-
ғоққа урилаётган асов тўлқинлар.

Ғайрати вужудидан тошиб кетаётган – «ичида деви бор»
одам. Ва Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон)...

Мамадали Маҳмудовга бу дунё торлик қилди – шу дунёда
яшаб, шу дунёга сиғмади; шу жамият ичида туриб, шу жамият
тартибларига бўйсунмади. Гоҳ чақмоқ, гоҳ чашма; гоҳ бургут,
гоҳ булбул сингари бирда шиддаткор, бирда закий, бирда ши-
каста. Ўзи истаганча, ўзи хоҳлаганча эркин, ўктам, қисинмай
кун кечирди, ўзи ёққан оловга қоврилиб яшаган пайтлари кўп
бўлди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаги талотўпларни
кўрганлар яхши билади: «Ўзбек тилига давлат тили мақоми
берилсин!» деган шиорларни озод кўтариб, кўчага сиғмай
бораётганларнинг олдинги қаторида, Оролни асраш, Бўстон-
ликда зарарли завод қурилишига қарши кураш, армиядан ке-
лаётган темир тобутларни йўқотиш, турли-туман партиялару
халқ ҳаракатлари тузиш истагида гоҳ очик, гоҳ ёпиқ ўтаётган
машварат минбарю катта саройларда адабиёт муаммолари-
га бағишланган қайноқ баҳс-тортишувлар, қўйингки, эл-юрт
ташвиши, тақдирига мансуб воқеаларнинг ҳаммасида ҳозир
нозир – байроқдор эди Мамадали Маҳмудов. Кўнглига ёққан
ишни қилар, дўст ҳимояси учун ёқалашиб, муштлашишдан
ҳам қайтмасди. Филдай меҳнаткаш, аммо баъзидаги пала-
партиш қадамлари, ҳаракат-қилиқларини бир жойга жамлаб
таҳлил қилмаслиги, ҳатто ўзига ғаним мақомидагилар би-
лан ҳам ош-қатиқ бўлиб кетаверишлари, ўйлаб ўтирмасдан

ўзини ўтга-чўққа ураверишлари... ажаблантирарди яқинларини. Бир гал, ярим тунда, лойга буланиб ғишт қуяётганини кўриб, рости, ҳайрон қолгандим. Маяковский деган кўча бўларди эски «Ҳайвонот боғи»нинг ёнбошида. Бокқа туташ уч қаватли Николайдан қолган бинода жойлашган эди Маданият жамғармаси деган идора. Унга яқин эди мен яшайдиган «дом». Кечкурун, шаҳар ухлаганда йирик чироқлар чарақлаб, Жамғарма ҳовлисида ҳаракатлар кўпайиб қолган тунларнинг бирида, қандайдир ички қизиқиш билан секин ўтиб бордим. Ҳовли гавжум, ўртада қирдай лой уюми, атрофида бир тўда ёш-яланг: бирови лойни сомонга булаб қолипларга уряпти, бирови қолипларни кўтарволиб югургилаганча тўкиб келяпти, яна бир-иккитаси лой қоряпти чуқурда; четроқда темир ўчоқ, қозонда шўрва, тўйсамоворда чой қайнаб турибди – илгарилари қишлоқларда бўларди бундай ҳашарлар. Ярим яланғоч, иштонбалоғи тиззадан шимарилган, оёқланг, юз-кўзларига лой увоқлари ёпишган Мамадали акаям йигитлардек чаққонлик билан лой тўла икки кўзли қолипни даст кўтариб, ғишт қуймоқда. Ўзбекистон Маданият жамғармаси дейилмиш идора раҳбари – бош директори эди ўшанда у. Ҳаммани, ҳатто давлатниям эсидан чиқиб кетган Жамғарма нуфузини ана-мана дегунча вазирлик даражасига олиб чиққан эди Мамадали ака. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари вазифасида ишлаганида эса Бўстонлиқдан юзга яқин ёзувчига далаҳовли берилишида бош-қош бўлди. Эл қорига ярашдан завқланарди, баҳра оларди. Беминнат, бетаъма, беғараз; камтарга камтар, манманга манман – бировга эгилмас, ялинмас, қуллуқ-хушомад қилмасди. Ҳеч қайси куч, ҳеч қайси тўсиқ, ҳатто ўн саккиз йиллик қамоқ азоблари ҳам ундаги ана шу жангари руҳни сўндиролмади. «Ўлмас қоялар» романига тухмат тошлари отилган ва М.Ваҳабов деган профессор томонидан «шовинист» тамғаси босилган оғир кунлар ҳам заррача буқолмади иродасини. Жисмидаги бежилов шиддат ижодига кўчди. Ушоқ ҳикояларидан то қиссаю романларигача – ёзганларининг ҳаммасида ўжар ва қайсар туйғулари, орзу-армонлари аксланди. Ижодидаги бирда мунгли,

бирда сирли оҳанглар, бошқа бирон-бир ёзувчиникига ўхшамайдиган шоирона тасвирлар, дабдурустдан юракларни сирқиратиб юборгувчи тимсоллар, ҳаққоний манзаралар, дардчил тафаккур силсилалари минг-минглаб ўқувчиларни мафтун қилди; неча милёнларни сеҳрлайди ҳали. Ватанга, Миллатга бўлган беадоқ севги, метин садоқат адибга куч берган қудратли тўлқинлар эди. Ўзбек учун жон беришга тайёр чин миллатчи, ватансевар шахс эди Мамадали Маҳмудов. У ҳали шўро шамшири кўз олдимизда қонсираб турган кунларда босмачилик ҳаракатини оқлаб чиқди. Бу ҳаракат лашкарлари босмачи эмас, аксинча, ёвуз ғаним найзасига кўкрагини қалқон қилган эрк ва озодлик, ҳуррият ва ҳурният курашчилар – ҳақиқий ватанпарварлар эканини юксак бадиий образларда кўрқмай, мумтоз жасорат билан тасвирлади.

Босқинчи босиб олган ерлардаги аҳолини ҳамиша қуликда, тобеликда ушлаб туради, мўминлик кишанида яшашга мажбурлайди. «Булар ўз тарихини билсалар, бобою момолари кимлигини сезиб қолсалар, кўзлари очилиб, бошга бало бўлади», – деб чўчийди, баттарроқ камситмоққа, ерга урмоққа тиришади. «Ялт» этган учқундир, милтираган шуъладир алангага айланишидан ўлардай кўрқади, кўрққанидан ҳали ловулламасиданоқ топтаб ташлаш учун ҳар қандай ёвузликдан қайтмайди. Бундай изғиринли бўронларни кўп кўрди, бошидан ўтказди жафокаш ўзбек!

Биргина 1916 йилги Жиззах қўзғолонининг бостирилишини эсланг. Жиззах қонга беланди, ариқлар қонга тўлди, кўчаларда қизил қон оқди. Ўз ваҳшийликларини кўриб жаллодларнинг ўзлари ҳам титроққа тушди. «Мен Кавказ, Қирим қўзғолонларининг бостирилишига гувоҳман, – дейди Оқпошшонинг Покровский деган зобити. – Аммо Жиззахдагидек тўкилган қонни ҳеч қаерда кўрганим йўқ». М.Маҳмудов «Ўлмас қоялар» романида айнан шу мавзуни – Чор Россияси Туркистонни миллионлар қони эвазига босиб олганини алам билан қаламга олди.

«Ўлмас қоялар...»

Не-не тухматларга дучор бўлган «шўрпешона» роман. Асида, Чор Россияси жаллодлари ваҳшийликларининг мингдан бир бўлаги акс этган асар.

Асар 1981 йили «Шарқ юлдузи» журналида босилди. Босилиб чиқиши ҳамано бошланди «тошбўрон»лар. Аввало, журналнинг ўша сони яшин тезлигида ҳамма ердан йиғиштириб олинди, худди шундай тезкорликда муаллиф ишдан ҳайдалди. Энг ҳайратлиси, романи ўқиш тақиқланган, демакки, рус тилига таржима бўлиш у ёқда турсин, ҳали ўзбекларнинг ўзи ҳам ўқиб улгурмаган бир пайтда Москвага, сека кпсс деган идорага бир қулоч шикоят боради. Шўро ҳукумати мафкурасининг кўрбошичилари уни зудлик билан Тошкентга, Ўзбекистон Компартиясига йўллайди: «Кўзинг қаёқда, қаёққа қараяпсан? Ахир, совет ҳукуматини, сиёсатини қоралаб ёзилган асар-ку бу!» деган таҳдид билан.

Ёш адибни тепиб жарга ағдариб юбориш учун ҳамма мунофиқликлар жой-жойига қўйилган эди шикоятда. Асардаги салбий қаҳрамонларнинг сўзлари атайин териб олиниб бўрттирилган, ижобий қаҳрамонлар хаспўшланган, тирноқ остидан кир қидирилиб, ёзувчига сиёсий айб қўйилган ва таппа-тайёр жиноятчига айлантирилган эди. Агар масалага Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби Шароф Рашидов аралашмаганида, ўзимиздан чиққан сотқинлар кўмаги билан ёш адиб қамоққа ташланиши ёки қатағон йилларидаги сингари Сибир томонларга сургун қилиниши муқаррар эди. Шароф Рашидович, ёш ижодкор адашган бўлса, ўзимиз тарбиялаймиз, тузатамиз, тўғри йўл кўрсатамиз деган кафолатни зиммасига олиб, уни Москвадан юз чақиримча наридаги Серафимович номли ижод уйига юборади романдаги «хатоларни тузатиб» келинг деб... Қозоғистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Динмуҳаммад Қунаев «Азия» асари учун «қурбонлик»ка аталган Ўлжас Сулаймонни, Шароф Рашидов эса Мамадали Маҳмудовни бўрилар чангалидан асраб қолади. Мамадали Маҳмудов Сера-

фимовичга бориб, асардаги «сиёсий хато»ларни тузатмади, аксинча, янаям кучайтирди, қалбидаги беҳисоб ғазаб ва нафратни роман қаҳрамонлари жисмига янаям чуқурроқ сингдириб юборди...

Босқинчи – Ер юзининг ҳамма жойида босқинчи.

Бошқа халқни асоратга солувчилардан нафратланмайдиган одам йўқ. Аммо Мамадали Маҳмудовдаги ғазаб, теккан жойини куйдириб кулга, вайронага айлантиргувчи нафрат не боис бунчалар кучли, қаердан пайдо бўлган? Мен унинг кўксидаги Боғдон тоғларидек ҳайбатли, ўчкор аламни кейинроқ – таржи-маи ҳоли билан яқиндан таниша бошлагандан кейин фаҳмла-гандай бўлдим.

М.Маҳмудов 1943 йилнинг 12 декабрида Форишнинг Боғдон қишлоғида дунёга келди. Туғилганида ҳам, ундан кейин ҳам отасини кўриш насиб этмайди болага. Тоғ беги бўлган отаси бешиқдалигида урушга кетганча қайтмайди – жангда ҳалок бўлади. Бобоси Аҳмад Оқсоқолни босқинчилар анча йиллар аввал Нарвон қишлоғида дорга осишган эди. «Бунинг тафсилоти куйидагича, – деб эслайди адиб, – йиртқич ёв Боғдонни босганда қўлга тушган эрларни қиличдан ўтказди, хотин-қизларни зўрлайди, бўғоз аёлларнинг қоринларини ёради...

Шунда Аҳмад Оқсоқол Отучган қоя қописида пистирма ҳозирлайди ва ҳийла билан ёғийни қоронғи дарага тортади. Ва кутилмаганда ғанимга милтиқ, ёй, сопқонлардан ўқлар ёғди-ради, ҳайбатли тошлар юмалатади. Ёв от-поти билан мажақланади». Душман бундай ҳолни кечирмайди, албатта. Аҳмад Оқсоқол ушланиб, дорга тортилади. Бобо фожиаси ҳамда онасининг такрор-такрор «Бобонг Аҳмад Оқсоқол ушбу гапни кўп айтар эди: «Шўро ҳукуматига Туркистон бир томорқа. У туну кун ер усти, ости бойлигимизни талаяпти. Бу ерда узоқ ҳукм суриши учун бир туғишган элни беш бўлакка бўлди. Уларни бир-бирига ётлаштириш учун эса бешовига беш хил ном, беш хил ёзув берди... Сен, ўғлим, бобонгга муносиб бўлиб ўс!..» деган ўғити ундаги ёвдан «ўч олиш истагининг тийиб бўлмас даражада» кучайиб кетишига сабаб бўлади, душманларга қарши «қурол билан эмас, қалам билан курашаман!» деган фикр мия-

сига маҳкам ўрнашиб қолади. 4-синфгача қишлоғидаги мактабда ўқиганида ҳам, Боғдондан 14 километр нарида, паст-баланд қирлар орасида жойлашган Учқулоч конидаги мактабда 8-синфгача таҳсил олганида ҳам, уч йил Украинада танкчилар қисмида ҳарбий хизматни ўтаётганию армиядан сўнг Тула вилоятининг Ефремов шаҳридаги кимё комбинати қурилишида қатнашаётганида ҳам ана шу фикр хаёлидан кетмади. 1964 йил Ўзбекистонга қайтиб, Чирчиқ Кимё комбинатида уч йил машинист ёрдамчиси бўлиб ишлаган, шу ерда кечки ишчи ёшлар мактабида ўқиб, 11-синф маълумотига эга бўлган ва ТошДУнинг журналистика факультети сиртқи бўлимига ўқишга кириб, Гулистон, Фориш, Пахтакор туман газеталарида адабий ходим, бўлим мудирини, масъул котиб вазибаларида ишлаб юрган кезларию таниқли шоира Зулфиянинг назарига тушиб, «Саодат» журнаliga ишга кирганида ҳам, ҳаммаша – ҳамма ерда, умрининг энг сўнгги лаҳзаларигача онасининг ҳасратли сўзлари қулоғидан кетмади, юрагини ўртади. Жамаки ёзганларида босқинчи ғанимни аямаслигининг туб илдизи ана шундан эди; шундан эди азиз элини, миллатини улуғлаши, халқининг асл туйғуларини, руҳий оламидаги, феълу атвориди фазилату кечинмаларини, орзу-армонларини, қайғу-ҳасратларини, илоҳий меҳр билан бамисоли эзгин марсия, ўтли қўшиқ каби куйлашлари ҳам! Яхши кўргани, жон-жонидан суйгани учун оддий миллатдошларининг илтижою ўкинчларини ич-ичидан ўрганди, эъзозлади; гувраниб-эмраниб, эмраниб-гувраниб ёзди. Ёзганлари шунинг учун ҳам нафақат ўзбек насри тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади, балки туркий ва дунё адабиётида эътироф этилди, муносиб баҳоланди. Асарлари жаҳон халқларининг ўттиздан ортиқ тилларига таржима қилинди. «Туманли кунлар» қиссаси Лондонда, «Кишанланган қалблар» Норвегияда, «Омонсиз йиллар» билан «Афсона ва ҳақиқат» эсселари Америкада, «Кўрқоқларнинг ватани ҳам, миллати ҳам бўлмади» эссеси билан «Оқ гул» романи Канадада, «Бўзбўри» романи Буюк Британия ва Америкада, «Ойнур» романи Туркияда, «Бу тоғлар улуғ тоғлар» романи билан «Ҳақни айтмаслик хиёнат» эссеси Парижда нашр этилди.

Кучи, ғайрати танасига сиғмайдиганларнинг ҳаёти бошқаларникига ўхшамайди: ҳар лаҳзаси; саргашта бўронлару довуллар ичра симобдай қалқиб-қалқиб кечади, гоҳо ўзлари ўзларига ташвиш сотиб олсалар, гоҳида кутилмаган хатоларга изн бериб, тахир қисмат аёзларига дучор бўладилар. М.Маҳмудов ҳам олағовур замонлар тўлқинида кўпикдек юзага чиқиб қолган айрим «даҳоча»лар таъсирида бир адашди ва қарийб йигирма йил ана шу адашув азобини тортди. Озодликка чиққанидан сўнг зил изтироб ичида тан олди аччиқ хатони. Ёлғончи деб аталадиган, аммо тирикларнинг ҳаммаси бир сонияси учун жону жаҳонини беришга тайёр турадиган бу ёруғ дунё билан видолашувидан икки ойча аввал Дўрмонда, Ёзувчилар боғидаги гурунгда «Атганг, эсим кеч кирди, кўзим кеч очилди» деган афсус-надоматларга тўла иқрори қулоғим остида эшитилиб турибди ҳозир ҳам. Бу сўзлар бундан йигирма йил аввал айтилганида... «Боғдоним», «Тоғ охуси», «Булоқлар», «Жиловлаб бўлмас қудрат», «Боғдон қашқири», «Қора дўлана» сингари яна неча-неча роману қиссалар адабиётимиз жавонини безаган, маънавият хазинасини бойитган бўлмасмиди, а?! Эҳ дейишдан бошқа не чоранг бор?..

Руҳи баланд, димоғи чоғ, ҳаётдан мамнун, жўшқин ижод кайфиятида эди умрининг сўнгги кунларида Мамадали Маҳмудов. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўразбой Абдурахмонов Дўрмонбоғдаги ўн саккизинчи, мен ўн бешинчи коттежда турардик. Мамадали аканинг ўн учинчи коттежга кўчиб келганини эшитибок икковлон «Ўй қуллуқ бўлсин!»га чоғландик. Қорувли бир йигит билан ҳовлини тартибга келтираётган экан. Дарахтларнинг қуриган, ортиқча шох-новдалари кесилиб, сандалбоп қилиб тахланган, ўйдим-чуқурлар текисланган; уй эгасининг хурсандчилиги эса ичига сиғмас дара-

жада баланд, қоматига ярашиб турган яп-янги спорт кийими янаям бахтиёр, янаям ёш қилиб юборганди акани. Дарвозадан уйга олиб кирувчи йўлакка қўйилган коттежнинг киму кимларни кўрмаган қадимий стулларига пандемия тартибларига риоя қилган ҳолда масофа сақлаб жойлашдик. Аканинг қистови билан Ўразбой оға қорақалпоқчасига дуо қилди.

– Ароқ бор. Зўридан. Ичасизми? – дарров манзарат қилди мезбон мийиғида илжайиб.

– Мумкинмас. Пандемия! – астойдил рад қилди Ўразбой оға.

– Қуйруқмой билан ароқ тожли вирусни даъвоси эмиш-ку! – хохолаб кулди мезбон. – Сиз духтурларга ишонмайсизми? Ё қариб қолдингларми? – яна кулди. – Менгаям мумкинмас. Утиб кетди ўристи арағига чўмилиб, тўймай юрган пайтлар.

Қорувли йигит аканинг ҳамқишлоғи экан, чой дамлаб келди. Чойлашиб, гурунглашдик.

– Яхшилаб жойлашиб олдингизми?

– Бу ер жаннат экан-ку! – Саволимга ҳовлиқиб жавоб берди мезбон. – Ҳавоси худди Боғдонникидай топ-тоза! Тинч, тонгсахарда кушчаларнинг сайраши демасанг, биров халақит бермайди. Сизникиям шунақами?

– Коттежларнинг бариси бир хил. Девор кетида катта ариқ бор, шабадасини сезгандирсиз?

– Роса тиниқиб ухляпман. Ёзьяпман. Бир йил турасиз дейишувди, рухсат беришса, яна тураман.

– Э-э, беш-олти йиллаб турганлар бор. Мен ҳам кетмоқчимасман, – деди таскин берувчи оҳангда Ўразбой оға. – Кетмайсиз. Учовимиз бирга айланиб юрамиз кечқурунлари.

– Ҳозир мендан зўр одам йўқ! – дея тўсатдан мақтаниб қолди қулочини кенг ёзиб Мамадали ака. – Бирданига иккита домлик ва коттежлик бўлдим. Бошпанасиз, Чирчиқ деган шаҳарларда сарсон бўлиб юрувдим, Президентимизнинг ўзи Юнусободдан, шундайгина метростанция ёнидаги элитний домдан яп-янги уй совға қилди. Деворлари пишиқ ғиштдан, эшик-деразалари акфа, ҳовлисида автотураргоҳгача бор. Ёзувчилар союзи бўлса ҳам икки хонали квартира, ҳам мана шу коттежни берди. Фақат пенсиямни тўғрилаш қийин бўляпти,

– чукур хўрсинди. – Беш юзгаям етмайди, – давом этди хиёл хомуш ториб. – Ишлаган жойларимдаги ҳамма хужжатларни йўқ қилиб юборишган экан қамоқдалигимда. – Яна мунғайиб қолди. – Ҳаммаси миҳдай бўлади! – Хитоб қилди шу заҳотнинг ўзидаёқ чеҳрасидаги ночорликдан нишон қолдирмай. – Одамзод қизиқ-да, бўлгани сайин бўлсам дейди. Йўғасам, нималарни кўрмади бу бош! Тирноқларимни кўпоришди, бармоқларимга узун ўтмас игна санчишди, товонимни ўйиб, туз босишди – чидадим, ўлмадим. Худога шукр, мана, яна энг бадавлат, ками йўқ одамга ўхшадим. Пенсия... – кутилмаганда яна хохолаб юборди. – Пулинг кўп бўлса, яхши-да! Тўғриси-ни айтсам, тўғриланса, яхши бўларди. Анчагина қарзим бор. Қутулиб олардим. Бутун умидимни узган ишлар бўлди-ю, бунисиям жойига тушади, Худо хоҳласа. Зўр бўлади ҳаммаси! – яна тўлқинланиб шашт билан сўзлай кетди. – Энди ишлашим керак. Ватанда бўлаётган янгиланишларни оқ қоғозга эндиришим керак. Ёзаман. Шавкат Мирзиёев яратаётган мўъжизаларни ёзаман, дунёга кўрсатаман. Мен ҳеч кимга хушомад қилмайман. Тўғри гапни айтаман. Айтган гапимга ҳамма ерда жавоб бераман. Шавкат Мирзиёевни Тангри миллат бахтига берди. Мен у кишини ирригация институтида домлалигидан бери яхши биламан. Йигирма тўрт соат тинмай ишлаб чарчамайдиган одам. Лекин шундай одамниям қадрига етмайдиган, ҳар хил бўҳтонлар тарқатадиган нокаснусхалар, афсуски, бор. Оз, лекин бор. Жуни тўкилган лайчадай маҳаллага маълум уларнинг афти-башараси. Сиз биласиз, мен бўлсам жуда яхши танийман: айримлари собиқ, айримлари содиқ жўраларим. Менинг эътиқодимни улар ҳам яхши билади. Орасида менга ўхшаб адашганиям, билиб-билмай хато қилганиям, афсуслангани ва хатосини тан олмай юрганиям бор. Мен уларга кў-кайдаги кирни артиб ташланг, аламзадаликни кўйинг деб на-сихат қилмайман. Лекин... лекин мен: биринг икки бўлмаса, кўчангдан ҳаловат, гузарингдан тинчлик йўқолса, қишлоғинг тўпалангхонага айланса – менга байрам дегандай юришга қаршиман. Қўлингдан чигирткани иши келадими, шерники-ми, халқингга қил, халқингга кўрсат. Худа-беҳудага худдики

еру жаҳонни гуллатиб юборадигандай айюҳаннос солиш, бир-биримизга мағзава тўкиш бизга ярашмайди – эшитганлар ус-тимиздан кулади, куляптиям. Жамол Камол айтувди Ўзбекистон дунё ҳамжамияти тўридан жой олади, мен ишонаман деб. Афсонага ишониб фол очадиганлардан эмас Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ҳам. Кўзимизни катта-катта очиб, юртдаги ўзгаришларга қарайлик, кўзи юмуқлар бўлса, мошдай очиб қўййлик. Ҳозир эсипастлик, мансабпарастлик, манманлик кетмайди; қаерда худбин ё таъмагир бўлса, эл ютуғидан ичи тўкилиб кетадиган бахиллар бўлса, тўғри йўл кўрсатайлик. Бирлашмасак бўлмайди. Тарихга қаранг, ҳамма фожиаларимизнинг илдизи бошбошдоқликка бориб тақалади! – шу калималарни тилга олаётганида ўтирган жойида бир неча марта кўтарилиб-кўтарилиб қўйди. – Абу Райҳон Беруний ҳазратларининг ибратли бир сўзи бор, ўқигансиз, албатта, – деди Ўрозбой оғага чой узатиб. – Ул зот тараққий этиш, йўқ бўлишга сабаб бўладиган табиий ҳодисаларни текширар экан: «Денгизлар қуруқликка, қуруқликлар денгизга, саҳролар водийга, водийлар саҳрога, тоғлар текисликка, текисликлар тоғларга айланади. Табиатда қотиб қолган нарса йўқ. Дунёдаги ҳамма нарса маълум вақтдан кейин бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради», – дейди. Шундай. Менимчаям, дунёда ҳамма нарса ўзгаради, аммо худбин деган Худо қарғаган қавми тўғрилаш жуда қийин, ҳатто гўрга киргандан кейин, ер остида ҳам жим ётмаса керак деган хаёлга бораман айримларга қараб туриб. Қирқпеслар дейди биз томонларда жайдарича қилиб унақаларни! – Мамадали ака беихтиёр яна қизишди: ҳамлага чоғланган бургут шижоати сувратланди қиёфасида – ҳавасим келди. Қарилик – қиш, қарилик – суслик; кексалик қарашларни жўнлаштиради, юрак ҳам, ҳис-туйғулар ҳам совиш ва ҳорғинликка юз тутади дейилмиш гапларга ишонгинг келмасди акага қараб туриб. Ахир, саксоннинг томоғига бориб қолган одам-а у! – Қишлоққа, Боғдонга бориб келдим. Йигирма йилдан кейин, расман, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг йўлланмаси билан. Ҳали бир ҳафтаям бўлмади. – Пиёласидаги чойни хўплаб-хўплаб, салмоқлаб-салмоқлаб давом этди

у. – Қишлоқларни, Форишни, Жиззахни айландим. Ўзгаришларни ўз кўзим билан кўрдим. Ахир, салкам ўттиз йил туғилган жойига боролмаган банда эдимда мен. Вой-бў-уй! Эртақ. Афсона! Ўттиз-қирқ йилда бўлмаган ишлар бўлибди уч-тўрт йилда. Жиззах бутунлай бошқача бўлиб кетибди. Манзаралар, кўчалар, уйлар, бинолар, боғлар, одамлар – ҳаммаси бошқача. Ёзиш керак. Ёзаман деган ёзувчига тайёр роман, тайёр достон – унча-мунча китобга сиғмайди. Юрагимдаги чин гапни айтайми: бундай тараққиётни кўрмаган, кўролмаганларнинг кўзи оқиб тушади! Ахир, Ватанимиз тарихида бундай қутлуғ дамлар қачон бўлган? Фақат ичиқора кимсагина буни кўрмаслиги, пана-пасқамлардан: «Ўзбекистонда ҳеч қандай ўзгариш бўлмапти», – деб иғво қилиши мумкин.

– Бутун дунё мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, ғоявий, маънавий, руҳий янгиланишларни тан олиб турганда буни кўрмаслик – сўқирлик. Тўғри, камчиликлар кўп ҳали. Ўмарилган, ўзбекни хонавайрон қилган миллиардлар қайтарилса, коррупция таг-туби билан кўпорилса, шаффоф декларация жорий қилинса. Айтишга осон. Лекин: «Гўзал кунлар келишини кутма, унга томон боришни унутма», – деган Жаллолиддин Румий ҳазрат. Бизда ҳам кутиб ўтирилган эмас, энг муҳими, истак бор, қатъий ҳаракат бор. Ўзбекистон тараққиёт йўлига кирди. Ваҳоланки, юз йиллар давомида қаровсиз, эгасиз қолдик-ку! Никалай талади, копирлар талади, мустақилликка эришдик, энди зўр бўлади девдик, ҳеч бало бўлмади. Яна ёлғон, ўғирлик, қўшиб-чатиш, кўзбўямачилик. Ҳали тўрт йил ҳам бўлгани йўқ эл кўксига шамол текканига. Эссе ёзпман, «Олтин ўлка». Бир қисми, – деб менга юзланди. – Сизни ЎЗА билан, Ҳусан Эрмат жанобларининг «Ишонч» газетида чиқди. Зўр илҳом билан давом эттиряпман, катта китоб қиламан. Жиззахнинг нималигини, нималарга қодирлигини кўрсатаман. Кўпчилик яхши билмайди. Жиззах – очилмаган кўриқ. Пахта, чорва, боғдорчилик – булар азалий ва абадий мавжуд нарсалар. Ундан ташқари олтин, кумуш, темир, кўрғошин, рух, эҳ-ҳе, Менделеев деганларнинг жадвалидаги ҳамма маъдан бор. Бутун Ўзбекистонни боқиш, гуллатиб-яшнатиш, боғу

бўстон қилишга етиб-ортади ундаги бойликлар. Римга тенг-кур маскан, ахир, Жиззах! Птолемей, Плутарх, Плиний, Юстин, Драйзен, Дионист, Наршахий ва бошқа яна ўнлаб қадим давр олимлари битиклари буни тасдиқлайди. Беаёв таланди, вайрон қилинди: аҳамонийлар, араблар, сомонийлар, чингизийлар... энг охирида шўравийлар...

– Тангри қўллови, Президент журъати билан вилоят энди энди ўзини ўнглаяпти. – Мамадали ака тўлқинланиб, илҳомланиб, тобора очилиб кетаверди. – Бугун вилоятда уч мингдан зиёд корхона ишлаб турибди. Уларнинг сони яқин-яқинларгача мингдан ошмас эди. Гагарин, Манас, Хонбанди каби шаҳар ва шаҳарчалар деярли қайта қурилибди. Яна қанча қишлоқлар обод этилибди. Янгидан қурилган фабрикаю заводларнинг саноғига етиш қийин. Меҳрибон деган соддагина шоира бор экан, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раҳбари, шу аёл йўлбошчилик қилди. Энди сафардан олган таассуротларимдан биттасини мен айтай, сиз эшитинг: Жиззахда Ўрта Осиёда ягона бўлган базалт кони ва заводи бор. Базалт – бу тош. Космосдан то оддий арматурагача бугунги кунда усиз «нафас» ололмайди.Энг муҳим тармоқлар: сув иншоотлари, ҳарбий саноат, учоқсозлик, кемасозлик, метро, темир йўл, йўллардаги кўтармалар, кўприклар, деярли барча қурилиш соҳаларида ишлатилади. Чунки базалт маҳсулотларидан тайёрланадиган арматура, компазит сетка, фабривалка темирникига нисбатан қирқ фоиз арзон, ўн марта енгил, мустаҳкам, зангламайди, иссиққа бардошли, аниғи, целсий бўйича уч минг даражагача чидайди, экологик тоза.

– Заводга бордик. 330 одам тўрт сменада ишляпти. Бир кеча-кундузда 3,5 минг тонна тола ишлаб чиқаряпти. Жиззах шаҳридаги корхоналар ундан турли шакл, ҳажм ва узунликда арматуралар тайёрламоқда. Тошдан шунча маҳсулот! Афсона! Кўрдик, ҳайбатли ускуналар тошларни майдалаб, ипақдай майин толаларга айлантиряпти, махсус лаборатория ходимлари тола сифатини мунтазам назорат қилиб турибди. Яна 4-5 та завод қурилса ҳам, запас минг эмас, беш минг йилга етиб ортар экан.

– Учкулоч маъдан конидаям ҳазилакам ишлар бўлмаяпти. Бу ерда қазиб олишдан ташқари маъдан тошларини қайта ишлаб чиқаш фабрикаси қуриляпти. Фабрика йилига 5 000 000 тонна ярим металл маъданни қайта ишлаб чиқаради. Содда айтсак, худди гуручдан курмакни ажратгандай қилиб, тошдан кўрғошин, рух, кумушни ажратиб беради. Яна битта мисол келтирмасам бўлмайди. Буям Ўрта Осиёда ягона атом электр энергияси ишлаб чиқарувчи станция – АЭС. Қурилиб бўлгач, 1200 одам ишли бўлади, АЭС ёнида институт очилади. 2400 мегаватт қувватга эга иккита энергия блок ишга тушади. АЭС экологик жиҳатдан тоза бўлади, ис гази чиқармайди, жуда катта миқдорда табиий газ тежалади. «Ўзбекистон Швейцарияси»га айланиб бораётган гўзал Зомин ошёнида ёки ҳадемай Сочи, Ялта, Сухуми каби обод маконлардан қолишмайдиган дам олиш масканларига айланиб кетадиган Ҳайдарқўл, уни маҳаллий аҳоли «Қизил денгиз» ҳам дейди, ҳақида гапирадиган бўлсам бир-икки кун камлик қилади. Насиб этса, буларнинг ҳаммасини ёзаман, аниқ далиллар билан, оқни оқ, қорани қора деб. Кўрқиб ёлғон ёзадиган замонлар ўтди. – Ижодий лабораторияси эшигини атторнинг кутисидай ҳар кимга очиб кўрсатишни хушламайдиган одам суҳбат жараёнида бу жабҳадаям бизга саховат кўрсатди: яна анча-мунча режаларини айтиб ташлади. Унинг ўзбек миллатининг келиб чиқиш тарихи; Зардуштий, Яхудий, Буддавий, Насроний, Ислом динлари дунёга келмаган замонларда ҳам хунлар бўлгани, турк ботирлари жасурликни ўз аждоди – Хундан мерос қилиб олгани; туркий авлодимиз араб, юнон, эрон, рум, оссурий, ҳинд, хитойлардан юз-юз йиллар олдин, ҳали Оврўпо, Америка ухлаб ётган замонларда шаҳар-давлат қургани; ёзувни кашф этгани, мактаб очгани, шу алфавит – Шумер, Этруск ёзувлари асосида Еврей, Миср, Урарту алифболари вужудга келгани, қисқаси, ўзбекнинг тарихи жуда узок замонларга бориб тақалиши ҳақида «Дунё цивилизацияси бешиги» номли туркум эсселар ёзаётгани борасидаги ҳикояларини маза қилиб эшитдик. «Алпомиш» достони, достоннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги «Афсона ва ҳақиқат» эссесини

ёзиб тамомлаганини айтганида Ўрозбой оғам сал ҳайрон қолгандай бўлди. У:

– «Алпомиш» тўғрисида жуда кўп жазилган, Сиз... – деб энди гап бошловди, Мамадали ака сўзини бўлиб:

– Сен неларни жаздинг демокчисиз-да? – деб илжайди. Кейин эсига бир нима тушдим, мен ҳозир деб аста ўрнидан турди, секин юриб ичкари хонага кириб кетди. Жойидан қўзғалаётганида, уйга томон бораётганида қаддини олдинга ташлаб, бир тарафга эгилиброқ юришидан билиндики, умуртқасидаги касаллик ҳали тузалмабди. Қамокларда уч марта юрак инфаркти олган, ошқозонида яра ва ўсимта орттирган, икки кўзи катарактага учраган, қони қуйилиб, камайиб кетган, ўт пуфагида олтига тош йиғилган, аденома касали узлуксиз қийнаган одамга умуртқа чурраси ҳам зулукдай маҳкам ёпишиб олганини эшитувдим. Юракдаги жарроҳликлар беҳад оғир кечганини эса сўнгги йиллардаги ҳамроҳ-дўсти Гулзамон Акбар айтиб берувди. Биринчи марта юрак фаолиятини назорат қилиш учун қўл томирлари орқали дори-суюқлик юборилади. Шунда икки томиридан юрагига қон бормаётгани аниқланади. Иккинчи марта ўнг оёғининг тиззаси пастидан икки томир кесиб олиниб, юрагига уланади. Узоқ давом этган операция давомида ўпкасига қон қуйилади. Комага тушиб қолган бемор зудлик билан учинчи марта операци қилинади. Ўпкада тўпланган қонни олиб ташлаш учун адибнинг қовурға қисми кесилади... Темир иродали адиб бу синовлардан ҳам соғ-омон чиқади...

Ичкаридан тез қайтди. Қўлида бир даста қоғоз.

– Биз ҳозиргача «Алпомиш» достони тарихини, дoston қайси замон, қайси маконда яралганини яхши билмаймиз, – қадимги стулга жойлашиб олгач, қоғозга қараб-қараб сўзлай бошлади у. – Бу дoston Хун империяларининг энг гуллаган замонларида туғилган. Яъни милоддан аввалги 210 йилдан милоднинг 470 йилигача кечган даврларда. Тарих талқинича, мана шу 680 йил ичида Хун салтанати дунёга хумрон бўлган. Эътибор беринглр, салкам етти аср! – Акадаги ғурурдан сездикки, ўқиётгани «Алпомиш» эссесидан парча. – Олам тари-

хида ўчмас ўрин олган бу сана Осмон ва Ер тургунча яшайди. – Ўша оҳангда давом этди у. – Хун салтанатининг қудрати, доврўғи айнан шу санадан бошланади. Яъни Ботир Тангрикут Хоқон бўлган йилдан. У Ўғизхон оти билан очун тарихига кирган.

Ўғизхон 26 та давлатни ўзига тобе этади. Ўғизхон биринчи гада (эрамиздан олдинги 198 йил) Хитойни тиз чўктиради. Бойдинг тоғи жангида у Хан империяси қўшинларини енгади. Император Лийибонг Ўғузхонга ўз қизи – Нинг билан бирга беҳисоб олтин, беҳисоб ноёб нарсаларини беришга мажбур бўлади. Шу йўл билан у ўз жонини сақлаб қолади.

Хитой қарийб юз йил Хун салтанатига ўлпон тўлайди. – Мамадали ака роҳатли ифтихор оғушида бизга бир-бир қараб олди. – Ўша даврларга бориб тақалади «Алпомиш» бобомизнинг таржимаи ҳоли. Олимларнинг ўргангани ҳали чала. Умуман, тарихимзни, улўғ аждодларимизнинг дунё илмига, маданиятига, маънавияти тараққиётига қўшган ҳайратли ишларини, кашфиётларини яхши билмаймиз. Ибн Сино, Беруний, Жалолиддин Мангуберди, кечирасиз-у, ҳатто Бобур ҳазратларининг ҳаётиниям чуқур билмаймиз. – Мамадали ака шошмай, мароқ билан сўзлаяпти, икки қўллаб иягига таянган Ўразбой оға нималарни ўйлаяпти, билмайман, менинг ҳаёлимда эса Алпомишнинг урҳо-урҳоларию дулдул отларнинг чанг-тўзонлари орасидан ёзувчи ўтган йўллар кўринаётгандай... Ҳикояларида мангуликка даҳлдор алланималар бордай...

Бир умр миллатим деб ёниб-куйган, аммо йигирма йил бутунлай унутилган ва шу йиллар ичида миллий матбуотда бир қатор ҳам сўзи чиқмаган адибнинг тилидан бундай гапларни эшитиш ҳам қувончли, ҳам аянчли эди. Умрининг сўнгги йилларини маломат тошлари остида ўтказган ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов: «Оҳ, инсон қисмати бунчалар чигал», – деганда нақадар ҳақ эканига тирик гувоҳ бўлиб тургандай эдим гўё.

Чидаган одамга чигалликнинг хосиятли томонлари ҳам бўлар экан: шунча йил четга суриб ташланган адиб бошқатдан Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди, «Шарқ юлдузи», «Жаҳон адабиёти» журналларида, «Ўбекистон адабиёти ва санъати», «Ишонч» газеталарида ҳикоя, қисса ва эсселари чоп этилди;

бошида музаффар офтоб чарақлаб, ярақлай бошлаган дорилон кунларда эса... бу ёруғ олам билан мангу видолашди. Ундан ўзи каби ўзанига сиғмайдиган ёмби мерос қолди; Боғдон қоялари каби ноёб, бетакрор хазина қолди; қояларни ёзавериб ўзиям қояга айланиб кетган жасоратли адиб сиймоси қолди. «Академнашр» чоп этаётган «Ойну» унинг йигирма йилдан кейин ўзимизда чиқаётган биринчи китоби – бебаҳо ёмбининг бир ушоғидир. Ўқилмаган, ўрганилмаган, таҳлил қилилмаган – неча йиллардан бери нашрини кутиб ётган асарлари эса жуда кўп...

Аттангки, ўзи кўролмади, кўрганида севинчдан дунёга сиғмай кетарди. Начора, табиат қонуни шунақа экан, нима ҳам қила олардик? Ёвузликнинг барча шакли-шамойилини лаънатловчи ўйчан, мароқли мерос «Ойну» каби кўнглимизга таскин беради энди. Бу китобнинг ўзига хос қимматли фазилатлари ҳақида мен ҳеч нима димаيمان. Фақат Эврил Туроннинг ушбу китоби ҳаммамизга муборак бўлсин, уни ўқиш ва ўқиш бахти билан Сизларни табриклайман, азиз ўқирманлар, дегим келади.

...Ўзанига сиғмай, пишқириб оқаётган дарё; баланд тоғларни кунпаякун қилмоқчидек ҳайқириб қирғоққа урилаётган асов тўлқинлар; ғайрати вужудидан тошиб кетаётган, «ичида деви бор» одам – Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон) энди ўлмас асарлари ардоғида сизу биз билан, биздан кейинги авлодлар билан бирга – ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб яшайверади...

Абдусайд КЎЧИМОВ
2020 йил 16 – 19 ноябрь

«Эзгу фикрловчи кўмак сўраб кимга мурожаат қилади? Қонун кимнинг қўлида? Ёвузлик хоҳинлари қўлида... У бойликни эгри йўл билан эгаллаб олди. Ким уни ҳукмронлик ва ҳаётдан улоқтириб ташлайди?»

Зардушт

«Қонунлар кишиларни кўрқитиш учун эмас, уларга ёрдам бериш учун яратилган».

Вольтер

«Ҳар қандай сохта ҳукумат сўз эркинлигидан кўрқади».

Н. Бердяев

1

Ҳар куни Сталиннинг мана бу гапи «Правда», «Известия», «Комсомольская правда» газеталарида босилади:

«СССР – эркесвар мамлакат. Дунёда унга тенг келадиган давлат ҳам, куч ҳам йўқ. Биз бунга биринчи галда Компартиямизнинг доно сиёсати ва улўғ рус халқининг етакчилигида эришдик.

СССРда барча эл, элат тенг, тинч, тотув, тўкис яшаяпти. Бу дўстликни дунёда ҳеч ким ва ҳеч қандай куч бузолмайди.

Дўстлигимиз абадий!»

Куни бўйи шу хилдаги сўзлар СССР радиоларида янграйди. Бунга жавобан Ғарб ва Океанортидан кесатиклар келади:

«Кўпик...»

«Қуруқ арава шалдирайди».

Мен ҳали бола эдим. Ленин, Сталин, радио, газеталарга ишонардим. Оврўпа билан Америка СССРни «кўрол-маяпти» деб ўйлардим.

Биз тоғ тўрида, кўкламда турли-туман чечаклар, кўм-кўк ўтлар билан яшнагувчи, ёзда кўнғир тусга киргувчи, этагида тошқин сой оққувчи тепа устида, ярим йиқиқ уйда яшардик. Бу ерга ҳали «Ильич нури» етиб келмаган эди. «Ильич нури»га ғарқ ўзбек кент, кентчалари ўрис ва бошқа келгиндиларга тўлиб-тошгани ҳақида гап юрарди. Бироқ ҳали мен тирик ўрисни кўрмагандим.

Рус уруғи анқо Боғдонда КПСС, Ленин, Сталин, «Улуғ оға»га шарафлар ёғиларди.

Мактабда ҳам.

Дарсдан олдин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси мадҳиясини куйлардик:

«Ассалом, рус халқи – буюк оғамиз,

Ассалом, доҳиймиз – Ленин жонажон...»

Мадҳиядан кейин ҳамду сано айтардик:

«Ленин бобомиз,

Сталин отамиз...»

Сўнг порлоқ ҳаётимизни мақтардик:

«Тинч-тотув, тўқис яшаяпмиз...»

Оврўпа билан Американи ёмонлардик:

«Айниган дунё...»

«Капитализм – инсоният душмани...»

Бу мақтов, ёмонловларни мендан эшитган онам қовғини уяр, бироқ оғиз очмасди. Мен эса бунинг сабабини сўрашга ботинолмасдим. Фақат бир гал онам ўзини тутиб туролмади – портлади:

– Ёлғон!

– Нимага, она? – таажжуб ичра сўрадим.

– Мақтовлар... Ўлганининг кунидан мақтайди. Кўрққанидан мақтайди.

– Кимдан?

– Сталиндан, ГПУдан.

Юрт йигирманчи йиллардан бери бузилган арининг уясидек тўзғияпти:

Кулоқ...

Сургун...

Қамоқ...

Қийноқ...

Қатл...

Эркаксиз кулбалар ҳувиллаб қолди,

Хотинлар тул қолди,

Болалар етим қолди,

Оч-яланғоч қолди,

Уй-жойсиз қолди.

Буни ўзимизнинг мисолимизда ҳам кўрмаяпсанми, ўғлим? Мен сенинг кузатувчан бўлишингни истайман, оқни қорадан ажратишингни истайман.

Онамнинг бир марта бўлса-да ёлғон сўзлаганини эслолмайман. Шунга қарамай, эл-юрт мақтаётган нарсанинг ёлғиз онам томонидан «ёлғон» дейилиши менинг кўнглимга иккиланиш уруғини сепди. Ўйланиб қолдим. Онам гапини улади:

– Эл деювчи кишилар ёт элларга қочиб кетдилар.

– Шу тўғрими, она?

– Ноиложликдан қочиб кетишди. Бўлмаса, уларни «халқ душмани» деб отишарди.

– Ишонгим келмайди.

– Тузум уларнинг «Эрк» дегувчи ғояларидан кўрқади, ақлларидан кўрқади. Элни кўзғатишларидан кўрқади. Ёлғон, тухматлари фош бўлишидан кўрқади. «Кўрқоқ олдин мушт кўтаради». Оврўпага тухмат қиляпти. Аме-

рикага тухмат қияпти. Эрксевар кишиларга тухмат қияпти. Улғайсанг, бунинг тубига етиб оласан, ўғлим. Ҳозир тилингга маҳкам бўл. Одам орқасига одам қўйилган. Қўйилганларга ҳам қўйилган... Ҳалқа... Эл оғзига бўғов солинган. Унутма, улуғ отанг Аҳмат Оқсоқолни ҳам ГПУ дорга осган. Чунки у Элни деювчи киши эди.

Бундай онларда мени ўй чулғаб оларди. Кўнглимда иккиланиш уруғи уна бошлаганини ўзим ҳам сезмасдим.

Иккиланиш уруғи...

Онам бўш пайтларида бадий китоблар ўқирди. «Ал-помиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» дostonларини ёд биларди. Кечмишни севарди...

Онам!..

Менинг дунёда кун кўрмай ўтаётган онам!

Меҳрибон онам!

У Ғўддим тоғи этагида, Катта Турк¹ қишлоғида, ўзини тамиз турк билгувчи Избосар Турк оиласида туғилган. Боғдонликлар каби бобом ҳам қорамон уруғидан эди. Салжукли туркларда шундай сўз юрган:

«Қорамоннинг қўйини,

Сўнгра чиқар ўйини...»

Бунинг маъноси шуки, 1443 йилда Константинополни² олишда қорамонлар бизансларга қарши ҳийла ишлатадилар: қўй терисини ёпинган ҳолда (қўй шаклига кириб) қўққис хужум қиладилар ва уларни енгадилар. Шунда Фотиҳ Султон (Маҳмат Султон) шу гапни айтади:

«Қорамоннинг қўйини,

Сўнгра чиқар ўйини...»

Избосар бобом Туркияда ўқиган ва усмонли турк қизига уйланиб қайтган. Онаминг айтишича, момом (Ўғу-

¹ Катта Турк – Катта Турк қишлоғи, Пайариқ туманида, Челак кенти ёнида жойлашган.

² Константинопол – Истанбул.

за) сулув ва ўқимишли бўлган. У сочини (узунлигидан) сандалга чиқиб юваркан. Менинг раҳматли гўзал Роҳат опачам Ўғуза момомга тортган. Унинг ҳам кўзлари мовий эди.

Отам – Маҳмуд Аҳмат Оқсоқол ўғлини эслолмайман. Уни Боғдонда «Маҳмуд узун» деб аташган. Бу нисбат отамга фақат бўйи узунлиги учун эмас, ўткир ақли учун ҳам берилган. Отамнинг отаси кулоқ қилинганига қарамай, у тоғ бегиси бўлиб ишлаган. 1943 йилда (мен бешикда бўлганман) урушга кетган. Шунда онамга қуйидаги гапни айтган:

– Мен Олмонни босқинчи демайман. У худосиз тузум зулмидан қон қақшаётган элларни озод қилиш учун юриш қилган. Балки, бу Тангри истагидир. Чунки СССР – халқлар бўғови. Мен сенга Олмондан хат ёзаман... Ўғлимизни асра, Саодат. Эсингда тут: «От ўрнини той босади».

Отам қайтмади. Балки, Олмонда қолгандир.

«СССР – халқлар бўғови».

Мен буни ҳали тушунмасдим. Онам қайғу-алам билан дерди:

– Туркистон каби кўп юртлар бўғовланган. Тор тушовлаб, узун арқонлаб қўйилган. Москванинг чизган чизигидан чиқмайди. Чиқишга уринса, мажақлаб ташлайди. Бунга Ҳунгария¹ мисол. Будапешт танклар ғилдираклари остида қонга ботирилди.

Улуғ отангнинг мана бу сўзлари ҳамон эсимда:

«Сталин – Қонун.

Қонун – Сталин.

Қонун – Сталинга қурол».

Бутун куч ишлатар ташкилотлару ахборот воситалари – Сталиннинг яроғи. Сталин шулар билан тирик.

¹ Ҳунгария – Венгрия. Адашмасам, 1948 йилда Сталин Будапешт намоишини танклар билан бостирган.

Лекин?

Сталинни қўллаётганлар ҳам, «халқлар отаси» деб улуғлаётганлар ҳам ундан зада. Бутун қарам эллар зада. Дунё зада.

Онам бобомни эслаб юм-юм йиғларди. Сўнг кўз ёшларини эски, тоза қўлрўмолчаси билан артиб дерди:

– Халқлар зулм, очарчилик, ўлатлар сиртмоғида бўғилмоқда. Ҳамма ёқда зорлик, хорлик, зўрлик ҳукмрон. Бизнинг уйда ҳам...

Қандоқ яшардик! Боғ, чакалак, йилқи, қўй, эчки, мол... Бор-будимизни НКВД тортиб олди. Энди? Энди бир бўлак нонга зормиз.

Онам ҳақ эди:

Ойда-йилда қозонимиз бир қайнарди. Уст-бошимиз ҳам абгор эди. «Она, нон!» – деб йиғлардим. Бундай онларда онам эзилиб кетарди. Энди буни ўқсиб эслайман.

Йўқлик, иложсизлик ўрамида қолган онам кўз олдимга келади:

«Она, кечиринг!» – дейман куюниб.

Кўзларим ёшга тўлади.

Бироқ?

Бироқ энди кеч. Вақт қайтмайди. Ўтган қайтмайди.

3

Очликдан кунлар қирқоёқ юришидек имиллаб кечади. Оғир кечади.

Кишига тоғ, дара, ўрмонлар ҳам, булок, сой, ирмоқлар ҳам, ҳатто улардан-да гўзал нарсалар ҳам файзсиз кўрилади. Ўйин-кулги, куй-қўшиқлар ҳам ёқмайди. Ақл, онг, идрок деганлари моғорлайди. Юз-кўз, гап-сўз, хатти-ҳа-

ракатлар қаримсиқ тусга киради. Очун туманли, тунд кўринади.

Балки, Москва мияларни бўғовлаш учун ҳам элларни сунъий тарзда очликда сақлар?

Онамнинг таъсирида туғилган ушбу фикр узун замон кечароқ ўз тасдиғини топди. Марказий газеталар («Правда», «Известия», «Комсомольская правда»)да бу тўғрида ёзилди. Ҳатто даҳшатли очликдан кишилар одам этини еганлар: «Янги қабрлар очилиб, ўликсиз қоларди...».

Сталин ҳақидаги латифа ҳам дунёга ёйилади:

Сталиннинг буйруғи билан Кремл қопқасининг икки томонига икки улкан ит занжирлаб қўйилади: бири тўқ, бири оч.

Сталин (Политбюро аъзолари билан) қопқадан ичкарига киради. Тўқ ит занжирини узгудай бўлиб ер титиб, вовуллаб уларга ташланади. Сталин итга суқ бармоғини нуққан ҳолда Политбюро аъзоларидан сўрайди:

– Кўряпсизларми у қандоқ хавфли?

Политбюро аъзолари бир овоздан жавоб қайтаришади:

– Кўряпмиз.

– Нимага? – сўрайди «Буюк Доҳий».

– Тўқ, – баралла жавоб беришади аъзолар.

– Шундан кўрқиш керак! – таъкидлайди «халқлар отаси».

Оч ит эса ётган жойидан қимирламайди. «Бир бўлак нон бер» дегандай Сталинга мўлтираб боқади. Сталин оч итга суқ бармоғини нуқади ва Политбюро аъзоларини саволга тутайди:

– Кўряпсизларми, у қандоқ ювош?

Полтибюро аъзолари бир овоздан жавоб беришади:

– Оч.

– Халқни ҳам шундай ушлаш керак! – дейди генерал-лиссимус Сталин.

Менимча, ҳар бир латифа қатида маълум ҳақиқат ётади. Бу латифадан келиб қаралса, «халқлар отаси» халқдан кўрққан. Буни юзлаб соқчиларию «эгизак»лари (двойниклари) бўлганидан ҳам билса бўлади. Бу ҳақда Сталин ўлимидан кейин (марказий газеталарда) очиқ ёзилади. Тўғри, «Доҳий»дан манфаат кўрган маддох, ялоқлар Сталин қирғинини¹: «Тўғри бўлган. Йўқса, давлатни сақлаб қололмасди», – дейдилар. Бундоқ тўнкаларга Муҳаммад (а.с.)нинг қуйидаги сўзи билан жавоб берганман: «*Одамлардан тўғрилик ва ҳалоллик талаб қилишдан олдин тўғри ва ҳалол жамият қуриш лозим*»².

Мен яна шуни сездимки, очлик, тушкунлик, умуман, қийин дамларда кимнингдир ёки ниманингдир турткиси сабаб одамда бир умид уйғонади. Шунда у яшариб кетади, борлиқ нурга тўлгандай туюлади. Буни онам мисолида кўрдим.

Аянчли кунларнинг бирида онам Учқулоч олтин конига яёв бориб қайтди. Севинганидан олуранг кўзлари порларди. Хурмадан андоза олган хиёл қалин дудоқлари садаф тишларини кўрсатароқ юмилмасди. Шу онда, менинг наздимда, у гулга ўхшарди. Очунда ундан сулувроқ аёл йўқдек эди. У мени қайноқ бағрига босди. Манглайимдан ўпди ва қувонч тўла овозда деди:

– Мен ишга ўтдим, ўғлим! Энди оч қолмаймиз. Отаннинг олдида ҳам юзим ёруғ бўлади.

Онам ҳамон отамнинг қайтишига умид боғлаб яшарди.

У икки ўрим сочини турмаклаб олди, бошига олма гулли рўмолини ташлади, сўнг сочимни силаб деди:

– Эртага Олтинконга кўчамиз!

¹ Сталин қурбонларининг жами сони 40 миллионга етади (Аргументы и факти. 1989. №5).

² Пайғамбар ҳадисидан.

Олтинкон...

У Боғдондан икки тош этакда – чағир тошли чўл адоғида – пастқам тоғлар оралиғида жойлашган.

Олтинконда чуқурлиги уч кулочча келадиган бир қудуқ бор. Унинг тиниқ, чучук суви камаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам, бир теранликда (Учқулоч тепалигида) туради. Олтинкон шу қудуқ оти билан аталади: «Учқулоч».

Учқулочдан анча қуйида тағин адирсимон тоғ тизмалари қад кериб турибди. Ундан нарёғи адоқсиз Қизилқум. Сўнг Қозоғистон.

Биз қудуқдан икки юз қадамча юқорида, ўрликда жойлашган ташландиқ ертўлани макон айладик. Онам билан ўз билганимизча тузатиб, оҳакладик, супуриб-сидирдик, кейин унга «Ильич нури» улатдик. Кулбача ўша лаҳзада қасрдек туюлиб кетди.

– «Ильич нури» ғаройиб-да! – онам ёш боладай қувонди.

– Мўъжиза, – дедим мен.

Онам ош пиширди. Бундан олдин қачон палов еганимизни эслолмайман. Балки, бир йил аввалдир. Эҳтимол, унданам кўп... Тўйиб ош едик. Тотли таъми ҳалигача оғзимдан кетмагандай.

Ўтган йили ёзда, таътилда Учқулочда (топографга ёрдамчи бўлиб) ишлаган эдим. Ўшанда бу ошёнда ҳаёт бўрон каби гувуллаб, қайнаб-тошаётганини кўргандим. Гиж-ғиж одам. Асосан ёшлар. Адашмасам, уларнинг тўқсон фоизи ўрис ва бошқа келгиндилар. Қолгани ерли. Ҳамма тармоқ бошлиқлари руслар. Ҳатто шахта, бурғу цехларида ҳам улар ҳукмрон. Кўпининг ерликларга паст назар билан қарашини яққол сездим ва шунда онамнинг ҳақ эканини теранроқ англадим.

Ҳар куни можаро...

Мени ҳайрон қолдирган нарса: «Улуғ оға» ҳар гапида «асбоб»ини қўшиб, сўкиниб гапиради ва топганини ичади. Бу менда ажабланиш ила жирканиш туйғусини уйғотди.

Учкулочда (Боғдонга солиштирганда) яшаш шароити яхши; «Ильич нури», «Маданият уйи», ҳаммом, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, биллиард, теннис хоналари...

Тағин турли тўгараклар...

Ҳар куни «Маданият уйи»да танца.

Мен яна (мактаб очилгунча) геолог қиз Ойнур (Ўзи Тошкентда туғилган бўлса ҳам, асли чимкентлик) кўмагида ишга (топографга ёрдамчиликка) кирдим. Онам бош идорада супурувчи.

5

Ойнур!

Асл исми «Ойнури» бўлса ҳам, ҳамма уни «Ойнур» деб чақирарди.

Ойнур! Бетимсол гўзал қиз.

Оврўпача либосда, кийинганда ҳам охирги урфда кийинган бу қиз бизни келганида ертўламыз ёришиб кетарди. Онам ўзини қўярга жой тополмас, атрофида парвона бўларди. Мен ғариб яшаётганимиздан уялардим. Онамнинг ҳам юз-қўзида шу ифода кезарди. Ойнур илк танишган кез асл қиёфасини яширадиганлар хилдан эмасди. Билъакс, табиатан қандай бўлса, ўзини шундай тутарди. Ўз уйида юргандек эркин эди. Бизни ҳам шунга ундаб, онамга ҳазиломуз оҳангда дерди:

– Ўғлингиз мендан кичик-да, она, йўқса, сизга келин бўлиб олардим!

Бу гап онамга болдай ёқар, севинганидан порлаб, Ойнурга жавоб қайтарарди:

– Сиздек келиним бўлса, бошим осмонга етарди, гўзал қизим. Гап кўнгилда-да, чироғим. Пайғамбаримиз ўзидан ўн беш ёш катта Хадича ойимга уйланган. Бу ибрат бўлмасми, гўзал қизим?

Ойнур киборли хонимларга ўхшаб кўринса ҳам, аслида, кибр-ҳавони билмас, яқинларига ичидагини яширмай тўкиб-сочарди:

– Узр, онажон, мен ўз ақлим билан яшайман. Эркин одамман. Менга ҳеч кимнинг ҳаёти мезон бўлмайди. Ота-онамни севаман, аммо ўзимни ҳақ деб билсам, уларнинг ўғитларига ҳам қулоқ солмайман. Балки, бу камчилигимдир? Бироқ барибир ўзимни сунъий равишда ўзгартира олмайман. Ҳар кимнинг «мен»и ўзида бўлса, бошқа бирон кимсани, ҳатто энг улуғ инсонни ҳам такрорламаса, ер юзида ўсиш бўлади.

Такрорлаш – тараққиёт бўғови.

Мен ҳеч кимни такрорламайман. Бу оламда ўзим бўлиб яшайман. Ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳам шунда деб биламан.

Ойнурнинг ҳазили ҳам, сўзи ҳам, овози ҳам менга болдек ёқарди. Қиздирилган тандирдек қизариб, терга ботардим. Лекин унга бир сўз дейишга журъат ҳам, куч ҳам топмасдим. «Буни шеъримда ифодалайман», – деб кўнглимга туғиб қўярдим. Ойнур менга жилмайиб, кўз остидан бир қараб қўйиб, тагин ҳазил қиларди:

– Ўғлингизнинг катта бўлишини кутайми, она? Кейин у мени тан олмачса-чи? Аёл зоти тез қариб қолади-да, она. Бир яхшилаб ўйлаб кўрай, а?

Кейин тўсатдан жиддийлашиб, онамга меҳр билан боққан кўйи:

– Сезгим алдамаса, ўғлингизда ҳам нимадир бордай. Нима? Аниқ айтолмайман. Фаҳмлайман: унинг кўзларида исён шарпасини кўраётгандайман. Вужудида бунинг ўзагини... Яна Тангри билгувчи, она, – дерди. – Менимча, ҳар бир одамнинг ботинида гавҳар ҳам, заҳар ҳам бор. Яна ҳар нарса... Булар Тангридан. Ҳаётнинг қақшатгич бўронларида юзага чиқади ёки ҳеч қачон...

Ерости бойликларини, хусусан, гавҳарни излаб топиш қийин. Кавлаб олиш ҳам. Тагин тошдан ажратиш муаммоси...

Агар ўғлингизнинг вужудида гавҳар бўлса, унга кўмак лозим. Йўқса, мақсадга эришиши маҳол. Фақат бундан айрим кишилар айро. Яъни ҳаёт довулларида кўрқмайдиган, курашиб толмайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз йўлидан қайтмайдиган кишилар. Улар темир иродали, заковатли кишилар.

Бундайларнинг қисмати

Зиддиятли кечади,

Хатарли кечади,

Бўронли кечади.

Гўзал кечади.

Бу шахсий фикрим. Боя: «Ҳар қандай ҳолда ҳам ўз йўлидан қайтмайдиган кишилар», – дедим. Ўғлингизнинг мана бу машқи нимани англатади, она? Менимча, қайтмасликни...

Манзил

«Интилганга толе ёр».

Эл сўзи

Қоронғи тун ерни босиб ётар беомон,
Қор бўрони увлар бир йиртқич хайвонсимон.
У Тун, бўронга қасд олға интилар чаққон,
Йиқилар, шилинар, тўнар, тўхтамас бир он.
Уч қадам нари ҳам кўринмас, зулматдир том,
Ҳатто кўз очишга қўймас ваҳший бўрон ҳам.
Лек ишонч, умидин узмас, интилар дадил,
Олис тоғлар ортида у кўзлаган манзил!

«Қоронғи тун», «қор бўрони»... барчаси рамз. «Қоронғи тун» ҳам, унинг қиличию «қор бўрони» ҳам гўё: «Биз кудратлимиз!» «Биз мангумиз!» – деётганини угина эши-тади. Шу билан бирга, бу мақтаниш пучлигини, ҳайбатли тоғлар ортида ёруғ манзил борлигини англатади.

«У» ким!

У – ўғлингиз.

У – Мен.

У – Сиз.

У – эркин фикрловчи киши.

У – эрк истовчи эл.

Ойнур ниманидир ўйлабми, тин олди. Сўнг яна эркин оҳангда давом этди:

– Менинг отам профессор, онам ҳам олима. Ўғлингизга ўзим кўмак бераман. У ўқиши керак. Мактабни битирсин. Кейин... Унда нимадир яширинган бўлса, шунда куртак ёзади.

Яширинган нарса... Балки, бу иқтидордир? Иқтидор... «Манзил» шундан бир учқундай.

Унинг мана бу тўртлиги ҳам фикримга далилдай:

Туманларни ҳайдайман мен бўрон бўлиб,
Бўғовларни янчаман мен тўфон бўлиб.
Риёларни ёқаман мен оташ бўлиб,
Кўнгилларни ёритаман қуёш бўлиб.

Ёки бу иккилиги:

Замон келар: мен ғанимга ўлат бўламан,

Замон келар: мен элимга қанот бўламан.

– Унинг улуғ отаси ҳам «Элим!» дерди, – деди онам.

– Қонида борми?

Онам: «Қайнотамни «Қўрбоши» деб дорга осишди. Энди бизга ҳам кун беришмаяпти», – демоқчи бўлди. Бироқ негадир фикридан қайтди. Бунинг ўрнига синиқ оҳангда деди:

– Ҳа, гўзал қизим, қонида бор. Ёлғиз суянчиғим шу болам. Уни қўллаяпсиз, Тангри сизни қўлласин!

6

Ойнурнинг таъсири, кўмагида кўнглим ўсиб, ўзимга ишончим ортиб борди. Бўш пайт топдимми, китоб ўқийман, шеър ёзаман.

Бир бозор куни Ойнур:

– Танага ҳам сайқал бериш керак, – дея жилмайди ва менга оқ рангдаги спорт форма билан худди шу тусдаги оёқ кийим совға қилди.

– Қани, кий.

Менга бировнинг буйруғи ёқмайди. Онаминг айтишича, бу одат отамдан ўтган. Бироқ Ойнурнинг гапини икки қилмасдим. Буйруғи беғаразлигигами? Ёхуд унга теран ҳурмат билан қараганимгами? Билмадим нимага.

Кийдим.

Спорт костюм менга ярашди, шекилли, Ойнур:

– О-о! – дея мени кучди. Унинг куёшранг юзларию қора бодом кўзлари порлади. Ойнурнинг ўт оғушида эриб, ёндим. Лабимнинг ўнг четидаги холимни сўл бармоғи билан эркалаб босди:

– Мунча чиройли.

– Умрингизда барака топинг, гўзал қизим! – деди онам ҳаяжонга қоришиқ меҳрли овозда.

Шу кундан эътиборан футбол, волейбол, баскетбол машқларига қатнай бошладим. Боксга ҳавасим зўр эди. Муштлашишни яхши кўрардим. Айниқса, келгиндилар билан.

Биллиард, теннис, шахматни ҳам ўргандим. Бундан онам ҳам, Ойнур ҳам севинардилар. Ўзимни бахтиёр сезардим.

Бир сўлим оқшом Ойнур менга:

– Спортнинг фойдасини кўряпсанми, Эврил? Бўйинг ҳам анча ўсиб, елканг ҳам кенгайиб қолди, холли юзинг ҳам тиниқлашиб қолди. Спорт билан мунтазам шуғуллан. Мунтазам ўқи, мунтазам ҳаётни ўрган. Ҳар ондан унумли фойдалан. Ҳар нафас ўлчанган. Вақтни бой берма. Кейин афсусланиб юрма. Вақт ортга қайтмайди. Тушундингми? Ортга қайтмайди, – деди.

– Ҳа, Ойнур опа.

– Бу – профессор отамнинг сўзи.

Отасини кўз олдига келтирди, чоғи, осмонга тикилиб ўйланиб қолди. Осмонда, ҳадсиз-ҳадсиз олисларда, миллион-миллион чақирим юксакларда миллион-миллион юлдузлар «сайр» қилади.

Бу юксаклик Тангрининг масофа ўлчови ҳисобида, балки, бир қарич ҳам чиқмас.

Миллион-миллион юлдузлар!

Ердан миллион-миллион катта юлдузлар!

Бу катталик, эхтимол, Тангри (Осмоний ўлчов) ўлчо-
вида тариқча ҳам келмас.

Миллиард-миллиард чақирим юксақларда!

Ердан миллион-миллион катта юлдузлар!

Инсон ақли бовар қилмас оғирликларига қарамай,
чек-чегарасиз, таг-тугсиз бўшлиқларда «оёқ-қўлсиз»,
«кўз-қулоқсиз», «оғиз-бурунсиз», «мия-юраксиз» сузади.
Сузганда ҳам сониясига минг-минг километр тезликда
сузади. Ўта аниқ ўлчамда ўз «чизиги» бўйлаб сузади, бир-
бирига урилиб ёки «тушиб» кетмай сузади. Тавба-тавба!

Ихтиёрсиз тўлин ой билан ёнма-ён сузаётган Марсга
қарайман. Ҳайратга тўлиб қарайман:

«Ерча келадиган сайёра биз ўтирган супадан ҳам ки-
чик кўриняпти, – дейман ичимда, – гўё сал юксақда су-
заётгандай. Аслида, у супамиздан олтмиш миллион ки-
лометр йироқда сузмоқда. Миллион-миллион йиллардан
бери сузмоқда. Тинсиз сузмоқда. Кимнинг ақли билан?
Кимнинг кучи билан? Нима ҳисобига? Нимага? Қандай?
Бу – сир. Бунинг замирига ҳеч замон етолмайсан. Миср
эхромлари мўъжизамиш. Чин мўъжиза – Ой, Марс, юл-
дузлар...

Яна Ер!

Инсон ризқи билан яралган Ер.

Одамзотни «опичлаб» секундига 30 километр тезлик-
да сузаётган Ер!

Она Ер!

Мўъжиза!

Улуғ мўъжиза!

Яна Инсон!

Бир томчи сувдан яралган инсон!

Бор мавжудотлар ичида унгагина ақл берилиши улуғ
мўъжиза!

Биз бунинг қадрига етамизми?

Биз ундан тўғри фойдаланамизми?

Менингча, тўқсон фоиз киши мўъжизалар мўъжизаси бўлмиш ақлнинг қадрига етмайди ва ундан тўғри фойдаланмайди. Билъакс, ақлни оддий бир нарса деб билади.

«Ўзинг-чи?» Ичимда биринчи «мен»га доим танқид билан қарайдиган иккинчи «мен» исён қилди.

Шу он онамнинг овози сукунатни бузди:

– Биласизми, гўзал қизим, энди ўғлим Эврил Турон деган от билан шеър битяпти.

Хаёлим бўлинди. Ойнур ҳам осмондан кўз узди. Она шуни истаганди. Истаги вожиб бўлди. «Нега айтдингиз, она?» деган маънода Ойнурга сездирмай онамга қараб қўйдим. Ойнур бунини илғади ва:

– Хижолат чекма, – деди менга, – қани, тушунтириб бер-чи.

– «Эврил»нинг синонимлари талай, – дедим мен хиёл жимликдан сўнг ноилож гап бошлаб. – «Айлан», «ўтрил», «чеврил»... Турон эса тарихий атама. Юртимизнинг эски оти. Бу – тамиз туркча от. Ўзимиз маъносини англамайдиган арабчадан йироқ Эврил Турон!

– Англадим, – Ойнур қўлимни сиқди, – тагида маъно... эзгу маъно... Эврилсин! Илоҳо, эврилсин!

Бундан онам севинди. Мен ундан-да ортиқ.

– Худди туркча отлар йўқдек, – дедим ўзимни тиёлмай, – бутун ўзбек исмлари арабча. Бу миллий ғуруримни яралайди. «Ўзбек исмлари» деган китоблар ҳам чиққан. «Ўзбек исмлари»миш!.. Тўқсон тўққиз фоизи арабча, форсча. Бундан ўйга ботаман. «ЎЗЛИГИМИЗ»дан узоқлашганимизга қайғураман. Исmlаримизни ҳам, умуман, тилимизни ҳам ислоҳ қилишимиз керак деб ўйлайман.

– Бир замонлар келса... балки...

– Шунга ишонасизми?

– Сендек одамлар туғилар?

– Туғилар... – такрорлади онам ишончсиз овозда.

– Энди мен ётоғимга борай, – Ойнур қалқди.

– Яна бироз ўтиринг, ой қизим. Сиз билан гаплашсак яйраймиз. Ўғлим иккимизга сўзларингиз болдек ёқади. Бу лаззатни дунёдаги ҳар қандай лаззатдан устун қўямиз.

– Мени ортиқ мақтавордингиз, она.

– Кўнглимни айтдим, ой қизим.

– Раҳмат, она, – Ойнур хижолатдан қуёш рангига кибриб яшнади. – Эртага иш.

Унинг гўзал дудокларида узрли табассум жилва қилди.

– Тунингиз хайрли бўлсин.

Онам Ойнурнинг манглайдан ўпди:

– Яхши тушлар кўриб ётинг, ой қизим.

Бу паллада кўча қатновлари сусайган, ҳаво салқин, «Маданият уйи» саҳнида, оврўпача мусиқа остида ёшлар телбаларча «шейк»ка тушардилар. Ойнурни футбол майдони ёнида жойлашган уйига кузатиб қўйдим.

– Хайрли тун, Эврил, – у мени кучиб, юзимдан ўпди.

Ҳали бирон қизни ўпмагандим. Ёхуд бирон қиз мени... Ойнур опаларча туйғу билан ўпган бўлса ҳам, бундай тотни сира туймагандим. Юзларим ловуллаб ёнаётганини ҳис этдим. Бошим айланди.

Уйга қайтганимда ҳам, уклашга ётганимда ҳам шу сўзлар, дунёда энг тотлидай, энг шаффофдай туюлган шу сўзлар қулоғим остида мусиқадай янграрди:

«Хайрли тун, Эврил!..»

Эврил!..

Ўзбек юртида биринчи марта у мени «Эврил» деб атади. Буни Ойнурнинг оғзидан эшитиш менга ўзгача завқшавқ бағишлади.

Орадан узун, жуда узун йиллар ўтса ҳам, бетакрор сасни ҳамон унутмадим, унутолмадим:

«Эврил!..»

Нурота тизма тоғлари билан Қизилқум саҳроси аро бир чўл ястаниб ётибди. Тўғрироғи, эгасини кутиб ётибди.

Учи-қири йўқ чўл,

Шўрсиз чўл,

Экинсиз чўл.

Юз миллионларни боқишга қодир чўл.

У олис Устюрт оша ўтиб, Ҳазар денгизига «шўнғийди».

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган шу чўлда куни бўйи Ойнурга эргашиб юраман. Унинг топшириғини (иложи борича хатосиз) бажараман. Елкамда (агар оти эсимдан чиқмаган бўлса) «Мак-шедер»¹, кувалда², темир қозик, сим, емоқ, ичмоқ...

Қизилқум ўлик денгизга ўхшайди.

Қизил денгизга ҳам.

Қатор-қатор тизилган барханлар тўлқинлару пўртаналарни эсга солади. Унга раҳмим келади. Шаккоклик бўлса ҳам, саҳро бошига бу кулфатни солган табиатдан нолийман. У қуёшнинг аёвсиз тиғида лов-лов ёнади. Улуғ ёлқини чўлга хуруж қилади. Мен «Мак-шедер»да ўлчанган ерларга қозик қоқаман, сим тортаман. Қўлларим қавариб кетади, лўқ-лўқ оғрийди. Чидайман. Пул топиш қанчалик қийинлигини ҳис этаман. Эзиламан. Аммо Ойнурга сир бермайман. Шундай онларда «Уят ўлимдан қаттиқ» деган мақолни илдиз-илдизи билан туяман. Бор кучим билан ишлайман. Ойнур соябони улкан, мис тус, мексикача шляпасини хиёл кўтариб жилмаяди:

– Пишгунча одам-ку одам, темирга ҳам қийин. Қилич ўз-ўзидан қилич бўлмайди. Устанинг қўлида, болғада,

¹ «Мак-шедер» – уч оёқли ўлчов асбоби. Бинокл. Унга ҳисоблаш ускунаси, симобли идиш ўрнатилган.

² Кувалда – катта болға.

Ўтда пишади. Кел, Эврил, бироз дам олайлик, – у қуёш таъсирида қуёш тусига кирган гўзал юзларидан оқаётган терни қизғиш сочиққа артади. Сўнг зангори соябони остида ҳўл кигизга ўралган кўзачадан чинни пиёлаларга айрон қуйиб ичамиз. Бундай онда одам айроннинг хузур ва ҳаётбахшлигини яхшироқ англайди. Узоқроқ дам олиш илинжида Ойнурни саволга тутаман:

– Ойнур опа, бу касб сизга, умуман, аёл кишига оғирлик қилмайдими? Умр дала-даштларда ўтиб кетмайдими?

– Отам ҳам шундай дейди. Онам ҳам. Аммо мен шунга қизиқаман. Ҳаётимни бусиз тасаввур қилолмайман. Балиқ сув билан, мен шу касб биланман десам, ишонмасан, Эврил?

«Эврил» сўзини Ойнурдан эшитсам денгиз мисол тўлқинланаман. Унинг тилида бу сўз бетакрор гўзаллик кашф этади. Ҳаяжонланиб жавоб қайтараман:

– Бу оламда ҳаммага ишонмасам ҳам, сизга ишонман.

– Яна?

– Онамга.

– Яна?

– Тангрига.

– Энди тўғри сўзладинг, Эврил. Ҳеч қачон, ҳеч ерда, ҳеч кимни ортиқча мақтама.

Меъёрни сақла.

Ҳақни сақла.

Тангри айро.

Онанг айро.

– Сиз ҳам айро.

– Э шум бола! – Ойнур яйраб кулади. Оппоқ тишлари, алвон дудоқлари, ёндириб боқаётган кўзлари эртақларда ўқиганим париларни эслатади. «Уни ҳам инсон туққанми?» деган шубҳага бораман. У мендаги кечинмани

укмайди, укса ҳам, укмасликка олади. Атайлаб нозик савол бераман:

– Ойнуур опа, ҳар куни ҳаддан ортиқ мақталаётганларни-чи?

– Тушунмадим, – у сергак тортди.

– Сохта пайғамбарми? Сохта Худоми?

Ойнуур гапимни шарт кесди:

– Чегарадан чиқма, Эврил! Ҳеч замон чиқма! Бу хавфли. Фалокат ўрами ҳар қандай одамни ютиб юборади... – юз-кўзларидаги гўзал жилвалар ғойиб бўлди. Гапни атайлаб эски ўзанга бурди: – Вақти келиб бир кон топсам, масалан, олтин кони... Мендан бахтли одам бўладими, Эврил?

Бу ер кимсасиз чўл бўлгани учун ва Ойнуурга ўзимдек инонганим учун миямга келган гапни айтишдан ўзимни тиёлмадим:

– Бу кон элимизга насиб этса, яхши.

– Тушунмадим.

– Ҳозир юртимизга, ундаги конларга ким хўжайин?

– Ким? – Ойнуурнинг юз-кўзларига қўрқувга қорилган ажабланиш белгилари ёйилди.

– Москва.

Ойнуур шошиб теграга кўз югуртирди. Теграда ҳатто қуш ҳам кўринмайди. Ҳаммаёқ жимжит. Чўл адоғи (энига) қум. Қизғиш қум. Ундан тандир ёлқинидек ёлқин кўтарилмоқда. Йироқ-йироқларда ёлонсувлар (сароблар) у ёқдан-бу ёққа кўчиб юрибди. Ойнуур қатъий оҳангда деди:

– Буни бир айтдинг, бошқа айтма! Бу ўлим билан ўйнашмоқ дегани.

Келажак билан яша.

Келажакка инон.

Ўз келажакингга ҳам.

Фақат эҳтиёт бўл!

Жуда эҳтиёт бўл!

Ҳали бошим тошга тегмаганигами, кўнглимда унча ваҳм уйғонмади. Аммо Ойнурни хотиржам қилиш учун дедим:

– Хўп, Ойнур опа.

– Ҳа, айтгандай, сен геолог олим Ҳабиб Абдулла ҳақида эшитганмисан?

– Ҳабиб Абдулла? Йўқ. Нимаиди?

– Ўзим... шундай... – ичидагини ташига чиқармади. Фаҳмимча, чиқаришга чўчиди. Буни унинг зийрак кўзларидан илғадим. Илғадиму бошимда «Адашаётган бўлсам-чи?» деган фикр кечди.

Ойнур мендан кўзини олиб қочди. Орага жимлик чўкди. Кун қизигандан-қизиб борарди. Ойнур менинг қавариб, қонаган бармоқларимга йод суртди. Сўнг уларни дока билан боғлаб қўйди.

Тагин ишга шўнғидик. Энди тушликни орзиқиб кутаман. Чунки Ойнур билан овқатланмоқни, кўнишмоқни ҳар нарсадан устун қўяман. Бундан қувонч билан бирга ғурур туяман.

Агар Ойнурдан ўзга геолог бўлганида, қирқ даражадан баланд иссиқда ишлашга, балки, чидолмасдим. У билан эса бунданам оғир шароитда ишлай олишимга кўзим етади. Ичимда: «Уни менга етказган Тангрига шукрлар бўлсин», – дейман.

Ойнур билан танишганимизнинг иккинчи йил кечяпти. Бултур беш ўсмир ичидан мени «танлаб», ўзига ёрдамчи қилиб олди. Бу кутилмаганда, тасодифан рўй берса ҳам, буни Тангрининг менга бўлган инъоми деб ўйлайман. Шундан буён ундан қанча нарса ўргандим, ўрганияпман.

Ниҳоят, ёндираётган қуёш ҳам тикка келди. Зангори соябон остида Ойнур билан нон ва қовурилган қўй эти еймиз. Қора чойдишда чой қайнатиб ичамиз. Чарчоғимиз юзимиздан тер бўлиб оқади. Ойнур гўзал табассум ила дейди:

– Сен занжигга айландинг, Эврил.

– Қуёш мени севади, Ойнур опа.

Куламмиз.

Мен уни саволга қўмаман:

– Қаерда ўқиғансиз, Ойнур опа?

– Москвада.

– Ўрисчани ўрисдай биласизми?

– Боғча, мактаб, олийгоҳ русча...

– Қайси тилда ўйлайсиз, фикрлайсиз?

– Ўзбекча, русча...

– Яна қайси тилни биласиз?

– Инглизчани.

– Лондонда бўлганмисиз?

– Ҳа.

– Яна қаерларда?

– Париж, Рим...

– Гўзал шаҳарлардир, а?

– Терговчимисан, Эврил? – Ойнур тиниқ кулади. Юзларига ёйилиб тушган сочларини гўзал елкалари ортига олади ва оҳиста жавоб беради. – Афсона дейсан. Бизда, Ўрта Осиёда бундай шаҳарлар йўқ. Хонлар маишатдан бош кўтармаган. «Ўзим...» деб яшаган. Қурган саройлари ҳам дидсиз, кўркисиз... Оврўпа ҳукмдорлари «элим» деган. Элга гўзал кентлар қурган. Илм-фан эшикларини ҳам кенг очган.

Ойнурнинг эсига бир нима тушдими, беихтиёр ёлонсув (сароб) жимирлаётган сахрога боқди. Кўз олдида афсонавий кентлар келдими, хаёлга чўмди. Унга беқиёс

меҳр қорилган беҳад ҳавас билан термуламан ва ўзимча ўша юртларни тасаввур қиламан.

8

Анчадан сўнг Ойнур саҳродан кўз узади, менга маъюс боқади ва ҳазин оҳангда дейди:

– Парижда кечган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди, Эврил. Гўё уни ҳозиргина кўргандай, кўз олдимда жонланади. Новчага мойил, қотма, елкалари гавдасига нисбатан кенг, қирқ ёшлар чамасидаги бу йигит бизни (совет туристларини), янглишмасам, Эйфел минораси, йўқ, аниқроғи, беқиёс гумбазли Монмартрда Сакре Кёр жомеси олдидан Сена дарёси кўпригига кузатиб келди. У мени таъқиб этаётгандек эди. «Менга шундай туюлаётгандир-да», – деганча ўзимга ўзим тасалли бердим.

Кўприкда туриб кенг ёйилиб, мавжланиб оқаётган Сенани томоша қилаётганимизда сезгим алдамаганини англадим. У тўғри мен томонга йўналди. Шунда «Ўзбекка ўхшайди» деган фикр миямдан кечди. Аммо дарҳол фикримни рад этдим: «Ўзбекка ўхшаш французлар озми? Балки, у ўзбек қиёфасидаги жосусдир?».

У секин-аста олдимга келди. Бироз тортиниб, ўзини ноқулай сезиб жанублик ўзбеклар шеvasида, лекин французча мулозамат билан:

– Узр, хоним, сизни безовта қилдим. Ўзбексиз, а? – деди.

Мен унинг «жайдари» ўзбеклиги ва эс-хуши жойидалигини сездим. Шунда негадир бояги шубҳа-гумонларим тарқаб кетди.

– Адашмадингиз, – унинг айрилиқ, соғинч ғамлари ўрнашиб қолган қўй кўзларига, иягида қора холи бор чў-

зинчоқ юзига синчковлик билан савол назари билан тикдим. Ажабланишга қотилган хушмуомаламдан енгил торти ва сўнг:

– Менинг отим Ботир, – деди жилмайиб. – Сиз менга тўғри, тоза одам бўлиб кўриндингиз. Шунинг учун хузурингизга бош эгиб келдим, синглим. Яна бир бор узр.

– Ойнур, – мен унинг кўлини сиқдим.

Ботирнинг юзи булутдан ариган осмондек ёришди. У урушда олмонларга асирга тушгани, юртга қайтса «ватан хоини» сифатида отилиши, тақдир тақозоси билан Парижга келиб қолгани, француз қизига уйлангани ва икки ўғли борлиги ҳақида сўзлади. Кейин мақсадга кўчди:

– Мен элимизни, тилимизни соғиндим! – Ботирнинг кўзлари ёшга тўлди. – Сиздан яширмайман, хоним, юртимизда бундай туйғуларни туймаганман. Ватан, миллат, она тили деган тушунчалар оддий нарсалардек туюлган. Энди билсам, бу туйғулар туғма бериларкан, у одамнинг юрагида яшаркан, бошига «иш» тушмагунча буни сезмас экан.

– Ҳаммани қаричингиз билан ўлчаяпсиз, Ботир ака.

– Мени маъзур тутинг, Ойнур хоним, яширмайман, мен элимизнинг аксарини шундай деб ўйлаганман. Бу, албатта, нисбий фикрим.

– Шундай денг...

– Одам Ватанидан айрилганида, олисда, киши юртида юрганида, гарчи у эркин дунё бўлса ҳам, юрагида мудраётган ўша муқаддас туйғу мисли вулқондек «ловуллаб» уйғонади. Шунда у Ватан туйғуси буюклигини бутун теранлиги билан англайди. Буни бошимдан кечиряпман, Ойнур хоним. Тилимизни, куй-қўшиқларимизни соғиндим! Энди болаларим тақдири ҳақида ҳам бот-бот ўйлай-

диган бўлиб қолдим. Улар ота юртларини, ота тилларини билмай ўсишяпти. Бу мен учун фожиа, синглим.

– Вақт-соати келади... – гапимни давом эттиришга кўрқдим. Гуруҳ бошлиғи ҳам бизга бежо қараб-қараб қўймоқда эди. Ботир ҳам буни сизди, шекилли, тилагини айтди:

– Агар малол келмаса, синглим, менга ўзбек куй-қўшиқлари ёзилган беш-олтита пластинка юборсангиз. Ўтиниб сўрайман, – Ботир мен билан хайрлашган бўлиб қўлимга қат-қат букланган қоғоз тутқазди. – Унда манзил ёзилган. Хайр, синглим!

Унинг кўзларидан ёш оқди.

– Яхши кунларда кўришгунча!

Ботир кўздан узоқлашиши билан тўда бошлиғи олдимга келди. Унинг қош-қовоғидан қор ёғмоқдайди. Ўзи ўзбек бўлса ҳам, ўрнлашиб кетган бу семиз хотин совуқ оҳангда ўрис тилида мендан сўради:

– Ажнабий сенга нима берди? Қани, кафтингни оч!

Ноилож қолдим: очдим. У таҳланган қоғозни кўраркан, балога дуч келгандек чўчиб, бир зум тош қотди. Сўнг қўлимдан қоғозни юлқиб олди. Очди. Ичидан АҚШ пули чиқди.

– Бу нима? – хотиннинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Танқайган бурун катаги кенгайди. У билан ади-бади айтишиб ўтирмаслик учун бор воқеани очиқ айтдим. Хотин менга ишонмади.

– Москвада жавоб берасан! – чийиллади кўрс овозда. – Парижга келишимиздан олдин Москвада ҳамма қатори сендан ҳам «Ажнабийлар билан гаплашмайман...» деган тилхат олганми?

– Ҳа.

– Энди чет элни елкангнинг чуқури кўради... – кўнглимга ғулғула солиш учун атайлаб гапини тугатмади.

– Манзил ёзилган қоғозни беринг, опа, майли, пули сизда қолсин, – дедим илтижоли оҳангда. – У бир бахтиқаронинг омонати.

– Тушингни сувга айт! – лабларини буриб, қошларини чимириб, заҳарини сочди.

– Пашшадан фил ясаманг!

– Менга ақл ўргатма!

– Беринг.

– Ғалчамисан?

Ноҳақликни кўрсам чидолмайман. Бу одат менга онамнинг бобоси Эрхон ботирдан ўтган. Бу узун кечмиш... Бу ҳақда алоҳида... Ҳозир гапимдан адашиб кетмай, эшит. Хотиннинг буёқ чаплаган семиз юзига тарсаки тортишдан ўзимни зўрға тийиб, ғазабу нафрат билан дедим:

– Бировнинг нарсасини тортиб олишга ҳаққинг йўқ, бер!

Фаҳмимча, хотин мени кўрқади, ялинади деб ўйлаган. Бунинг аксини кўриб, шаштидан тушди. Бироқ сир бермади, юмшаб:

– Москвада оласан, – деди.

9

Москва ҳаволанида мени КГБ ходими (агар у отини ўзгартирмай айтган бўлса) Дмитрий Владимирович Пинюгин худди эски танишлардек:

– Хуш келибсиз, Ойнур хоним, – дея илиқ қарши олди.

Узун бўйли, қорамтир кўзли, ўнг яноғида чандиғи бор бу киши менга сермулозамат ва хушчақчақ кўринди. Унинг юз-кўз, гап-сўзларида сохталикни илғамадим. Ҳар бир ҳаракати табиий. Яна ким билсин! Умр бўйи бирга

яшаётган одамингни ҳам тузук билмайсан. Инсондек мураккаб, сирли махлуқ йўқ. Ер – саҳна, одам – актёр. Унда ҳар бир киши ўз ролини ўйнайди. Ким яхши, ким ёмон... Аммо мен Пинюгинда актёрлик изларини топмадим. Шунга қарамай, юрагим унга инонмаётгандек безовта эди. Лекин ўзимни айбсиз билганим учун қўрқмаётгандим.

Биз ҳаволандаги «махсус хона»да икки соатча гаплашдик. Пинюгин бор вужудини қулоқ қилиб сўзларимни эшитди. Кейин тақир бошини қашиб, майин овозда:

– Бир сўз қўшмай, қандай бўлса, шундай ёзинг, Ойнур хоним, – деди ва олдимга қоғоз-қалам қўйди.

Кўнглим хира бўлиб ёздим.

Пинюгин уни ўқиб чиққач, илжайди ва:

– Яхши, Ойнур хоним, – деди. – Энди «Славян» кўниғига¹ боринг. У Кремлнинг ёнида, сизга жой олиб қўйганмиз.

– Нега?

– Москвада бироз дам олиб қайтсангиз дегандик...

Шу он кўринмас бир кас қулоғимга шивирлади: «Ботирни суриштиради...»

Танг алфозда қоларканман, Пинюгиндан сўрадим:

– Энди, Дмитрий Владимирович, Ботирнинг манзили ёзилган қоғозни менга беринг.

– У мендамас.

– Кимда?

– Кимга бергансиз, ўшандадир. Уни менга беришмади, Ойнур хоним.

– Энди Ботирнинг олдида нима деган одам бўламан, Дмитрий Владимирович?

¹ Кўниқ – меҳмонхона.

– Сизни тушунаман, Ойнур хоним, нокулай аҳволда қоляпсиз. Аммо, афсус, сизга ёрдам беролмайман, мени маъзур тутасиз.

«Славян» кўнигида ўн етти кун бўлдим. Ўн саккизинчи кун эрталаб кўниққа Пинюгин келди. У билан бирга таксида «Домодедова» ҳаволанига жўнадик. Хира рух, хира кайфиятимга монанд қиш сиқинтисида борлиқ файзсиз ҳам ғариб кўринаётир. Еру кўкни чулғаб қор ёғмоқда. Йўлга туз сепилган. Туз ва машиналарнинг тинимсиз қатнови, тутунлари таъсирида қор қирланиб кетган. Йўлнинг иккала томонидаги ўрмонларни ўлганнинг устига тепгандек қор саваламоқда. Бу манзаралар киши кўнглини хира қилади, ўйга ботиради. Ўй-хаёлимни ҳайдаш учун муз қоплаган ойнани бармоқларим билан артаман. Қор ёғишини ҳиссиз кузатаман. Шунда кўкқис отамнинг гапи эсимга тушади:

«Қор олти қиррали юлдуз шаклида ёғади, қизим. Бунинг ўзи мўъжизамасми?»

«Бутун дунёда шундай ёғадими, ота?»

«Ҳа... Ер яралгандан буён шундай ёғади: олти қиррали... Кўктурқлар ундан андоза олганлар: уларнинг туғларидаги юлдузлар олти қиррали бўлган. Буни улар қут-барака рамзи деб билганлар».

Хаёл қуршовида ойнани хиёл очаман. Қора жун қўлқопимга олти қиррали оппоқ қорлар кўнади.

Олти қиррали қорлар!

Оппоқ қорлар!

«Бу мўъжиза! – пичирлайман ўзимга ўзим. – Нега фақат олти қиррали? Уч... беш... етти эмас? Одам боласи бунинг мўъжизалигини сезмайди. Сезишни ҳам истамайди. Сезса ҳам, уни оддий ҳол деб ўйлайди. Ҳатто ўйламайди ҳам, умуман, унга аҳамият ҳам бермайди».

– Ёниб кетяпсизми дейман, Ойнур хоним? – пичинг қилади Пинюгин. Шу топда менга қилни қырк ёрар бу каснинг башараси тўмтоқ, ёқимсиз, зерикарли бўлиб кўринди. Сўзидан ҳам «ачимсиқ ҳид» келгандай бўлди. Ичимда ижирғандим. Бироқ сир бермай ойнани ёпдим. Нохуш шовқин ўчади. Пинюгиндан узр сўрадим ва ичимда ўзимни ўзим қораладим: «Бошимда ташвиш... Бундай ўйларга бало борми?»

Сўнг ўзимни оқлайман:

– Ўй, хаёл тизгин, чегара билмайди.

Пинюгин мендан сўрайди:

– Ўзбекчани билмайман. Аммо хотирамдан нолимайман. Бундан мени Худо қисмаган. Сизнинг «Оппоқ», «Олти қиррали юлдуз» деган сўзларингиз қулоғимга жуда заиф тарзда, элас-элас чалинди. Адашмаяпманми, Ойнур хоним?

– Йўқ, Дмитрий Владимирович.

– Булар нимани англатади?

Айтдим.

Пинюгиннинг Ленинникига ўхшаш юз-кўзида таажжуб аломати бўртди.

«Ленинникига ўхшаш!» Буни беҳуда айтмаяпман. Чунки Пинюгинга синчиклаб қараган киши уни қолмиқ, чуваш ё татар деган хаёлга боради. Ўрисгамас.

Боқишимдан сергак тортди:

– Менга ғалати қараяпсизми, Ойнур хоним? – хайратомуз оҳангда сўради у. – Янглишмасам, қандайдир шубҳа билан.

Саволига савол билан жавоб бердим:

– Сиз русмисиз?

– Худога шукр, русман. Лекин кўпинча татар билан ҳам чалкаштиради. Татар-мўғуллар русни уч юз йил, ҳат-

то ундан ҳам кўп босиб турган. Бу вақт ичида нималар бўлмаган дейсиз.

Шу сония тўсатдан Москвада ўқиб юрган кезларимдаги татар дугонам Зулфия кўз олдимга келди. Унинг куюниб айтган сўзлари қулоғим остида жаранглади: «Ўн беш миллиондан ортиқ татар ўзлигини унутган, рус миллати таркибига кирган».

Худди шундай гапни бошқа талаба дўстларим – чуваш, украин, оқрус қизлари ҳам айтишган. У пайтда бунга унча эътибор бермаганман. Ҳозир шалтоғи чиққан кир таксида кетарканман, элнинг гапи миямга оғу сочиб ўтди:

«Катта балиқ кичик балиқни ютади».

Шу лаҳза унга ҳамоҳанг юрагим қаъридан бир нидо ўқдек отилиб чиқди:

«Бу замон фожиаси!»

«Замон фожиаси!» – такрорладим беихтиёр. Қонунда: «Барча миллат, элат тенг», – деб қайд этилган. Бу ҳақда радиолар тинмай вайсайди. Сиёсатчилар ҳам. Газета-журналлар ҳам. Ялтоқ шоир, ёзар, олимлар ҳам. Бироқ «Улуғ оға», «Улуғ рус тили» дея еру кўкни тўлдираноқ янграётган ҳамду сано, тарғибот-ташвиқотлар буни рад этади.

Ана шу рад этишдан «Давр фожиаси» туғилган.

Шунга СССР таркибидаги эллар, элатлар рушлашиб боряпти. Бундан ўзбек ҳам айро эмас. Отаси ўзбек, онаси рус, ўзини ўрис ҳисобляпти. Паспортига ҳам шуни ёздирапти.

Бу – замон фожиаси!

Бу – «Катта балиқ кичик балиқни ютади» деган сўзнинг ҳаётдаги исботи.

Ҳозирнинг ўзида Киев, Кишинев, Олмаота, Тошкентларда украин, молдован, қозоқ, ўзбек сўзларини эшитиш маҳол. Элик йил ё юз йилдан кейин нима бўлади? Ай-

никса, мордвин, марий, удмурт каби камсонли, кичик миллатларнинг тақдири не кечади?

Яна кўз ўнгимда олийгоҳ, чет эл талабалари жонланди. Ана, улар бурчакда шивир-шивир қиляптилар:

«СССРда миллатлар ЎЗИ, ЎЗЛИГИ, ТИЛИ, УРФ-ОДАТЛАРИдан айрилиб боряптилар. Бунинг оқибатида қандоқдир тушуниб бўлмас «қоришиқ маданият» вужудга келяпти. Бундан мақсад: Компартия сунъий равишда «Совет миллати»ни ясамоқчи.»

Фикр, эътиқод эркинлиги бўғилган ерда ҳар бало бўлиши мумкин.

Шу пайт Пинюгин хаёлимни бўлди:

– Ойнур хоним, рости, фикр-қарашингиз, ўзингизни эркин тутишингиз, кийинишу хатти-ҳаракатларингиздан Оврўпанинг ҳиди келади. Яна ҳам аниқ қилиб айтсам, киборли рус қизларини эслатасиз.

Баъзан одам оқибатини ўйламай бир сўз дейдики, бу сўз ўзининг бошига тўқмоқ бўлади. Баъзан ихтиёрсиз отилган тош ҳам нишонга тегади.

Ҳозир менда ҳам шу ҳол юз берди. Қуйидаги гапни ақл элагидан ўтказмай айтдим:

– Одамнинг юраги муҳим... Вужуди айнимаса бас!

Бу гапим Пинюгинга заҳардек тез таъсир этди. Уни қуюшқондан чиқарди. Бирдан қош-қовоғи уюлди. Чўчка терисидек оқимтир, юпқа лабининг сўл учи диккайди. Чап кўзи ўлжасини бой берган ёввойи махлуқнинг кўзидек аламли йилтиради. Шунда мен, ё тавба, унинг юзидаги тўсма сидирилиб тушганини, бирдан инсоний қиёфаси йўқолганини ва тулкига ўхшаб қолганини кўрдим. Билмайман, нега, шу сонияда «Одам-тулки, тулки-одам» деган фикр миямга игнадек санчилди.

– Сиз?! – Пинюгин юзидаги актёрлик ниқобини олиб ташлаб, титраб хириллади. – Ўзингизни осмонда кўряп-

сизми? Рус қизларини айниганга чиқаряпсизми? Бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Ўлжасини ғажишга шайланган тулкини шаштидан қайтариш учун суяк ташладим:

– Сиз, шубҳасиз, мулоҳазали одамсиз, Дмитрий Владимирович. Бироқ, узр, мени бошқача тушуняпсиз. Шуни билингки, ўзга миллатни ерга уриш туйғуси менда йўқ. Агар бояги гапимни ўзимча, беихтиёр айтсам ҳам, одамнинг ташқи кўриниши алдаши мумкин деган маънода айтдим. Менимча, инсон учун энг зарури юраги, ботини. Бу иккиси айниса, у номига одам сувратида юради. Юрак ва ботин ҳайвоний тус олади.

– Шундай денг... – Пинюгин эринчоқ бир овозда ҳомуза тортиди. – Мени кечиринг, Ойнур хоним.

У яна одам қиёфасига кирди ва шавқсиз кулди.

Шундагина ичиб олганини юз-кўзидан сездим. Аммо оғзидан ароқ иси келмасди. «Ҳидни йўқотувчи нимадир еган», – деб ўйладим ўзимча.

Пинюгин пинакка кетди.

Ҳаволанга етдик. «Махсус хона»да Пинюгин менга атайлаб ачинган қиёфада бир лаҳза тикилиб турди. Сўнг сўниқ овозда:

– Ойнур хоним, энди беш-олти йил хорижга чиқмаслигингизга тўғри келади. Шубҳасиз, бундан афсусдаман. Менга ишонинг, – деди.

– Дмитрий Владимирович, адашмасам, кўнглингизнинг тўрида айбсизлигимни сезаётгандайсиз.

– Энди бизнинг ишимиз шунақа... – у мужмал жавоб қайтарди.

– Одамийлик, инсоний бурч, виждон... деган нарсалар ҳам бор. Майли, чет эл юзини кўрмай, аммо Ботир мен тўғримда нима деб ўйлайди? Ҳеч бўлмаса, пулини қайтарай.

– Бундан ғам еманг... – у сирли кулди.

Шу куни Тошкентга учиб келдим.

10

Ойнур сийрак саксовулзорга тикилиб жим қолди. Кейин кўққис кичқириб юборди:

– Вуй, анавун! Нақ тимсоҳдек келади-я! Худди тимсоҳнинг ўзи.

Мен ошиғич ботар¹ ёққа кўз югуртирдим. Шунда ногоҳ тарвақайлаб ўсган саксовулнинг қинғир-қийшиқ шохлари орасида буқа қовуғидек шиши пасаяётган, айри тили ўйнаётган улкан бир махлуқни кўрдим. Ўзимча инсон белидан йўғон бу махлуқнинг узунлиги камида уч метр, думи бир қулочдан ортиқ чиқишини фаҳмладим. Одам унга тегмаса, у ҳам одамга тегмасмиш деб эшитгандим. Шунга қарамай, кўрдим.

– Бундай катта эчкиэмарни сира кўрмаганман, – Ойнур мендаги ваҳимани ҳайдаш учун хотиржам қиёфада жилмайди. – Чўчима, у бизга тегмайди. Унинг ўзи бургутдан кўрқиб, бутоқлар орасига яшириниб олган.

Ойнур тоғ томонда, ҳовурли осмонда бежо айланаётган бургутга ишора қилди.

– Унинг ини ҳув анави ерда, – ўнг қўлини чўзиб, саксовулзордан икки юз қадамча наридаги, ялангликдаги тақир тепани кўрсатди. – Тепага соғ-омон етиб олишга пайт пойлаяпти. Чунки кўкда бургут... Бироқ, Эврил, эчкиэмарнинг аждоди – тимсоҳ жуда довюрак, ўта йиртқич, тишлари ҳам сунгу учидек ўткир, йирик-йирик бўлган. Бу ердан денгиз чекингач, у туман-туман йиллар

¹ Ботар – ғарб.

силсиласида куруқликка кўниккан ва шу эчкиэмар ҳолига келган. Агарчи ўз аслини маълум даражада сақлаган бўлса ҳам, майдалашган, бироз юраксиз, тишлари ҳам миттироқ. Бироқ мана бу эчкиэмар қадим аждоди – тимсоҳга тортган.

– Эчкиэмарнинг эт-суяги саратон, мохов, пес касалликларига даво эмишми, Ойнур опа?

– Билмадим, – деди Ойнур. Сўнг эсига бир нима тушдими, менга «ялт» этиб қаради ва сўради: – Буни кимдан эшитдинг?

– Онамдан... Онамга Лочин табиб¹ айтган.

– Уни кўрсам бўладими?

– Ҳа, у Боғдонда яшайди.

– Дам олиш куни Боғдонга чиқамиз.

– Сиз нима десангиз, шу, Ойнур опа. Аммо сабабини...

– Амакимнинг Лола исмли қизи бор, – Ойнур гапимни бўлди. – Мен тенги. Баданига оқ доғлар тушган. Ўзи ойдаи, оқила қиз. Лекин унга эр чиқмаяпти. Чимкентда эл бу касалга бошқача қарайди, Эврил.

– Боғдонда ҳам.

– Лолага ёрдам берамизми?

– Савоб бўлади.

– Яша!

– Лола опа сизга ўхшайдими?

– Чимкентга борсам, мени ундан ажратишолмайди.

– Ўқиганми?

– ТошДУни битирган. Тарихчи. Хун кечмишини ёзпти. Анна Ахматованинг ўғли унга ёрдам беряпти.

– У ким, Ойнур опа?

– Академик Гумилёв ҳақида эшитмаганмисан?

– Йўқ.

¹ Лочин табибнинг асл оти бошқа. Айрим сабабларга кўра унинг исмини сир тутдим.

– У хунлар, турклар тарихи ҳақида китоблар ёзган олим, шарқшунос.

– Мен тарихни яхши кўраман, Ойнур опа. Агар, иложи бўлса, мени Лола опа билан таништирсангиз.

– Менинг рашким ёмон, Эврил, – шодон кулди Ойнур.

– Хун, турк кечмишлари...

– Бўлди-бўлди, Эврил, қизарма, – Ойнур мени гапиришга қўймади. – Таништираман. Аммо Лола опанг китобга қизғанчиқ. Лекин йўлини қилиб уни эритамиз.

– Қачон, Ойнур опа?

– Олдин эчкиэмар масаласини ҳал қилайлик, кейин...

– Менинг Бектемир деган жўрам бор. У ҳеч нарсадан кўрқмайди. Жуда довюрак бола. Сизга сўз бераман: ана шу Бектемир билан сизга битта эчкиэмар тутиб берамиз.

– Аввал Лочин табиб билан гаплашайлик, сўнг...

– Хўп, Ойнур опа.

– Энди ишга, Эврил.

Қалқдик.

Шу чоғ «тимсоҳ» саксовулдан сакраб, жон-жаҳди билан тепа сари югурди ва хиёл ўтмай инига кириб кетди. Шиддат билан тепадан қуйилган бургут унга чанг солишга бир сония улгурмади.

11

Терга ботиб ишларканман, ўзимча хаёлан Ботир билан ҳам, Лола билан ҳам кўнишдим. Уларни билмасам ҳам, эски дўстлардек кўнишдим. Ойнур каби икковининг ҳам жонига малҳам бўлгим келди. Бироқ қандай? Лолаку, майли, Ботирга қандай? Ўйладим-ўйладим, ўйимнинг тубига етмадим.

Қонтус¹ қуёш Боғдон тоғининг юксак чўққиси билан тўкнашди. Чўққи ловуллаб ёнаётган буюк гулханга ўхшаб кўринди. Ботар қизил денгизга айланди. Эрталаб бизни чўлга ташлаб кетган усти ярим ёпиқ машина келди. Лашлушларимизни унга юкладик. Учкулочга қайтдик.

Уйда ҳам ёт юртларда қолиб кетган Ботир ўйи мени анчагача тарк этмади.

Ўйдан ўй чувалароқ, Ойнурнинг ушбу саволи миямни банди этди: «Сен геолог олим Ҳабиб Абдулла ҳақида эшитганмисан?»

«Нима учун Ойнур уни мендан сўради? – деб ўйладим. – Нима учун? Сабаб?» Ҳабиб Абдуллага нисбатан қизиқиш уйғонди. У бу саволни бекорга бермади. «Ҳабиб Абдулла ким? Нима учун Ойнур у ҳақида гапиришга кўрқди? Бунда бир сир бор. Қандай?» Бунинг ечимини топмадим.

Фақат...

Фақат «сир бор» деб янглишмаганимни узун йиллар кечароқ билдим.

Мени маъзур тут, азиз ўқувчи, бир зумга ўн беш йил олдинга учаман.

12

«Саодат» журналида² ишлардим. Эл-юрт туйғулари билан куйиб-пишиб яшовчи айрим ёзар, олим, журналистлар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ президенти, марҳум Ҳабиб Абдулла тўғрисида ҳар хил шивир-кучирлар юрарди. Булардан баъзиларини мисол келтираман.

¹ Қонтус – ранги қон; қондек қизил.

² «Саодат» журналининг бош муҳаррири ўшанда шоира Зулфия опа эди. Мен уни ҳурмат билан эслайман.

«Академик Ҳабиб Абдулла¹. Биринчи ҳукумат касал-хонасида Титовнинг² махфий топшириғи билан заҳарлаб ўлдирилди.

– Нима учун?

– Ўз миллатини севгани учун.

– Олтин конларни Москвадан яширгани учун.

– Шароф Рашидов уни ҳимоя қилолмади. Чунки Титов Москвадан юборилган «махсус шахс...» яъни:

– КГБ.

– Академикнинг жон бериши қийин бўлганмиш. У сўнгги дамида шу сўзни айтганмиш: «Мурунговни очиб адашдим».

Менинг бу улуғ олимга қизиқишим ортди. Унинг Та-лабалар шаҳарчаси яқинида қарор топган уйига бордим. Фотима опа³ мени хавотир аралаш хомуш қарши олди. Кўзларида савол... Унга мақсадимни айтдим.

– Раҳмат! – деди. – Дунёда яхши одамлар ҳам бор...

Унинг овозида ишончсизлик зоҳирлигини туйдим. Анча сукутдан сўнг кўзига ёш олиб, умр йўлдоши ҳақида сўзлади...

Ҳабиб Абдулла тўғрисида мақола ёздим. У очерклар тўпламимда ҳам нашрдан чиқди. Китобни Фотима опага бердим. Севинчдан кўзига ёш олди. Сўнг менга олимнинг етти томлик асарини совға қилди.

– Раҳмат, опа! – дедим.

Ҳовлида, сўрида бир пиёла чой устида суҳбат қурдик. Мавриди билан Фотима опадан шивир-кучирлар ҳақида сўрадим. У беихтиёр теграга сергак боқди. Сўнг нимадир дейиш учун оғиз жуфтлади. Аммо негадир демади. Юз-

¹ Академик Ҳабиб Абдулла, адашмасам, 47 ёшида ўлдирилди.

² Титов – Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби.

³ Фотима опа – академик Ҳабиб Абдулланинг умр йўлдоши.

кўзига ғам ёйилди. Фотима опанинг ҳолатини тушундим. У билан хайрлашиб, уйга қайтдим. Йўлда бошимга бир фикр келди: «Замонлар кечар, саволимга жавоб топилар. Ҳабиб Абдулла тўғрисида китоб ёзилар».

13

Ойнурнинг илтимосига биноан бозор куни тонгда Бектемирнинг «Ўрол» русумли кутили мотоциклида Боғдонга ёндик. Кайфиятимиз яхши. Шунга тумонат йиллардан бери бўм-бўш ётган Боғдон чўлини зерикмай, тез босиб ўтдик. Икки тоғ оралиғини ишғол этган Осмонсой қишлоғини ҳам бир зумда кечдик. «Назар бели» довонининг ярмига чиққанимизда уловимиз қизиди. Йўл четига, Қизил булоқ ёнига тўхтадик. Онам ёпган нон ва сигир эти билан нонушта қилдик. Ҳовуч-ҳовуч сув ичдик.

Енгил руҳ билан йўлда давом этдик. Довондан ошдик. Боғдон юз очди. Тоғ тўрига элтувчи чағир тошли сўқмоқдан тўғрига бироз юриб, Қарши мўйловнинг¹ томи ёнидан ўнгга бурилдик. Ҳайбатли Бўғомбир қоя этагида, Боғдонсойнинг чап қирғоғида жойлашган лойсувоқ уй олдига келиб тўхтадик. Қописиз ҳовли адоғига, зангор қирғоққа от, эшак ва бир сигир арқонланган. Бу манзара менга қайси бир рассом чизган асарни эслатади.

«Лойсувоқ уй... қописиз ҳовли... – дедим ичимда, – Боғдонда ҳамма уй, ҳовлилар шундоқ. Гўё бу қишлоқда Бўғомбир қоя мисол:

Ўсув тўхтаб қолган.

Замон тўхтаб қолган.

¹ Қарши мўйлов – Боғдонда ҳамма шоп мўйловли бу кишини «Қарши мўйлов» деб атарди.

Тумонат йил аввал Боғдон қандоқ бўлса, худди шундоқ... фақат хусусий мулклар тугатилган ва давлат ҳисобига ўтказилган... Фақат бригадир, раис, биринчи секретар, милиса, КГБ... деган қоничарлар чиққан... Абдурахмон жевачи¹ демаса, Боғдондан бир донгли киши чиқмаган.

Ҳовлининг қайси бир бурчагидан улкан ола ит оламини бузгудек бўлиб, ер титиб, вовуллаб чиқди. Бироқ Бектемирни кўриши билан дами ичига тушди. Дарҳол думини қисиб, кўрқиб, ириллаб, орқага тисарилди. Бундан Ойнур ҳайрон бўлди.

– Чингизхонни кўрса, – дедим мен пича лоф кўшиб, – ит-ку, ит, бўрилар ҳам писиб қолишади, илонлар ҳам инларига кириб кетишади, чақалоқлар ҳам йиғидан тўхташади.

Бектемир менга хўмрайиб қаради:

– Чингизхон дейсанми, Эврил? Ким у?

Ойнур ажабланди.

Муғомбирона кулдим.

Ойнур сизди. Бекка қизиқсиниб разм солди. Сўнг:

– Гапингда жон бор, – дея жилмайди.

Боғдонда Бектемирни «Бек» деб атайдилар. Айрим каслар «Чингизхон» ҳам дейишади. Оналар йиғлоқи болаларини: «Ана-ана, Чингизхон келяпти», – деб кўрқитишади. Бола чинқириб йиғлашдан тўхтайтиди.

Эчкиэмар тўғрисида бир нима дейишдан ожизман. Аммо Бек ҳар қандоқ чақагон илонни ҳам бўғиб ўлдирад ё думидан ушлаб олиб, боши узра айлантира-айлантира ерга урар, сўнг уни қазидек пишириб ерди. Жайра, типратикон, тошбақа этларини ҳам хуш кўрарди. Бек энг

¹ Абдурахмон жевачи – рус босқинчиларига қарши курашган миллий ботир. У 1866 йилда Черняев армияси устидан (Жиззах жангида) ғалаба қозонади.

қопағон итга ҳам (заррача кўркмасдан) тик борар, уни мушти билан уриб йиқитар, гўштини эса иштаҳа билан тановул қиларди.

Бекда жирканиш туйғуси йўқдек эди.

Бекнинг ёзуқсизга қўл кўтарганини кўрмаганман. У доим камбағал болалар билан бирга эди. Шунга қарамай, ундан катта-кичик чўчирди. Мабодо у ноҳақ кимса билан мушглашса қоплонга айланарди. Шафқат нима билмасди. Айрим ҳолларда қўлига илинган нарса билан уришдан ҳам тоймасди.

Ўзидан беш ёш катта Ҳазрат унга пичоқ билан ташланганда Бек уни тош билан уриб ағдарди. Пичоғини сойга отди. Сўнг ўзини ҳам.

Менингча, Бек ҳеч нарсадан тап тортмаслиги учун Чингизхон отини олган. Яна унинг ташқи кўриниши ҳам мўғулга ўхшашроқ. Кўзи қисикроқ. Қош-қовоғи қалин. Юзи тундроқ. Бекни кўрган киши «Қаҳри қаттиқ» деб ўйлайди. Ғазаби кўзиганда кўзи ғазабнок йўлбарс кўзидек ваҳший тус олади, одам унга қарашга кўрқади. Аслида, Бекнинг ичи тоза. Гавдаси ёшига нисбатан йирик. Кўпчилик уни: «Отасига тортган», – дейди. Ҳақиқатан ҳам, Бекнинг отаси Суннат темирчи дев киши.

Мен тунда эчкиэмар масаласини айтгандим. У:

– Тутамиз, – деди гапни чўзмай.

– Тутамизми, тутасанми?

– Тутамиз. Низом туйнакни¹ ҳам ўзимиз билан бирга оламиз.

– Нега?

– Керак.

¹ Низом туйнак – Низомнинг боши сапчага ўхшаш кичик, гавдаси ҳам миттироқ ва жуда эпчил эди. Ҳар қандай туйнуқдан ичкарига кирар, жуда тез югурарди. «Туйнак» лақаби шундан.

Оқ ит кўздан ўчар-ўчмас Лочин табибнинг хотини Нормомо бизни кулиб қарши олди. Ойнур унга мақсадини айтди.

– Сойда, ҳозир чиқади¹, – у тоза ўғуз лаҳжасида сўзларкан, бизни ўрик остига қуроқ кўрпачалар тўшалган супага бошлаб борди. Сўнг тезда шолча устига тутилмаган йўл-йўл чит терги ёзди. Уни нон, майиз, сариеғ ва бир коса қаймоқ билан беади. Шу аснода Лочин табиб ҳам келди ва биз билан жилмайиб сўрашди. Ойнур бу ихчам гавдали, қора соқол-мўйловли кишига бир қадар қизиқиш билан сездирмай кўз югуртирди. Лочин табиб – келишган одам. Аммо унинг оғзи билан қулоқлари Ойнурга сал каттадек туюлди. Ўз навбатида Лочин табиб ҳам, Нормомо ҳам Ойнурга суқланиб боқишди ва «Шу қизниям одам боласи туққанми ё ойдан энганми?» деган хаёлга боришди. Қизил булоқда нонушта қилган бўлсак ҳам, қаймоқдан бошимизни кўтармадик.

Боғдон майизи очунда тенгсиз. Мен унинг қаймоқ, қоринёғи, қатиғини ҳам беқиёс деб биламан.

Емоқдан сўнг мақсадга ўтдик. Лочин табиб Ойнурни диққат билан эшитди. Кейин:

– Лоладаги касаллик туғмами? – деб сўради.

– Йўқ.

– Унинг ота-она, уруғ-аймоқлари ҳам бу дарддан узоқми?

– Ҳа.

– Даволасак бўлади, қизим.

– Раҳмат сизга, табиб! – Ойнурнинг севинчи овози билан юз-кўзига тошди.

¹ Боғдонда «-лар» қўшимчасисиз сўзлашилади.

– Аммо бу Лоланинг ўзига ҳам боғлиқ. У менга ишониши, эчкиэмардан жирканмаслиги керак, қизим.

Ойнуру ўйланиб қолди.

– Лоланинг ўзи билан кўришай, қизим.

– Тўғри айтасиз, табиб.

Хайрлашдик.

Фориш тумани марказидаги алоқа бўлимига ёндик¹.

Ойнуру Лолага сим қоқди:

– Икки ойга Учқулочга келгин, Лола, – деди қувноқ оҳангда. – Сени қувонч кутади. Ўзинг билан бирга Гумилёвнинг китобларини ҳам олишни унутма. Сени соғиниб кутаман.

15

Алоқа бўлиmidан қайтганимиздан кейин Ойнуруни қўнолғасида қолдирдик. Низом туйнак ва мен Чингизхоннинг режаси билан иш тутдик: тўр, чопон, арқон, болта, пичоқ, катта болға ва узун-узун тўртта темир қозикни «Ўрол» қутисига жойладик. Сўнг ҳалиги тақир тепага елдик. Хўл-қуруқ аралаш саксовул оғочларини эчкиэмаринига тўпладик. Ин оғзига темир қозикларни қоқдик ва уларга аланга зарар етказмайдиган қилиб тўрни боғладик. Буруқситиб ўт ёқдик. Аччиқ тутундан бўғилган махлуқ жон ҳолатда қочиб чиқиб, тўрга тушди. Ундан қутулиш учун жон-жаҳди билан ўзини ҳар ёққа аёвсиз ураркан, тўрга баттар ўралиб борди. Шайтондан ҳам эпчил Низом туйнак унинг устига чопон билан ўзини отди. Мен думини босдим. Чингизхон эчкиэмарнинг оғзи-бошини арқонда боғлади. Ва бўғзига пичоқ тортиди. Кейин

¹ Ёндик – жўнадик.

унинг бошини «Ўрол» қутисига тикдик. Асосий қисми очикда қолди. Низом туйнак унинг устига чопонини тўшаб ўтирди. Мен орқа ўриндиққа чўкдим.

Бу ўша биз (Ойнур ва мен) кўрганимиз: Тимсоҳ. Унга ачиндим.

«Аянчли қисмат! – дедим ичимда. – Бургутдан қочиб, бизга тутилди. Шўрликка шу қисмат битилган-да!»

Одам боласи ҳар қандоқ қилмишига: жиноятми, хиёнатми, айросиз

Сабаб топади.

Баҳона топади.

Асос топади.

Шу йўл билан ўзини овутади, ўзини оқлайди.

Тун тўшалаётганда Лочин табибнинг уйига кириб бордик. У ажабланди:

– Бундоқ катта эчкиэмарни умримда кўрмаганман. Уни шундай тез тутганларингизга ҳам ақлим етмаяпти. Ундан бир дунё мой, талқон чиқади. У билан талай касални даволасам бўлади. Ҳай, айтгандай, Лола қачон келади?

– Уч-тўрт кунда, – дедим мен, – икки ойга. Энди умидимиз сиздан, Лочин оға.

– Худди ўз қариндошингдек жон куйдириясанми, Эврил?

– Ойнур опамни ўз эгачимдек яхши кўраман, Лочин оға. Лола опам эса унинг қариндоши.

– Шундайми?

Мен унга жавоб бериш ўрнига: «Лола опам зўр тарихчи», – дегим келди. Бироқ ичимдаги ўзга бир Эврил буни рад этди: «Мавридимас».

– Менимча, сезги қатига илоҳий куч яширилган. Мен уни «Тангрининг бизга қилган карами» деб ўйлайман.

Бек табибни худди катта кишилардек маъқуллади:

– Фикрингизга қўшиламан.

– Қўнглим сезяпти, болалар, Лола бу дардни кўрмаган-дек бўлиб кетади.

Лочин табибнинг овозида ишонч зоҳирлигини туйдим.

16

Тонгда усти ярим ёпиқ машина бизни чўлга ташлаб кетди. Ойнурга кечаги воқеани айтдим. У ёш боладек қувнаб, чапак чалди:

– Раҳмат, Эврил! Сен менинг чин дўстимсан!

Мен бундан қанчалар севинганимни тасвирлашга ожизман.

– Ҳали мен, сен, Лола – учовимиз кўп яхши ишлар қиламиз!

Кун жазиллаб ёнишига қарамай, кўтаринки руҳ билан ишладик. Тердан уст-бошимиз жиққа ҳўл бўлди. Лекин толмадик.

Биздан тақрибан юз эллик миллион километр узоқликда, онига икки юз эллик чақирим тезликда сузаётган қуёш тикка келди. Борлиқ қиздирилган тандирга ўхшаб туюлди. Ловуллаётган ҳовур баданимизни жиз-жиз куйдирди. Юракни ўйнатди. Ўзимизни саксовулзор қўланкасига урдик. Ойнур сочиқ билан артинардик:

– Эврил, камида эллик беш даража иссиқми дейман, – деди.

– Ундан-да баланд, Ойнур опа.

Айрон ичдик. Устидан қатиқ. Қовурилган хўроз эти билан нон едик. Босиб-босиб кўк чой ичдик. Чарчоғимиз бироз ёзилди.

– Эврил, истасанг, кун қайтгунча мизғиб ол, – Ойнур опаларча меҳр билан сочимни силади.

– Сиз-чи?

– Мен Лола билан дардлашаман.

– Қандоқ? – ажабландим мен.

– Хаёлан, – тотли жилмайди у.

– Ойнур опа, кеча Сиз: «Эрхон бобомнинг кечмиши узун...» – дегандингиз, а?

– Ҳа.

– Унга жуда қизиқиб қолдим.

Ойнурнинг руҳияти юксак учун ортиқча қистовсиз Эрхон ботир кечмишига шўнғиди:

– Менинг Эрхон бобом!

Ойнур бобосини кўрмоқчи бўлгандек узоқларга, жуда узоқларга тикилди. Тарқоқ ўйларини тўплаш учунми, анчагача жим қолди. Сўнг:

– Онам ҳам улуғ бобомни кўрмаган, – деди армонга қорилган маъюс овозда. – Суврати ҳам сақланмаган. Онам Эрхон бобо ҳақида юз ёшдан ошган Иқлим момо ҳикоясидангина тасаввурга эга:

«Айланай қизим, бу қиссани тўла айтсам, у бир китобга сиғмайди. Шунга кесиб-кесиб айтаман. Эрхон ботир¹ қиличдек кескир, суқсурдек бир йигит эди. Шу кўринишига Тангри унга ақдан ҳам берган эди. Унинг феъли ҳам кенг эди. Қишлоқда Эрхон ботирга кўз тикмаган қизни мен кўрмаганман. Бироқ Иқонда² у ҳеч бир қизга на-сиб этмади. Нега дейсанми? Қулоқ сол, айланай.

Эрхон ботир ўсмирлигидан савдо карвони билан Чин, Рим, Ҳинд, яна бошқа юртларга қатнарни. Ҳар замон-ҳар замонда бизлар йўлларда юз берган хавф-хатарлар тўғрисида эшитиб қолардик. Бундай пайтларда карвон билан кетган қариндошларимиз кўз олдимизга келар-

¹ Эрхон ботир – Иқон қишлоғи улуси уни шундай атарди. Курашларда энгилмагани, бир сўзли, кўрқмас, қайтмаслиги учун шундай ном олган.

² Иқон – Чимкент билан Туркистон оралиғида жойлашган қишлоқ.

ди. Албатта, Эрхон ботир ҳам, айланай... Бизни хавотир, кўрқув босарди.

Ўрис Ботардан¹ Чиқарга² илондек ўрмалаётган, Қирғиз-қайсақнинг Кичик жузи билан Ўрта жузи босиб олинган, Оқмачит³ Кўқон хонлигидан кетган замонларда, йўқ, айланай, ундан хийла кейин Эрхон ботир Балиқкентда, уни ҳозир Пекин дейдиларми, билмадим, кутилмаганда кўздан ғойиб бўлади. Бундан унинг карвондошлари изтироб чекадилар. Зир-зир югуриб уни қидирадилар. Лекин тополмайдилар. Кутиша-кутиша, охири ноилож уйларига қайтадилар.

Эрхон ботирнинг бой-бадавлат ота-онаси ўғилларини ўйлаб, қаттиқ куйиб, қайғурадилар. Аммо ундан умидларини узмайдилар. Онаси Ойхумор опа ҳар куни йиғлаб, йўл бошида мунғайиб ўтирарди. Бундан мен ҳам эзилардим. Улус ҳам сиқиларди. Қизларни айтмасам ҳам бўлади.

Шу зайлда беш йил кечади. Эрхон оға (отаси) ўғлидан хат олади. Сувсизликдан сўлиб, сарғайиб қолган экин сув ичганда қандай тирилса, ота-она ҳам шундай яшнаб кетадилар. Қувонганларидан элга уч кун тўй берадилар. Ўшанда мен ўн олти ёшда эдим. Эрхон ботирнинг синглиси Ойхон билан сирдош эдим. Ёш ҳам қизиқувчан эмасманми, Ойхонга ялиниб-ёлвориб ундан хатни олиб ўқидим.

Ажабланарлиси, ундаги бир-икки сўз, ўзим учун тушунмаганим бир-икки сўз эсимда қолган:

«...Ота, мен Хитойда уруш, жанг сирлари: Каратэ, Кунг-фу, У-шу ҳамда бошқа жанг санъатларини ўрганиш учун қолдим. Ёв ўлатдек ёпирилиб келаётганда шунга бурчлиман деб ўйладим. Биринчи мактубимда бу ҳақда

¹ Ботар – Ғарб.

² Чиқар – Шарқ.

³ Оқмачит – Қизил Ўрда.

сизга ёзгандим. Сизларни ғам-ташвишга қўйганим учун мени кечиринглар, ота...»

Хатда битилган бошқа сўзлар хотирамдан кўтарилган, айланай. Орадан қанча йиллар оқиб ўтмади дейсан, қизим.

Эрхон ботирнинг Чинда бир неча ойга қолиш сабабини анчадан кейин Ойхондан билдим. У ўзига ҳарбий жанг сирларини ўргатган устозининг сулудан-сулукизи Хун-Суга уйланади. Афтидан, кўнгил қўйиб. Ундан Ўрхун отли ўғил кўради.

Эрхон ботирнинг юртга қайтиш фурсати келади. Бироқ устози:

– Хун-Су менинг ёлғиз қизим, – дейди Эрхонга, – усиз ҳолим не кечади, ўғлим? Мен қариб қолдим. Сен шу ерда қол. Мол-мулкимга ҳам эгалик қил.

Эрхон ботир устозининг кўнглини оғритгиси келмайди. Ноилож бир йилга Балиқкентда қолади. Бу вақт ичида Хун-Су отасига қанча йиғлаб-ёлворади. Чол сўзида қатъий туради.

Эрхон ботир икки ўт орасида қоврилади:

Ё хотини билан ўғли?

Ё Юрти билан Эли?

Хотини билан ўғлини қанча ёниб суймасин, ЮРТ туйғуси уни ўзига қаттиқ, жуда қаттиқ тортади. Бу туйғу олдида Эрхон ботирнинг ақл-идроки ожизлик қилади. Бунини юрак бетлаб Хун-Суга айтади. У

Зор йиғлайди,

Қон йиғлайди.

Охири рози бўлади.

– Қайтиб келиб, бизни олиб кетасизми? – сўрайди Хун-Су.

Эрхон ботир унга сўз беради:

– Ҳа, Хун-Су.

Эрхон ботир Иқонга қайтганида ота-онаси, қариндош-уруғлари, қишлоқ эли уни чексиз қувонч билан кутиб олишгани, биз қизлар севинчимизни яширолмай, осмонга сакраганимиз ҳамон эсимда. Эржон оға ўғли шарафига катта тўй-томоша бергани, етим-есирларга егулик-кийгулик улашгани ҳозиргидай ёдимда. Қизлар Эрхон ботирдан совчи келишини орзиқиб кутардилар. Ота-онаси ҳам уни уйлантиришга ошиқарди.

Эрхон ботир бир йиллар чамаси хотинию ўғли борлигини яшириб юради. Бу вақт ичида отаси (Эржон оға қишлоқ оқсоқоли эди) ҳамда қишлоқ улуғлари билан кенгашиб Иқонда кўнгиллилар ўрдусини тузади. Унга Авлиёота, Чимкент, Сайрам, Туркистондан ҳам ёшлар келиб қўшилади.

Эрхон ботирнинг кўнгиллиларга айтган мана бу сўзи менинг мадраса кўрган отамга ҳам маъқул бўлган:

«Биз, турк эли, бошқа халқлар билан алоқа қилиб борсак, уларнинг яхши томонларини ўзимизга сингдириб борсак ютамиз. Оврўпа илм-фан, саноат, қурилиш... соҳаларида биздан ўзиб кетган. Нима учун ундан ибрат олмаймиз ёки Жапўн, Чиндан жанг санъатларини ўрганмаймиз?»

У ўз сўзидан келиб чиққан ҳолда кўнгиллиларга уруш сирларини (Каратэ, У-шу, Кунг-фу, милтиқда мўлжалга аниқ отиш, қиличда беҳато чопиш) ўргата бошлади. Биз, қизлар, бунини (баъзи-баъзида) анграйиб томоша қилардик, айланай.

Ёв Кўқон хонлиги чегараларини бузиб ўтиб, тобора ичкарилаб келар, Эрхон ботир бундан қаттиқ ташвишга тушар, хонлар (Кўқон, Бухоро, Хива хонлари) босқинчи-га қарши бирлашмаётганларига, аксинча, бир-бирларига терс муносабатда бўлаётганларига куйиб-ёнарни:

– Ерни сув босса, тўпикларидан чиқмайди. Бу кетишда эл-юрт тақдири не кечади? Келажак авлод қарғишига қоламиз. Бизни тарих кечирмайди.

Отам:

– Элимизга Эрхон ботирдай одам бош бўлганда, – дерди алам ўтида ёниб, – юртимизга пашша ҳам учиб киролмасди.

Эржон оға билан Ойхумор хола Эрхон ботирга уйлашиш масаласини кўндаланг кўяди. У иложсиз бир тарзда:

– Ўрхун отли бир набираларингиз бор, – деб айтишга мажбур бўлади.

18

Бу кезде Хун-Су отасидан айрилган, Ўрхун чопқиллаб юрадиган бўлиб қолган эди. Уни оғир ўй, изтироб қуршайди:

Ё юрти?

Ё Эрхон?

Ниҳоят, бир ечимга келади:

Эрхон!

«Ўғлим отаси бағрида ўссин», – деб ўйлайди.

Еру мол-мулкларини сотади. Ўрхунни бағрига олиб, Туркистон карвони билан Иқонга келади.

Ота-она матонатли келинларини ётсирамайдилар. Қучоқ очиб кутиб оладилар. Набираларини бошларига кўтариб эркалайдилар. Элга тўй берадилар. Биз, қизлар, рашк қилиш ўрнига ойдан сулув келинни кўриш учун Ойхумор холаникига бот-бот бориб турардик. Биринчи кунлари Хун-Сунни «Хун сув» дердик. Кейин «Сулув» деб атай бошладик. У бизнинг тилимизни тез ўрганди, бизга сингишиб кетди.

Шу-шу Иқонда хитойга ўхшаш болалар кўпайиб борди. Шунга, айланай қизим, сенинг ҳам кўзларинг сал қийикдай.

Ота-она бошда: «Ўғлимизни ўзимизнинг қизлардан ҳам бирига уйлантирайлик», – деб юришди. Бироқ аста-секин бу ниятларидан қайтишди. Хун-Су Хитой ҳам, шаҳарлик бўлишига қарамай, нон ёпиш, сигир соғиш, кир ювиш, супуриб-сидириш... хуллас, ҳамма ишларни кўнглидан бажарарди. Бунинг устига, яна бир ўғил, бир қиз туғиб берди. Ўзи ҳам ўзимизча кийингани, ўзимизча сўзлагани учунми, иқонли аёлларга ўхшаб борди. Гапнинг қисқасини айтсам, айланай қизим, Сулув ҳаммамизга ёқиб қолди.

19

Иқонда тотли ҳаёт давом этаркан, генерал Веревский Кўқон хони ери бўлмиш ҳозирги Олмаотани босиб олади. У ерда Верный ҳарбий кўрғонини қуради.

1863 йили Эрхон ботир бош тўққиз эр ўнта қорабайирда ғаним сари елади.

Тўғри, қизим, мен воқеа кечган ерда бўлмаганман, аммо уни қандай эшитган бўлсам, шундай айтаман. Яна ҳам аниғи, эсимда қолганини айтаман.

Йигитлар тезда ёғийнинг режаси, кучию сонини аниқладилар. Ёв деярли қаршиликсиз ичкарилаб келаётгани учун захирасини тиш-тирноғи билан кўриқламаётган экан. Бунинг билган йигитлар ойсиз, қоронғи тунда ўрис аскарларидек кийиниб уларнинг соқчиларини бўғизлайдилар. Уч юз отга (душман отларига) қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечакларни юклайдилар. Иқонга учадилар. Эрхон ботир билан Эргаш қолади. Йигитлар анча

узоклашиб кетганларидан сўнг икковлон ёвнинг захира омборларига ўт қўяди. Кейин ғанимни чалғитиш учун дўстларига тескари: Чин томонга от суради. Ёвнинг юз чоғли суворийси уларнинг изига тушади. Икки ботир вақти-вақти билан бутқозор ораларидан ёғийни ўққа (босқинчидан олишган милтиқларда) тутеди. Сўнг яна қочади. Шундай йўл билан қирқ битта ёвни узлатга юборади. Тўққизтасини яралайди. Қиличлашишга тўғри келган онларда икковлон ўзларига ташланган тўртта-бешта ғанимни чопиб ташлайди. Ортадаги таъқибчилар етиб келгунларича тагин қочиб қоладилар. Силласи қуриган босқинчи «Булар хитойлар», деган фикрга келади. Бундан қўрқувга тушади, отини ортга буради.

Икки ботир айланма сўқмоқлар билан Иқонга қайтади. Э, ҳа, айланай, эсимдан чиқай дебди, шу воқеадан кейин тўққиз ўғлоннинг ҳар бирини эл «ботир» деб атаёт бошлади. Алп қоматли бу йигитларнинг отлари ҳамон эсимда: Элбек, Қўлдош, Эргаш, Довул, Темур, Пўлат, Тошбек, Элчин, Эгам...

Мен бу воқеани, айланай қизим, бор тафсилоти билан айтолмайман. Чунки билмайман. Элдан эшитганимни, эримдан (Эргаш ботир) эшитганимни айтяпман. Уни ҳам узук-юлуқ айтяпман. Орадани қанча замонлар ўтиб кетмади дейсан, ўргилай.

Бу ҳамладан кейин босқинчи бир йилгача ўзига келмайди. Юришни тўхтатади.

20

Бу замон ичида Эрхон ботир Қўқонга боради. Қўқон хони қўшини бошлиғи Алимқули билан учрашади. Улар ўртасида қандай гап-сўз кечгани менга қоронғи. Бу ҳақ-

да эрим (Эргаш ботир) ҳам оғиз очмаган. Аммо ўзимча шундай ўйлайман:

Эрхон ботир ушлаган ерини кесадиган, ҳар қандай кишига таъсирини ўтказадиган йигит эди. Унда одамларни ўзига тортувчи, ўзига қаратувчи, ўзига ишонтирувчи сирли куч бор эди. Балки, бу илоҳдан берилган кучдир?

Шундан келиб чиқса, Эрхон ботир Алимқулига ўз сўзини ўтказган. Шунга унинг қўшини Чимкентга юз тутати. У 1864 йилда Иқон этагида босқинчи билан тўқнашади. Режа бўйича (Эрхон ботир режаси) кўнгиллилар кутилмаганда ёғийнинг икки қанотини мажақлайди. Эрхон ботир билан ҳалиги тўққиз ўғлон ёв захираларини йўқ этади. Шунга қарамай, қаттиқ жанг бўлади. Охир-оқибат ёв қочади. Алимқули билан Эрхон ботир уни Веревский остонасигача таъқиб этади. Шунда лашкарбошилар Алимқули кўнглига ғулғула солади.

– Емоғимиз тугаётир, – дейди Алимқулининг ўнг қўл лашкарбошиси ташвишли, таъсирли овозда. – Қайтайлик.

Сўл қўл лашкарбоши уни қувватлайди:

– Веревскийда ўрис ҳарбий кўрғони¹ бор. Эшитишимча, у жуда мустаҳкам қалъа. Ундаги мадад кучлари ҳолимузни танг этади. Кўшин, отларимиз ҳам чарчаган.

Эрхон ботир Алимқулига ўтинади:

– Ёв чалажон. Кўрғонида эса бармоқ билан санарли чериги қолган. Чалажон илоннинг боши мажақланмаса, у пайт пойлаб чақади. Веревскийни олиб қайтайлик. Бундай фурсат бошқа бўлмаслиги мумкин.

– Мунча ишонч билан сўзлаяпсан, Эрхон?

– Айғоқчиларим билиб қайтишди.

Лашкарбошилар айюҳаннос солишади:

¹Кўрғон – Верный ҳарбий кўрғони.

- Нотўғри.
- Ёлғон.
- Сохта маълумот.

Уларнинг таъсирида Алимқули Эрхон ботирга писанда қилади:

– Ўз кўзинг билан кўрмагунча ишонма. Олмаотани олишга келсак, шошма, ҳар нарсанинг вақти-соати бор...

Эрхон ботир унга ортиқ оғиз очмайди.

Хон кўшини улкан ўлжа билан тоғлар оралаб Кўқонга от суради. Эрхон ботир бир сўз демаса ҳам, икки юз кўнгилли улардан ажраб чиқади. Эрхон ботирни ўй босади:

«Вақти-соати бормиш!.. Қачон? Минг йилдан кейинми? Ёв Ўрол-Сибиримизни босиб олганига неча юз йил кечди? Олтин Ўрда¹, Аштархон², Саратов³, Ўринбурларимизни-чи?..⁴ Энди у чексиз-чегарасиз, бой ўлкаларимиз (очун белгисида⁵) «Ўрусия» деб аталаётир. У ерлардаги бир туғишган уруғларимиз: саха, ҳокас, олтой, тува, шўр, қипчоқ, узларимиз тарих саҳнасида кўринмаяптилар. Устига-устак, мажбуран насроний динига ўтганлар. Хун қолдиғи – чуваш ҳам. Улар йилдан-йилга тилларини ҳам, ўзликларини ҳам унутиб боряптилар. Татар, бошқирд, чуваш, қорачой, кукўғуз (гагауз), болқар, қиримли⁶, кумиқ, нўғай, қорайим⁷ каби қондошларимиз ҳам айни шундай: Ўрис тизгинида.

Хўш, улар қачон бу бўғовдан қутуладилар? Оқишдан тўхтаган сув қўлмакка айланади. Биз қутулиш учун

¹ Олтин Ўрда – Волгоград.

² Оқмачит – Қизил Ўрда.

³ Саратов – Саритов – Сариктоғ.

⁴ Ўринбур – Оренбург.

⁵ Белги – харита.

⁶ Қиримли – Қиримли турк – Қирим татари.

⁷ Қорайим – яхудий (яҳудо) динида. Асосан Болтиқбўйи ва Исроилда яшаётган қондошимиз.

курашмасак, оқмай қолган сув ҳолига тушамиз. Ҳозир Верныйни ташлаб кетяпмиз. Эртага, балки, Авлиёота, Чимкент, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хиваларни... Туркистон қил устида... Шундай аянчли ҳолда ҳам биз: «Ҳар нарсанинг вақти-соати бор...» – деб ўзимизни ўзимиз овутамиз. Аслида, бу сўз билан кўрқаётганимизни, кўрқоқлигимизни яширамиз.

Босқинчига қарши бир турк туғи остида бирлашмасак, бирлашиб курашмасак, ўнглаб бўлмас хатога қўл кўямиз.

Тарих қарғишига қоламиз.

Авлодлар қарғишига қоламиз.

Ичимизда Ўғузхон чиқмасми?

Ичимиздан Чингизхон чиқмасми?

Ичимиздан Темурхон чиқмасми?

Қани у куч-қудратда тенгсиз салтанатларимиз?

Уйғонмасми Туркистон?

Уйғонмасми Турон?»

21

Хон қўшини кўздан ўчгандан сўнг менинг эрим Эргаш ботир унинг ёнига боради. Эрхон ботир ўзига келади. Ишонган дўсти бўлгани учун унга ўз кечинмаларини айтади.

Эргаш ботир:

– Уч хон бирлашмаса, ёв бизни ютади, – дейди.

– Сен бирлашади деб ўйлайсанми?

– Йўқ деб кўрқаман.

– Нега?

– «Сендан мен камми?» деган ғурурлари йўл қўйиши қийин.

– Балки, энди, ЮРТ тақдири хавф остига келганида бирлашарлар?

– Илоҳо, янглишай, аммо кўнглим: «Учала хон ҳам юртларидан кўра ўзларини яхши кўрадилар», – дейди.

– Бундоқ тақдирда учови ҳам ҳалокатга юз тутади.

– Учови бўлса гўрга эди, дўстим. Ундокда:

Эл тақдири не кечади?

Юрт тақдири не кечади?

Агар менда улкан бойлик бўлганда, Эргаш дўстим, учовидан ҳам нажот кутиб ўтирмасдим. Ёвни чиққан ерига тикадиган бир кўшин тузардим. Ҳозир бу бир сиқим кўнгилли билан мақсадни амалга оширолмайман. Бу аянчли! Менга алам қилгани: бизга ғалаба ёр бўлиб турганда орқага қайтдик. Бу – фожианинг боши. Бу дегани омад биздан юз ўтирди, ўтира бошлади дегани. Эргаш дўстим, ҳозир бизда лоақал мингта кўнгилли бўлганда, орқага қайтмасдик. Верный кўрғонининг кулини кўкка совурардик. Кейин Порт-Превский қалъасини!¹ Кейин Кичик Жузни, Ўрта Жузни² озод қилардик. Бунга ақлим ҳам, кўзим ҳам етиб турибди. Бунга кўнглим ҳам чопиб турибди.

– Сенга ишонаман, дўстим.

– Бироқ қани ўша кўшин, минг черик?

– Менимча, бунинг очқичи³ битта: бойлар...

Гаплашиб кўрамиз, Эрхон.

– Кўнармиканлар?

– Шундай пайтда кўмаклашмасалар, қачон кўмаклашадилар?

¹ Порт-Перевский – Оқмачит (Қизил Ўрда)да 1848 йилда қурилган ҳарбий кўрғон.

² Уз – Жуз – қозоқлар «Жуз» дейишади. Кичик Жуз 1834 йилда, Ўрта Жуз 1841 йилда босиб олинган.

³ Очқич – қалит.

– Ишонасанми?

– Тушунтиришимизга боғлиқ, ишонтиришимизга боғлиқ. Агар ёв босса, биринчи галда бойларга бало тошлари ёғилади.

Бор-будларидан айриладилар.

22

Шу он бир тўп йигит икки ботир олдига келади. Гап узилади.

– Бу ерда ушланиб қолишимиз хавfli, – дейди улардан бири Довул ботир. – Таъқиб этилмаётганини сезса ёғий бизга айғоқчи юбориши мумкин.

– Тўғри, – Эрхон ботир кўнгиллиларга отланишни буюради.

Жанубга, Авлиёота томонга елишади.

Беш-олти тош йўл босганларидан сўнг йўриладилар, оч қоладилар. Отлар ҳам ҳолдан тояди. Ёввойи оғочлар эгаллаган тоғ тўрига, тезоқар сой бўйига кўнадилар.

Элбек ботир бош бир неча йигит қайси бир қишлоқдан ўнта қўй, нон, ем олиб келади.

Қўйларни сўйишади, териларини шилиб, ичак-човоқларини олиб ташлашади. Уларни бутунича узун-узун қатранғи¹ оғочларига санчишади. Ўнта ерга гулхан ёқишади. Ҳар ўтнинг икки томонига учлари айри оғочлар қоқишади. Уларга қўйларни осишади. Қўйлар пишгунча арғумоқларни ювиб-тарашади. Ўзлари ҳам сойда чўмилишади. Отларга ем беришади. Сўнг кўкатларга ястаниб (зўр иштаҳа билан) овқатланадилар.

¹ Қатранғи – тошоғоч.

Шу аснода чўққиларда турган соқчилар шошилинич хабар етказадилар:

– Босқинчи ҳар томондан ўраб келаётир.

– Тахминан қанча?

– Минг атрофида.

Эрхон ботирнинг буйруғига биноан кўнгиллилар ўз от, яроғлари билан қўшни қирғоққа – осмонга тутшиб кетган қоя тизмалари остига ўтадилар. Эрхон ботир ҳеч нарса юз бермаётгандек ўзини хотиржам тутиб, сокин оҳангда ушбу сўзларни айтади:

– Энди ёв орқа томонимиздан ҳамла қилолмайди. Қоя – бизга қалқон. Ундан ёввойи эчкилар ҳам ошиб ўтолмайди. Биз ёғийдан юксақда – ҳайбатли тошлар орасида турибмиз. Энди ёв бизга уч ёқдан хуруж қилади: қаршидан, икки қанотдан. Шунга учга бўлинароқ савашга ўта-миз. Милтиқ, ўқларимиз, қилич, сунгуларимиз етарли. Бу биз учун синов жанги, машқларимиздан келиб чиқиб айтсам, қилич, сунгуларда савашда босқинчи бизга тенг келолмайди. Қўл жангида ҳам. Милтиқларда мўлжалга отишни биламиз. Ғанимнинг биздан устун томони – пулемёти бор. У бизда йўқ. Лекин ўқлари тошларни тешиб ўтолмайди. Тошлар – бизга қалқон. Унутманглар: ёв яқин келганда тошлар панасидан уни ўққа тутамиз. Қўққис. Менинг ишорам билан. Кўнглим сезяпти – биз енгамиз!

– Биз енгамиз! – қичқиради йигитлар.

Тоғ-тошлар ҳам акс садо беради:

«Биз енгамиз!»

Босқинчи уч томондан бостириб келади. Қўмондон Черняев:

– Бу қўйлар кўрққанларидан қоятошлар ораларига беркиниб олганлар, – дейди ўз қўшинига. – Пулемётлардан ўт очиб уларнинг ўтакаларини ёринглар. Аммо отларга тегманглар. Улар бизга керак бўлади...

– Буларга ўқлар ҳам хайф, – эътироз билдиради ўнг қўл лашкарбоши Иван. – Жангсиз таслим этамиз.

Черняев татар тилмочига буюради:

– Гаплаш!

Тилмоч Черняев сўзини Эрхон ботирга айтади. Эрхон ботир (тилмоч орқали) айни шу талабни Черняевнинг ўзига қўяди. Унинг «қўй» дегани эса яна қўшимча қилади:

– У оёғимга бош уриб келсин, шунда тўнғизнинг боши узилмайди.

Бу жавобдан Черняев жунбишга келади, ғазаб, нафрат ўтида ёниб, титрайди, аждарҳодек тўлғаниб, наъра тортади:

– Пулемётлардан ўт очинглар!

Ўт очишади.

Сон-саноксиз ўқлар «чив-чив» учароқ тошларга урилади, отлар ер тепиниб, кўкка сапчиб, кишнайди. Босқинчилар милтиқларини ҳам ишга соладилар. Одамер ёввойилардек бўкирароқ кўнгиллилар сари отиладилар:

– У-ра!¹

– У-ра!!

– У-ра!!!

Ора тораяди. Икки юз бўз ўғлон (милтиқларда) ёвни нишонга олганича тепкини босишга буйруқ кутади. Ниҳоят, Эрхон ботир ўнг қўлини кўтариб, туширади. Бирдан икки юзта ўқ душманга учади. Деярли бехато... Кучли довулда оғочлар қандоқ қуласа, босқинчилар ҳам шундоқ қулайдилар.

¹ Ура – «Ура» сўзи туркча. «У-ра-ур» сўзидан олинган. Салб юришида Салжукли Турклар тоғ ораларидан, даралардан, пистирмалардан чиқиб: «Ур, У-ра-ур!» – дея хайқириб, салбчиларга човут солганлар. Ўша замонда «Ура!» сўзи Оврўпага кириб борган. Бу Боуфарднинг китобида ҳам акс этган.

Вой-додлаб қулайдилар.

«Мама»лаб қулайдилар.

Тириклари бу ҳолдан:

Довдираб қоладилар.

Васвасага тушадилар.

Ёғий ўзига келмасидан кўнгиллилар яна тепкиларни босадилар:

Яна...

Яна...

Яна...

Шамолда куз япроқлари қандоқ тўкилса, босқинчилар ҳам шундоқ тўкиладилар. Шунда бирдан бўз йигитлар тошдан-тошларга олқар мисол енгил сакрароқ қилич, сунгуларга эрк берадилар. Тоғ-тошларга мослашмаган ёвни қамишни ўргандек «ўради»лар. Тирик қолгани бас келолмаслигини сезади.

– Булар Хитойдан ёлланган қотиллар! – дея бўкириб қочади.

Ўликларини ташлаб қочади.

Ярадорларини ташлаб қочади.

Отларини ташлаб қочади.

Қуролларини ташлаб қочади.

Иванга ўхшаш чалажон лашкарбошиларини ташлаб қочади.

Ғурурларини булғаб қочади.

– Чингизхондан ҳам шундай қочган, – дейди Элбек ботир.

– Темур хоқондан ҳам шундай қочган, – дейди Эргаш ботир.

– Жон ширин-да, – ёйилиб кулади Эрхон ботир, – бундай онларда:

Ватан,

Миллат,

Дин

туйғулари ҳам кўзларига кўринмайди. Қара, ҳаммаси ўз жонини ҳовучлаб қочяпти. Кўряпсанми, Черняевга ҳам сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди.

Кўнгиллилар шаҳид бўлган дўстларининг хурматларини жойига қўйиб қоя остига дафн этадилар.

Эрхон ботир йиғлайди.

Бўз йигитлар йиғлайди.

23

Қалбларида ғам билан,
Қалбларида ўч олиш истаги билан,
Қалбларида зафар ёғдуси билан
Иқонга қайтадилар.

Эрим (Эргаш ботир) бу жанг ҳақида қувончини ичига сиғдиролмай, зўр ҳаяжон билан ҳикоя қилиб бергани ҳамон ёдимда.

Қизим, айланай қизим, вақт дегани тўзондай тўзиб ўтавераркан. Мен учун азиз бўлган қанча-қанча одамлар ўтдилар. Энди улар қайтмайдилар. Ўтиб кетган у бахтиёр кунлар ҳам қайтмайди.

Менинг ҳам санокли кунларим қолди. Бу тарихни ўзим билан бирга тупроққа олиб кетаман. Шундан кейин Эрхон ботир қиссаси, бўз йигитлар қиссаси унутилиб кетади».

Унинг борлиғини армону айрилиқ ўкинчи қуршайди. Ҳорғин, сўниқ кўзларидан ёш оқиб, қайғу-ғам ўтириб қолган юзларини ювади.

Ҳасрат ёшлари,

Армон ёшлари,

Кечмишни қўмсаш ёшлари.

Бир кезлари олис, жуда олис бир кезлари юзлари тиниқ, кўзлари қуралай, қад-қомати жозибали бўлган, энди оғир ҳаёт, довулли вақт силсилаларида буришиб-тиришиб қолган, бир сиқим бўлиб қолган кампирнинг аянчли кўринишидан онамнинг юрак-бағри хун бўлади. Осмонданми, ғойибданми, билмайди қаердан, «Ҳамма тирикларни шундай қисмат кутади» деган сўз қулоғига келади. Бундан унинг кўнгли баттар увушади.

Денгизни босиб ётган қалин туманни шамол ҳайдаганда у яна ўзининг азалий – (мовий) осмон тусига киради ва илоҳий улуғворлигию самовий кенглигини намойиш этади.

Иқлим момо билан онам ўрталарига чўккан оғир сукунат кўтарилганида момо ўзини қўлга олиб, ботирлар қиссасини давом эттираркан, рутубатли тумандан қутилган денгиздек яшнаб кетади:

«Иқон эли ботирларни зўр қувонч билан кутиб олди. Эски урф-одатларимизга кўра ўнлаб гулхан ёқилди, ўнлаб қўй сўйилди, қозон-қозон ош пиширилди, тандир-тандир нон ёпилди. Улуғ уйлар теграларига гиламлар тўшалди, тергилар ёзилди. Куй-қўшиқ, ўйин-кулгилар авжига чиқди. Бизлар (хотин-қизлар) ҳам гулханлар арофида армонсиз ўйнадик. Қандоқ замонлар эди-я, айланай қизим! Бир камсиз, эркимиз ўзимизда яшардиг-а! Отинг ўчкур босқинчи тинчлигимизни бузди, еримизни булғади. Бу ҳам бир кўргуликми, билмадим, қизим.

Ботирлар келтирган севинч абадийдек туюларди бизга. Бироқ бир йилга ҳам чўзилмади. Бутун дунё босқинга қарши турганига қарамай, у ўлгир оч аждарҳодай ўрмалаб кела бошлади. Оч аждарҳодай дедимми, қизим? Йўқ, унинг олдида аждарҳо пашшадек гап. Аждарҳо фақат қон ичса, босқинчи қонимизни ҳам ичар, еримизнинг ости-

устида кўзга суртиб, авайлагудек нимамиз бўлса, ҳаммасини ямламай ютар, юртига ташиб кетарди. Тағин:

Миямизни,
Пуштимизни,
Тилимизни,
Хотирамызни,
Эркимизни бўғовлашга киришди.

Тағин:

Кечмишимизни,
Ғуруримизни,
Имон-эътиқодимизни,
Еримизни,
Миллий шаънимизни бўғовлашга киришди.

Кўплар юз ёшни орзу қиладилар, қизим. Лекин юздан ошган одамга ҳам қийин. Нега десанг, қизим, у ўзини ўзи эплаб юролса, яхши. Юролмаса, бола-чақасига ҳам сиғмай қолади. Дунёга ҳам. Ўлишни истаб қолади. Тангрига ёлворади:

– Яратган Эгам, омонат жонингни ол!

Бундай пайтда уни азоб-уқубатлар, хор-зорликлардан ўлим қутқаради. Фақат ўлим. «Ўлим ҳам неъмат», – деб бежиз айтилмаган. Ўзини ўзи эплаб юрганига ҳам осонмас. Бош деярли касалликдан чиқмайди. Бундай ёшда энг кучли, иродали одам ҳам ўзини зўрға бошқариб юради. Мана, менинг ҳам ақлим кирди-чиқди бўлиб қолган. Бунинг устига, эзма ҳам бўлиб қолганман. Хотирам ҳам бўшашиб кетган. Кўриб турибсан, қизим. Ҳозир ўзим сезмай воқеадан узоқлашиб кетибман. Кечир, қизим. Сенга айтсам, айрим бойларнинг кўмаклари билан кўнгиллилар сони уч юзтага етди. Бизнинг кўз олдимизда Эрхон ботир уларни оғир, тинимсиз машқлар билан урушга ҳозирлайди.

Бироқ бу гал босқинчи анча қўшину пухта тайёргарлик билан йўлга тушади. Кўп ўтмай макр билан Тошкентни қамал қилади. Бу воқеа 1965 йили юз беради. Душман ички сотқинлар маслаҳати билан Кайковус йўналишини ўзгартиради. Кентни сувсиз қолдиради.

Кўнгиллилар учқур арғумоқларда кўмакка Тошкентга учадилар. Эрхон ботир уларни (Элбек ботир бошчилигида) Турбатда қолдиради. Ўзи (юқорида отлари қайд этилган тўққиз йигит билан бирга) вазиятни ўрганиш учун Тошкентга йўналади. Бироқ ҳозирги Черняевкага¹ киришдаги тепалар орасида пистирмага – ўрис ўқларига дуч келади. Етти ботир ҳалок бўлади. Жумладан, менинг эрим Эргаш ботир ҳам. Мен эса икки ўғлим билан тул қолдим. Шундан кейин, айланай қизим, бошқа эр қилмадим.

Эрхон ботир елкасидан яраланади. Пўлат ботир оёғидан. Юздан ортиқ босқинчи уларни ўраб олади. Икки ботир қаттиқ қаршилиқ кўрсатади: қиличда ўнлабини йитади. Аммо охири (кўп қон йўқотгани учун) ҳолдан тояди. Ёв ботирларнинг кўлларига кишан солади. Уларни Черняевнинг олдига элтади ва:

– Булар тенгсиз жангчилар, – дейди.

Черняев ботирларга қизиқиб қолади. Тезлик билан ўз жарроҳига буюради:

– Туркларни давола!

Жарроҳ ботирларга санчилган ўқларни олиб ташлайди. Уларни оёққа турғзади.

¹ Черняевка – Тошкентни ишғол қилган босқинчи, ўрис қўшини бошлиғи, ўта йиртқич махлуқ отига қўйилган жой номи. Минг афсус, мингминглаб ёзуқсиз инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлган бу каснинг номи ҳалигача олиб ташланмаган.

Черняев бошқирд тилмоч орқали Эрхон ботирга ўз сўзини айтади:

– Бизга садоқат билан хизмат қилсанг, сени ўлдирмайман, ўзимга ёрдамчи қилиб оламан. Шеригингни эса бўлинмага командир этиб қўяман.

Эрхон ботир бир режани кўнглига тугади. Тугади-ю: «Бирдан «ҳа» десам, ишонмайди», – деб ўйлайди. Шунга:

– Ўйлаб кўришга муҳлат бер, – дейди.

– Эртага тонгда жавоб кутаман, – Черняев Эрхон ботирга бошдан-оёқ разм солади.

У Черняевга йўлбарсдек тик боқади. Кўзлар тўқнашади. Черняев ботирнинг қарашига дош беролмайди. Кўзини олиб қочади.

– Унинг ичида йўлбарс бор, – дейди Черняев тилмочга, – ундан эҳтиёт бўлиш керак. Агар бўшалиб кетса, бизга катта хавф туғдиради. Чиндан ҳам бизга қўшилса, ерликларни бўйсундиришимиз осон кечади...

Тонгда Эрхон ботир Черняевга ўз истагини билдиради:

– Розиман, – дейди ичидаги «сир»ни сездирмаслик учун жиддий бир оҳангда. – Фақат...

Эрхон ботир ўзини иккилангандай тутиб жим қолади.

– Мужмал гапни жиним суймайди, давом эт.

– Менинг ҳам икки шартим бор.

– Қулоғим сенда.

– Биринчи шартим:

Пўлатни қўйиб юбор. У уйига қайтсин. Менинг соғ-саломатлигимни ота-онамга айтсин.

– Ярайди.

– Иккинчи шартим:

Энг зўр юзта аскаринг билан куч синашаман.

– Бирга-бир чиқасанми?

– Сен нима десанг, шу. Майли, менинг бир ўзимга қарши бешта-ўнта бўлиб чиқса ҳам.

– Осмондан келяпсан.

– Сўзим – сўз.

– Енгилсанг-чи?

– Сенга хизмат қиламан.

– Енгсанг-чи?

– Менга жавоб берасан. Бунинг учун Тангри олдида сўз бер.

– Тангри олдида сўз бераман, – хохолаб кулади Черняев. – Ичингдан пишган кўринасан. Умуман олганда, менга ёқпсан. Юрагинг ҳам отнинг калласидай, шекилли. Менимча, зўр томоша бўлади. Қиличдами, сунгудами, болтадами, қайси тур бўйича олишасан?

– Менга фарқи йўқ. Буни сен ҳал эт.

– Майли, қон тўкилмасин. Қўл-оёқ жангига ярайсанми?

– Ярайман. Фақат биронта полвон ўлиб қолса, ўлмаганда ҳам, унинг бирон ери синиб кетса, бунинг учун мендан ўч олмайсанми?

– Йўқ.

Черняев ҳар бири девдай-девдай келадиган ўнта казакни Эрхон ботирга рўбарў қилади. У ичида ихтиёрсиз: «Қуруқ гавдалар», – дейди.

Бу сўз ботирнинг чўчувдан асар йўқ юз-кўзида акс этади. Буни маккор Черняев илғайди. Ерликлар ичида бундай кўрқмас кишилар борлигини ақлга сиғдиролмайди. Шу билан бирга, Туркистон тупроғини йиллар мобайнида босиб келаркан, ўзига ҳаддан ортиқ ишонган бундай кимсани кўрмаганини кўнглидан ўтказди. Бундан ғаш келмайди. Қайтага, Эрхон ботирга қизикуви яна ҳам ортади. Ҳатто унга ҳурмат кўзи билан қарайди.

Эрхон ботир бирма-бир олишувда ўн казакни ҳам йиқади. Фақат учовининг... яъни (кейингиларини кўрқитиб қўйиш учун) мислсиз тезлик билан ўмбалоқ ошиб бориб, жигар, талоқларига тепади. Учови ҳам қон қусиб ўлади.

Ҳеч бири ботирга жиддий қаршилиқ кўрсатолмайди. Бу чақмоқ тезлигида юз беради.

Тўқсон сара черик даҳшатга тушади. Черняев титрайди. Кўрқувданмас. Шармандалиқдан. Шундан сўнг яна ўнга жангчисини майдонга чиқаради.

Эрхон ботир арслондек шиддат билан ҳайқириб ёвга отилади. Ёв ҳам унга беомон ташланади. Эрхон ботир маймундан ҳам чаққон ҳаракатлар билан дам сўлга, дам соғга¹, дам кўкка сакрайди, чап беради. Танасини ҳар қандай зарбга дош беришга Чинда ҳам, Иқонда ҳам чиниқтирган эди. Шу боис оёқ-кўл билан уришиш жанг сиридан хабарсиз ёвнинг бирон-бир тепки, муштлири унга сезиларли таъсир этмайди. Оёқ-кўллари осмоний тезликда ишга сола бориб бирпасда беш босқинчини маҳв этади. Қолганига эса бошқача жанг усулини қўллайди: кетма-кет баландга сакрайди, кетма-кет чирпирак айланади, пастга ҳар энганида ёвнинг бошига ё тепади, ё човут солади. Бешовидан учтаси узлатга кетади. Иккитаси майдонни ташлаб қочади.

Черняевнинг руҳи тушиб кетади. Чериклар таҳликада қоладилар. Черняев ғазабнок ўшқиради:

– Буларни кўздан йўқот!

Шу заҳоти ўликлару чалажонлар майдондан судраб чиқилади.

Черняев ғалабага ишонмаса ҳам, жангни тўхтатмайди. Балки, кўнгли четида милтилаган умид учқуни ҳам бўлгандир. Бу уни курашга рағбат этгандир.

Черняевнинг имоси билан яна ўнга дев майдонга чиқади. Руҳсиз бир алпозда. Бунини Эрхон ботир ҳис этади. Гапни чўзиб ўтирмайман, айланай қизим. Эрхон ботир ўновини ҳам енгади.

¹ Соғ – ўнг.

Хуноби ошган Черняев ортиқ шарманда бўлишни ис-
тамайди. Эрхон ботир билан охирги марта қўнишади.

– Келажакда сенга катта лавозим бераман, – дейди.

Эрхон ботир қатъий туради:

– Сен менга Тангри олдида сўз бердинг.

Черняев иложсиз Эрхон ботир билан Пўлат ботирга
отларини қайтариб беради. Аммо: «Буларни тириклай
қўйиб юбориш хавфли», – деб ўйлайди.

Ботирлар ҳар эҳтимолга қарши арғумоқларининг ёл-
ларига (бошлари билан) ёпишиб олиб, қамчи босадилар.
Шу онда уларнинг елкаларига ўқлар санчилади. Бироқ
йигитлар ўқдан тез учишда давом этадилар. Турбатга
етадилар. Эрхон ботир кўнгиллиларга сўнгги сўзини ай-
тиб, жон беради:

– Алимқули қўшинига қўшилишлар.

Шу куни тунда Пўлат ботир ҳам дўстлари билан видо-
лашади.

Ардоқли ўғиллари учун Иқон мотам тутади.

Эрхон ботирдай эрлар юз йилда бир марта туғилади,
айланай, қизим. Лекин ҳозирги одамлар уларни унутиб
юборганлар.

Турланувчи тарих ҳам...

Сўнгги воқеани¹ отамдан ҳам, эримдан ҳам эшитма-
ганман. Бу – эл оғзида юрган гап. Шунга уни тўла тўғри
деб айтсам, балки, адашарман, қизим. Фаҳмимча, у би-
роз бўрттирилган. Яна Тангри билгувчи.

¹ Сўнгги воқеа – Эрхон ботир билан Черняев ўртасида кечган мулоқот,
«ўлим ўйини», Черняевнинг ўз сўзида турмагани ва ботирлар фожиалари
кўзда тугилади.

Ойнурнинг онаси Эрхон ботир қиссасини Иқлим модан қандай эшитган бўлса, қизига ҳам шундай ҳикоя қилиб берган. Юз марталаб ҳикоя қилиб берган. Ҳар гал уни Ойнур зўр қизиқиш, зўр ҳаяжон билан эшитган. Шунга у Ойнурга ёд бўлиб кетган.

Ойнур эса бу қиссани менга фахрга, ғурурга қотилган маънос ҳамда шижоатга ғарқ овозда (оқизмай-томизмай) баён этди. У оғир хўрсинди. Юмуқ киприкларидан ёш сизиб чиқди. Марварид ёшлар. Менга шундай туюлди. Яна сукунат борлиқни қуршади.

У анчадан сўнг ўзига келди. Сумкачасидан бир қалин дафтар олди ва менга узатди.

– Бобомнинг номи тарихга киришини истайман, – Ойнур ёшларини оч ҳаворанг рўмолчаси билан оҳиста артди. – Сендан умидим катта, Эврил.

Бу гапни биров, ҳатто олий даражали киши айтганда ҳам, қалбим «қилт» этмасди (Ўзимча шундай ўйладим). Бироқ буни Ойнурнинг тилидан эшитганим учун у менга севинч ҳам ғурур бағишлади. Ўзимга ишончим ортди.

Мен энтиқдим.

Мен ҳаяжонландим.

Мен Ойнур ҳикояси бўйича Эрхон ботир қиссасини уч кун ичида (ишдан кейин, тунлари) қоғозга туширдим.¹ Сўнг ўша сийрак саксовуллар ўсган чўлда туш пайтида уни Ойнурга кўрсатдим.

Чанқаган киши сувни қандай ютоқиб ичса, у ҳам қиссани шундай ташналик билан ўқиди. Кейин мени қучиб, юзимдан ўпди. Ҳали бола бўлсам ҳам, баданларим жимирлаб кетди.

¹ Қоғозга туширдим – Ойнур менга совға қилган ўша қалин дафтар кўзда тутилади.

– Хотиранг мунча тиниқ, Эврил! – деди. – Бир сўзни ҳам туширмай ёзибсан. Яна ўзингча унга бадиий бўёқ ҳам берибсан.

Мақтовдан юз-кўзларим ёнди. Ўзимни гўё осмонда сездим. Мақтов одамга нечоғлик зўр таъсир этишини, унда самовий бир куч борлигини илк дафъа ҳис этдим. Тавба! Қаердандир, билмайман, шу он кўнглимга «Тангри мақтовни бекорга яратмаган, унинг қатига улуг қудрат ҳам жо этган» деган сўз келди.

– Замони келгач... бобом қиссасига бадиий тус бера-сан деб умид қиламан, Эврил, – Ойнур менга меҳрибон кўзларини тикди.

«Замони келгач...»

Жумбоқ гап.

Сирли гап.

Тагдор гап.

Мен уни тушундим.

– Шубҳасиз, Ойнур опа, – дедим.

26

Олтинчи куни (шанба) тушдан кейин Учқулоч – Осмонсой йўли орқали Чингизхоннинг қутили мотоциклида (Осмонсой этагидан ўтувчи) катта сўқоққа чиқдик. Қўл учида қурилган, ёғин-сочин, шамол-бўронларда аянчли ҳолга келган бекатда Жиззах – Фориш автобусини кутдик.

Ниҳоят, у келди. Ундан Лола тушди. Ойнурникидек унинг ҳам бўйи ўртадан тик, ирода ва ақл белгилари акс этиб турган юз-кўзлари тиниқ эди. Бироқ улар (юз-кўзлар) менга ҳуркак, ўйчан, маъюсдай туюлди. Шунга қарамай, агар Ойнур ёнимда бўлмаганида, уни Ойнур деб ўйлардим.

Бек ҳам худди мендек дам Ойнурга, дам Лолага тикиларкан, хайратдан оғзини очиб қолди.

Бекатдаги кишилар ҳам ҳаётда сийрак учрайдиган, бир-бирига икки дона седана гулидай ўхшайдиган гўзал қизлардан кўзларини узолмасдилар.

Ойнурдан олдин югуриб бориб Лолага салом бердим ва қўлидан жийдаранг улкан жомадонни олдим.

– Яхшимисан, Эврил? – Лола эски танишидек, яна ҳам тўғрироғи, ўз инисидек юзимдан ўтди. Мени қандай таниганидан ҳам кўра унинг овози, «бўйи» Ойнурникига ўхшашига хайрон бўлдим.

Мунчалар ўхшаш овоз! Мунчалар ўхшаш бўй!

Мен энтиқдим. Ўша самовий овоз! Ўша самовий бўй! Ўзига ишонч руҳи билан суғорилган овоз!

Ойнур ва Лола бир-бирларининг оғушларига сингиб кетишди. Бек ҳамон икки «мўъжиза»га анграйганча қараб турарди. Лола оҳиста қадамлар ила унинг олдига борди ва:

– Чингизхон иним! – дея назокат билан Бекка қўлини чўзди.

Кўклам тонгидай тиниқ, болдай тотли сўздан Бек ҳаяжонланди, ғурур туйди ва анордек қизарди.

Ойнур ва мен «қути»га ўтирдик. Борлиқни ёндираётган қуёшдан эмас, Ойнурнинг ажиб ҳароратидан терга ботдим.

Лола орқа ўриндиққа ўтирди.

Лочин табибнинг уйига ёндик.

Назарбели довонининг қоқ «бели»да Қизилжар (тупроғи сариқ-қизил) ёқасида тўхтадик. Қизиган «Ўрол»ни қолдириб, ўзимиз жар тубига, ўша Қизилбулоққа эндик. Сизикдан тиниқ сув қайнаб чиқяпти. Уч-тўрт қадам қуйига, теграсини турли чечак, ўтлар босган ҳовузга қуйил-

япти. Кўм-кўк чимга ястандик. Ойнурнинг илтимосига биноан мен жомадонни олиб тушдим.

Бу онда Лола атрофни буткул ўраб турган тоғлару Бўғомбир қоя тизмаларига суқланиб боқмоқда эди. Унинг чўзинчоқ ҳам эмас, юмалоқ ҳам эмас, ўрта бичимдаги юзларига чўккан маъюслик кўринмасди шу тобда.

– Бу ерлар бир илоҳийдай туюлади менга, – Лола меҳрга лим миннатдорлик ҳисси билан Ойнурга термиди. – Ҳавоси ҳам ўзгача, тозадан-тоза, шаффоф. Ўз ибтидоий аслини сақлаб келаётгандай гўё. Яна бунда қадим осмон суқунати ҳукмрон.

– Боғдон шуниси билан қадрли ҳам сеҳрли. Лекин бунда бир ўсиш ё бир ўзгаришни кўрмадим. Юртолар¹ Темур хоқон ўлимидан² сўнг бу ерда ҳаёт ҳам, замон ҳам тўхтаб қолгандай. Ўша ҳаммаси бир хил услубда, ўта дидсиз ҳам файзсиз қурилган лойсувоқ кулбалар, ўша ҳўкиз-аравалар, ўша кетмон, омочлар... Улус ҳам онгли очундан узилиб қолган.

– Ойнур, агар иложи бўлса, мен шу қишлоқда бир муддат даволанаман ҳам илмий ишим устида ишлайман.

– Мен билан бирга Учқулоқда яшаганинг маъқул. Боғдонда шароит йўқ. Бошпана, кўрпа-тўшак, емоқ-ичмоқ, свет, ҳаммом масалалари...

Мен гапга суқилдим:

– Бизнинг уйимиз бўм-бўш.

Чингизхон мени қувватлади:

– Мен Лола опамнинг хизматида бўламан. Кўрпа-тўшакми, бозор-ўчарми, емоқми, дараларга саёҳатми... ҳаммасини уддалайман, Ойнур опа.

¹ Юртолар Темур – Жаҳонгир Темур, Улуғ Темур.

² Темур ўлими – 1405 йил.

Ойнурнинг бўёқдан холи¹ дўлана дудоқларига², пардоз-андозни хуш кўрмас³ қуёшранг юзларига табассум ёйилди. Лола ҳам жилмайди. Худди Ойнурдай. Тиниқ. Ё тавба! Мен бу табассумларга қанчалар синчиклаб қарамай, уларнинг бир-биридан фарқини тополмадим.

Мунча нозик ўхшашлик!

Мунча ноёб ўхшашлик!

– Лола хоним, келганингизга бир зум бўлмай йигитларни мендан тортиб олиб қўйяпсиз, – Ойнур ўз гапидан ўзи завқланди, очилиб кулди.

Бизлар (Лола, Бек, мен) ҳам кулдик.

– Маза қилиб ювиниб олмаймизми, азизим?

– Қизалоқ онларимизда бир-биримизга сув сочиб, қийқириб чўмилган онларимизни эсимга соляпсан, Ойнур.

– Қандай бахтиёр дамлар эди-я ўша дамлар!

Бек билан мен юқорига чиқдик.

Ойнур чамаси қирқ дақиқадан сўнг бизларни чақирди:

– Эврил, Бек.

Эндик.

Иккала қиз ҳам оврупча тикилган (бели хипча, ёқасиз, ихчам) атлас кўйлак, атласранг туфли⁴ кийиб олганлари учун уларни бир-биридан ажратолмадик. Ҳатто юзларининг рангларидан ҳам. Чунки Лола шаҳардан келса ҳам, Бодом бўйида, боғ уйларида қуёшда тобланган ва

¹ Ойнур дудоқларига сира бўёқ суртмас эди. Кейинча билсам, Лола ҳам бўёқни суймас экан.

² Дўланадай қалин ва дўланаранг маъносида.

³ У ҳеч қачон пардоз-андоз қилмас эди. Табиийликни суярди. Кейинроқ Лолада ҳам шу хусусиятни кўриб ажабландим.

⁴ Атлас кўйлак, атласранг туфли – Лола буларни Чимкентдан совға сифатида олиб келган.

юзи ҳам Ойнурникидек тандирда сингдириб ёпилган нонга ўхшарди.

Икковининг ҳам тим қора сочлари ёйилиб, гўзал елкаларини қоплаган ва бу «манзара» ҳар қандай кишини ўзига тортарди. Бармоқлари билан тирноқлари ҳам бир хил эдики, бундан одам ҳайратланарди. Шунинг таъсирими, кўққис бошимга бемаъни фикр келди: «Ойнур опам Лола опамга айланиб қолса-я! Ё Лола опам Ойнур опамга...»

Хаёлотимдан ўзим жунжикдим. Бироқ кейин кулдим: «Аҳмоқ бола!». «Қизиқ, – дедим ичимда, – одамга фикрлар қаердан келади ўзи? Осмонданми? Буни, менимча, ҳеч ким билмайди. Жумбоқ. Одамзод пайдо бўлгандан бери бу жумбоқ».

Қизлар хаёлимни тўзғитароқ худди олдиндан келишиб олгандай бир овоздан сўрашди:

– Эврил, топ-чи, қайси биримиз Лола ё Ойнур?

Қизларга ўта синчковлик билан тикилдим. Агарчи Лола Ойнурдек жилмайиб турса ҳам, унинг кўзларининг тўрида, жуда тўрида сезилар-сезилмас мунг изларини илғагандай бўлдим. Шундай эса-да, кўзларимга тўла ишонмадим. Лекин таваккал қилган ҳолда дедим:

– Сиз Лола опамсиз, – унинг қўлини беихтиёр тутдим.

– Зийрак бола, – Ойнур менинг сочларимни тўзғитди ва Лолага юзланиб деди: – Сездингми, Лола, Эврил бизни кўзларимиздан аниқлади.

– Қандай?

– Кўзларимиздаги ифодалардан...

– Шундайми, Эврил?

– Ҳа, Лола опа.

– Қойил.

Қизил булоқдан ҳовуч-ҳовуч сув ичдик. Сўнг енгил рух билан манзилга бордик. Лочин табиб ҳам, унинг қотмадан келган ориқ юзли хотини Нормомо ҳам бизларни иззат-ҳурмат билан кутиб олишди. Шошиб-пишиб сўрига тугилмаган атлас, бахмал кўрпачалар ёзишди.

Бозор-ўчар¹ қилиб олгандик. Яна совғалар²... Бек уларни Нормомога тутқазди. Эр-хотин бундан хижолат чекди.

– Вой, ўлайин, одамни...

– Бўлди-бўлди, Нор, жаврама, – Лочин табиб хотини бўлди. Аммо унинг ўзи ҳам Нормомодек қизил тусга кирди.

Сўрига чиқдик. Эр-хотин қизлардан кўзларини узолмасдилар: «Қайси бири Лола?»

Ойнур Лолани уларга таништирди...

Чингизхон билан мен: «Ҳозир келамиз», – дея узр сўраб қалқдик. Бекнинг уйдан вақтинча яшашга керакли нарсалар (кўрпа-тўшак ва бошқа зарур нарсалар) олдик. Қишлоқдан бир чақиримча юқорида, тепа устида жойлашган бизнинг уйимизга қараб ёндик. Ҳаммаёқни супуриб-сидирдик. Супага гилам, кўрпачалар тўшадик. Ҳовлига яна қайтадан кўллатиб сув сепдик. Кейин (шундай этагимиздаги) сойга эндик. Кийим-кечагимизни яхшилаб қоқиб, сувга шўнғидик.

Қонтус куёш тоғнинг энг юқори чўққисига қўнаётганда Лочин табибникига қайтдик. Бу вақт ичида эмловчи (ҳамшира) вазифасини бажарувчи Нормомо эрининг топшириғига биноан алоҳида хонада Лоланинг баданидаги оқ доғларни синчиклаб кўздан кечирган ва уларга «тимсоҳ»

¹ Бозор-ўчар – ошга масаллиқ ва бошқа ноз-неъматлар.

² Совға – Лочин табибга оқ кўйлак-иштон, Нормомога бир кийим хонатлас...

ёғини суртиб бўлган эди. Яна унга бир қошиқ толқон (эчкиэмар суягидан қуритилган толқон) ҳам ошатганди. Бундан Лоланинг кўнгли айниди. Ўқчиди. Қўсди.

Шунда Лочин табиб унинг кўзига тик боқиб деди:

– Буям балиқ каби Худонинг махлуқи. Хитойлар уни кўзларига суртиб ейдилар. Булар чўчқадан минг марта тоза. Агар сўзимга кирсангиз, ундан жирканманг, қизим. Шунда уч ойнинг ичида доғлардан қутуласиз. Шунда мен ҳам сиздан кам севинмайман! Бу дунёда бир нарса иккинчи бир нарсага сабаб бўлади. Илон оғуси ҳам дардга даво. Ҳар нарсанинг ўз ўрни, сири бор. Тангри уларни бежиз яратмаган.

Лола бир нарсани кўзи билан кўрмагунча ёки бошидан кечирмагунча унга инонмас эди. Лекин ҳозир, не учундир, сабабини ўзи ҳам билмайди, табибга ўйланиб қараб қолди. Шунда Лола унинг маъноли, кулранг кўзларида, тоғча жўн, бироқ пишиқ сўзларида ҳақиқат зоҳирлигини туйгандай бўлди. Туйгандай бўлдию қалби тўрида соғайишга бўлган умид учқуни милтиради ва (эчкиэмардан) жирканиш туйғусини қандайдир даражада ҳайдади.

Турфа ранг узум, қизил олма, карчланган қовун-тарвузларга фарқ терги теграсида Лочин табиб, Нормомо, Ойнур, Лола очилиб ўтирардилар. Бек билан мен ҳам сўрига чиқдик. Қизлар савол назари билан бизга қарашди. Чингизхон Ойнурнинг қулоғига шивирлади:

– Жой тахт, Ойнур опа.

– О, яшанглар! Йиғма каравот ҳам топгандирсизлар?

– Э... шу... – мен нима дейишни билмай дудуқландим.

– Ғам еманг, Ойнур опа, – қисқа жавоб берди Чингизхон.

хон.

Эр-хотин нима ҳақда гап бораётганини унча фаҳмламай қалқишди. Тандир билан ёнма-ён қурилган ўчоқлар сари юришди.

Нормомо ўчоқ супачасига, чиптага¹ барг-барг қилиб кесилган юпқа-юпқа хамирларни милдираб қайнаётган қозонга битта-битталаб ташлади. Табиб иккита гулсиз, оппоқ чинни лаганни қозонга тақиброқ тутди. Нормомо мажнунтол чивикларидан тўқилган чўлпида Боғдоннинг суюмли таоми – кулчатойни ёйиб сузди. Уларнинг ўрталарига ёғловидан данакдай-данакдай катталиқда тўғралган қўй этларини олиб, гумбаз шаклида уйиб қўйди. Тергига келтиришди. Сўнг яна ярим косадан чакки қотилган, кўк пиёз сепилган шўрва ҳам олиб келишди.

Иштаҳа билан еб-ичдик.

Тоғлардан (ўтлоқлардан) мол-ҳоллар қайтмоқда. Қишлоқни қўй, эчки, сигирларнинг маърашларию мўърашлари тутди. Кўкка чанг-тўзон кўтарилди. Биз қалқдик. Боғдонликлар мулозаматни унча суймайдилар. Аммо уй эгалари:

– Уй-жойимиз кенг, кўнглимиз ҳам, ётиб қолинглар, – дейишди.

Қизлар эр-хотинга қайта-қайта раҳматлар айтдилар. Нормомо:

– Лола хоним бизникида ётиб даволанади, – деб туриб олди.

Лочин табиб:

– Булар эркин қушлар, Нор, – деди, – қўй, уларнинг эрқларини бўғма. Эврилларнинг уйи бўш, ҳар куни Лолахон билан кўришиб турамиз. Орамиз бир қадам. Дам олиш кунлари Ойнур хоним ҳам бизни унутиб қўймайди.

У кулиб Ойнурга юзланди.

– Ҳа, албатта, амаки, – тотли жилмайди Ойнур.

¹ Чипта – нон сават. Боғдон шеvasида чипта дейилади.

Ойнур, Лола ва мен сой ёқалаб кетган иланг-биланг сўқмоқдан бизнинг уйга йўналдик. Чингизхон «Ўрол»да қишлоқни, сўнг қабристонни кесиб ўтгувчи йўлга тушди. Тун ерни унсиз босиб келмоқда ва ёруғликни унсиз ютмоқда. Унга салқин эпкин йўлдош.

Лола ихтиёрсиз бир тарзда табибнинг сўзини бизга эслатди: «Мен сиздан кам суюнмайман...»

– Ҳа, Лола опа, у шундай киши: кимни даволаса, бундан ўзи ҳам севинади. Ҳатто даволанган одамдан ҳам ортиқ севинади.

– Самимий кишига ўхшайди.

– Уни туғма шундай дейишади. Миннат, тама табибга ёт. Шунга тоғликлар уни ёқтирадилар. Онамнинг айтишича, Лочин оға табибликни тирикчилик ё ҳавас учун қилмайди. Балки савоб учун қилади. Яна, Лола опа, сизга эриш туюлса ҳам, айтай: менимча, у бундан роҳат олади. Айни шу роҳатланиш уни бу ишга ундаган. Ундаганда ҳам юраги билан ундаган.

– Фақат шу учунми?

– Кўнглим шундай дейди, Лола опа.

Ойнур мени қувватлади:

– Ҳаётда шундай кишилар ҳам бор, Лола, мен бунга ишонаман. Адашмасам, Қошғарли Маҳмуднинг бу ҳақда сўзи бор. Мен уни отамдан эшитганман. Агар эсимдан чиқмаган бўлса, у қуйидагича: «Чин эр кишиларга чин кўнглидан кўмаклашади. Қувонч бахш этади. Бундан унинг ўзи улардан ортиқ суюнади, бироқ сийлов кутмайди».

– Ишонаман, бироқ тирикчилик масаласи...

– Чўққали сойдами, Елтегмасдами, йўқ-йўқ, Овлоқбулоқда экан, Лочин оғанинг узумзори, қисман ёнғоқзори бор, тирикчилиги шундан. Ўғил-қизлари ўша ёқда. Ўзига

яраша мол-ҳоли ҳам бор дейишади. Эшитишимча, тоғ тўрида, Саватли дарасида йилқилар ичида бир-икки байтали ҳам бор эмиш.

Гап узилди. Сойнинг тор ерига ўрнатилган, йўнилмаган, ғадир-будир, узун, йўғон оғоч устидан юриб қўшни қирғоққа ўтдик. Ёнғоқзор оралаб кетган сўқмоққа чикдик. Лола:

– Қандай оромбахш ерлар-а! – деди энтикиб ва сўнг чала қолган гапни улади. – Сен ҳақсан, Ойнур, меҳрибоним, ўзгалар учун ўзидан кечиш туйғуси қонимизда бор. Бундан икки минг йиллар¹ ўнжа² Ер юзида энг улуғ давлат³ тузган Ўғузхоннинг⁴ мана бу сўзлари шундан дарак беради:

«Менинг ҳар бир черигим: «Юртим учун!» – деб урушга киради. Агар савашда қай бири иложсиз қолса: «Элим учун!» – деб ўлади. Буни Хун:

Ўз Юрти учун ўзидан кечиш дейди.

Ўз Эли учун ўзидан кечиш дейди.

Менинг ҳар бир черигим ўзидан кечиб ёв билан савашгани учун:

Чин-Мочинни олдик биз!⁵

Етти иқлимни олдик биз!⁶

¹ Милоддан аввалги III – II асрлар.

² Ўнжа – олдин.

³ Улуғ давлат – Буюк Империя. Милоддан аввалги 200 йиллар.

⁴ Ўғузхон – Матэ Туман, уни кечмишда Ботир Тангрикут деб ҳам аташган. У дунёда куч-қудратда тенгсиз, улуғ давлат тузган.

⁵ Чин-Мочин – Хитой – Хан империяси. Милоддан аввалги тахминан 199 йилда Ўғузхон билан Хан императори Лийибонг ўртасида қақшатқич уруш кечади. Ўғузхон унинг ўзидан кўп баравар қўшинини янчиб ташлайди. Лийибонг беҳисоб олтин, қимматбаҳо, ноёб нарсалар, шунингдек, ҳали 17 ёшга тўлмаган қизи Нингни Ўғузхонга хотинликка беришга мажбур бўлади. У шу йўл билан муқаррар ўлимдан қутулиб қолади. Хан империяси Хун давлатига юз йилга яқин ўлпон тўлайди.

⁶ Етти иқлимни олдик биз – Ўғузхон ўнлаб мамлакатни ишғол этади ва Ер юзида энг буюк, энг қудратли давлатга асос солади.

Ўзидан кечиш туйғусини бизга Тангри берган.

Энг оғир дамда Хун ўзини хавфга қўйиб бўлса ҳам

Йўлдошини қутқазиб қолади.

Шунинг учун бизни Тангри сийлайди.

Шунинг учун биз Енгилмас Элмиз!»

Мен Хун Эли ва Ўғузхон ҳақида олдин эшитмагандим.

Бундан:

Беқиёс фахр туйдим.

Беқиёс ғурур туйдим.

Юрагим гупиллаб ура бошлади.

Қоним тез айлана бошлади.

Мен буни ҳис этарканман, ўзим сезмаган ҳолда нидо қилдим:

«Буюк Хун Империяси!»

«Буюк Хоқон Ўғузхон!»

«Менинг улуғ аждодларим!»

Қизлар менга ажабланиш аралаш кулиб боқишди. Мен уларга қарамасам ҳам, буни сездим. Бироқ ўз ҳолатимдан хижолат чекмадим. Бошимда Ўғузхон сўзи чарх урароқ бунга имкон бермади:

«Чин-Мочинни олдик биз!»

«Етти иқлимни олдик биз!»

– Лочин оға қўпдан табиблик қиладими, Эврил?

Менинг ифтихору армонга ғарқ хаёлим бўлинди. Унга боқмай, паст овозда жавоб қайтардим:

– Мен туғилмасимдан олдин.

– Анча тажрибага эга экан.

– Ҳа, Лола опа, шундай. Унинг табиб бўлиши сабаби кишини ўйлантириб қўяди.

– Нимага?

– Ҳам ҳайратга солади.

– Қизик, айтгин.

Кўздан буён миямда «яшаётган» бу фикрни қизларга айтиш-айтмасликни билмай иккиланиб қолдим. Айтсам, «нодон бола» деб кулишлари мумкин. Чунки илмим йўқлиги учун фикримни «тўғри» дейишга ўзим ҳам ботинмасдим.

– Одамнинг ичини қиздирмай айта қол, Эврил, – қис-тади Ойнур.

«Ўйлантириб қўяди», «Ҳайратга солади» деган сўзларимга пушаймон едим. Аммо энди уни изоҳлашдан бошқа чорам қолмаганини туйдим ва ноилож ёрилдим.

29

– Лочин табиб ўлиб-тирилмаганда, балки, бу фикр миямга келмасди. Бир нарса иккинчи бир нарсанинг очилишига туртки – сабаб бўлади. Буни мен тўртинчи синфда ўқиб юрганымда, яъни табиб воқеасини эшитганимдан сўнг сездим.

«Еру осмон таг-туғига етиб бўлмас сирлар қуршовида, – деб ўйладим ўшанда, – одам-ку одам, ҳар бир зарра кўзга кўринмас тизгинда, кўзга кўринмас кузатувда. Бор жонли, жонсиз мавжудот «айлана чизиқ» бўйлаб ҳаракатда. Ҳеч бир нарса «айлана чизиқ»дан бошқа чизиққа ўтолмайди ҳам эътиборсиз қолмайди. Ҳатто бир зум ҳам».

– Менимча ҳам шундай, – деди Ойнур.

– Менимча ҳам, – маъқуллади Лола.

– Лочин табиб ҳам ана шу «кузатув», ана шу «тизгин»да бўлган. Буни мен мана бу «турткилар»дан уқдим.

Лочин Овлоқбулоқда, боғида ишлаб, чарчаб, сой устига қўйилган сўрисида ухлаб қолади. Унинг тушига (бир ойча олдин бўғма илон бўғиб ўлдирган) онаси Ойчучук момо киради. У ғамгин бир алпозда ўғлига яқин келади.

Тўхтайти. Унинг енглари узун, кенг чит кўйлаги бирдан қора тусга киради. Ўзи ҳам қораяди. Шунда кўкқис Лочин онасининг бўйнига тилини буланглатиб чирмашаётган бўлма илонни кўради. Жон ҳолатда чинқиради:

– Онажон!!!

Илон Ойчучук момонинг томоғига ниш уриб қочади. Қочаркан, қоп-қора қанот чиқаради ва сўнгсиз бўшлиқни қоплаган сўнгсиз қоронғиликка шўнғийди. Ойчучук момо инграб зорланади:

– Лочин, ўғлим, айтганимга қарамай, сен отангининг изидан бормадинг-а?

Ойчучук момо йиқилади. Лочин уни кучоқлаб олиб хўнг-хўнг йиғлайди:

– Онажоним! Меҳрибоним!

Ойчучук момо зўрға кўзини очади. Гапиролмайди. Фақат куриб қолган дудоқлари бир неча марта очилиб-юмилади. Бундан Лочин ўзича ушбу ўкинчга қотилган армонли сўзларни уқади: «Отанг раҳматли тирик бўлганда, мени кутқариб қолармиди, Лочин ўғлим».

Лочин онасининг сўзу нигоҳларидан «Сен отангдек табиб бўлганингда, мени ўлимдан олиб қолардинг-а, ўғлим?» деган армон борлигини туяди.

«Омон бўл, ўғлим!»

Ойчучук момонинг ёш тўла кўзлари юмилади.

У абадий уйқуга кетади.

«Онажоним!» – дея Лочин хўнграб йиғлайди ва товушидан ўзи уйғониб кетади.

– Лочин оғанинг отаси ҳам табиб бўлганми, Эврил?

– Ҳа, Лола опа, бобоси ҳам табиб ўтганлар.

– Қонида бор экан-да?

– Бироқ у (боши тошга қаттиқ тегмагунча) ота йўлидан бормайди. Унинг меҳрини узумзори, ёнғоқзори кўпроқ тортади. Онасининг ўғитига амал қилмоқчи бўлса

хам, бу меҳр уни ўзига кўпроқ тортади. Ойнур опа, сиз ҳам ўзингизни ўз ишингизсиз тасаввур қилолмайсиз-ку. У ҳам шундай бўлган-да ўшанда. Лекин кейин...

Мен олис замонлар ўнжа кечган воқеа, яъни онаму кексалардан эшитганим тафсилотини миямга жамлаш учун бир лаҳза тин олдим. Сўнг сўзимда давом этдим:

– Лочин оға бировларнинг яхши-ёмон гапларидан узоқда, боғида эртадан-кечгача терга ботиб ишлайди. Шомга бориб тошдек қотиб қолади. Бир куни туш пайтида, куёш борлиқни аёвсиз қиздираётган паллада ўзини лоҳас ҳам ҳорғин сезади. Юраги бежо уради. Пича дам олиш учун ўша сўрига чиқади. Ёстикқа беҳол бош қўяди. Овлоқ тоғлар ораси, кимсасиз маскан эмасми, ўлик сукунат ҳукмрон. Бироқ қулоғига одам боласига ёт, бўғиқ, ёввойи, қудратли товуш эшитилади. Кўзини энди юмган эди, шошиб, кўрқиб очади. Шунда сўри ёнида қип-яланғоч ҳолда тик турган, ҳаммаёғини жун босган одамсимон махлуқни кўриб даҳшатга тушади. Кўмак истаб бақирмоқчи бўлади. Лекин оғзи мумиёлангандай овози чиқмайди. Ичида онасидан эшитган калимани келтиради: *«Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм, Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»*.

Махлуққа таъсир этмайди. Унинг қош, киприксиз кўзлари ўтдек ёнади, аждарҳоникидек катта оғзидан нафаси олов бўлиб чиқади. Лочин оға иштонини хўллаб, титрайди. Махлуқ даҳшат солиб ўшқиради:

– Парилар чўмилувчи йўлни тўсма!

Махлуқ сўрини ўрликка, ертўла томонга улоқтиради. Ё тавба! У ўн тўққизинчи асрда Лочин оғанинг бобоси (Арслон) эккан қайрағоч остига, эски жойига бориб тушади. Бургут бобо (Лочин оғанинг отаси) бу сўрини тут оғочидан ясаган ва шу улкан қайрағоч остига ўрнатган эди.

Сўрининг бир ери ҳам синмайди. Лекин Лочин оға юлдузлардан ном-нишон йўқ бўшлиққа учади.

Оқиш бўшлиққа!

Юқоридан пастга учади.

Эркин учади.

Осуда учади.

Ер йўқ.

Бир жон йўқ.

Бўшлиқ, бўшлиқ. Адоқсиз бўшлиқ.

Лочин: «Шу пайтгача билмабман-а, дунё дегани тубсиз бўшлиқ экан-а!» – деб ўйлайди.

Шимолга учади.

Жанубга учади.

Вақт ўлчовлари:

Ой йўқ.

Қуёш йўқ.

Неча замон учади.

Билмайди.

Сукунат.

Қабр сукунатида ҳам оғир сукунат.

Ёзуқлари эсига тушади:

«Нега гуноҳ қилдим?» – деб ўқинади.

Онасининг ўгити эсига тушади:

«Нега амал қилмадим?» – деб ўқинади.

Ё тавба!

Ё тавба!

Ғойибдан бир овоз келади.

Одамзод овозига ўхшамас, оддий, содда, тиниқ овоз келади:

«Савоб қил...»

«Амал қил...»

«Қулоғимга шундай чалингандир», – деб ўйлайди.

«Менга шундай туюлгандир», – деб ўйлайди.

Ё тавба!

Ё тавба!

Шу он осмонни тилка-пора этароқ момақалди роқ ўкиради.

Давомли ўкиради.

Ғазабли ўкиради.

Бундай гулдуракни умрида эшитмаган.

Дўл ёғади.

Ёнғоқдек-ёнғоқдек дўл ёғади.

Бундай дўлни умрида кўрмаган.

Қочади.

Қаерга?

Бир пана ер йўқ.

Бўшлиқ.

Таг-тугсиз бўшлиқ.

Дўлдан танаси ғалвир бўлади.

Боши пачақ бўлади.

Қонга ботади.

Тангрига илтижо қилди:

«Ёрдам бер, Яратган Эгам!»

«Ёрдам бер, Яратган Эгам!»

«Ёрдам бер, Яратган Эгам!»

Ё тавба!

Ё тавба!

Шу дам қиёмат-қойим қўпади:

Момақалди роқ олдингиларига нисбатан минг-минг чандон қаттиқ гулдурайди.

Осмон қасир-қусур синади.

Унинг:

Ўтакаси ёрилади.

Юраги ёрилади.

Инсоний чинқириққа ёт, алақандоқ ёввойи махлуқдек бўкирароқ, аниқроғи, қаншаридан ўқ еган қоплондек бўкирароқ кўкка сапчийди.

Ё тавба!

Ё тавба!

Шунда унинг боши тош қиррасига¹ урилади.

Оғриқданми ё одамзод билмас қандоқдир сирли куч таъсиридами, кўзи очилиб кетади.

Ўзини зулматда кўради. Жон ҳолатда юқорига талпинади. Аммо боши билан кўллари чағир тош аралаш тупроққа урилади. Қонга беланади. Шунда Лочин оға ўзининг кафанга ўралган ҳолда гўрда ётганини сезади.

Даҳшатга тушади.

Чинқиради.

Тинмай чинқиради...

Боя мен «Қабристонни кесиб ўтган йўл»² деб айтгандим. Тун чуқаётганда Ўнар³ отли ёлғиз йўловчи гўр қабридан келаётган аянчли чинқирикни эшитади. «Ажина!» – деб ўйлайди. Кўрққанидан шайтонлаб қолади. Қочади. Тошга қоқилиб юзтубан йиқилади. Унинг юз-кўллари шилинади. Сапчиб туради. Қочади. Яна юзтубан йиқилади. Яна шилинади. «Ҳозир мени ажина бўғиб ўлдиради!» деган сўз миясини қиличдек тилкалаб ўтади. Жон ҳолатда қалқади. Қочишга тутинади. Шу чоғ унинг орқасида хаяжонга ғарқ овозлар портлайди:

«Тўхта!»

«Қочма!»

«Кўрқма!»

Ўнар ўлар даражада кўрқади.

Зўр таҳликага тушади.

¹ Тош қирраси – Боғдонда қабристон тошлоқ тоғ ёнбағрига жойлашган. Гўр қазиш ниҳоятда оғир кечади.

² Қабристонни кесиб ўтган йўл – бу йўл ҳозир ҳам турибди. Фақат у қабристонни ободонлаштириш масаласи кўтарилганда (40 йиллар олдин) ёпилган.

³ Ўнар – оғзи қийшайиб қолган (...қийшиқ) кимсанинг исмини ўзгартирдим. Ўнар – ясама исм.

Шунга:

Оёқлари ўзига бўйсунмай қолади.

Оғзи қийшайиб қолади.

Сўл кўзи ғилай бўлиб қолади.

Додлаб қулайди.

Шимини булғайди.

Орқадан етиб келган уч кишидан¹ бири қишлоққа чопади. Воқеани Саттор сўфига² айтади. Саттор сўфи бир тўп одам билан (кетмон, белкураклар олган, машғалалар ёққан ҳолда) қабристонга йўл олишади. Лочин оғани гўрдан қутқазишади. Ўнарни туман касалхонасига элтишади.

Кейин кутилмаганда... «Қизларни зериктириб қўйдимми?» деган савол кўнглимга келди. Шу андишада гапимдан таққа тўхтадим ва дедим:

– Чўзиб юбордим, узр.

– Аксинча, – деди Лола лоладай очилиб, – жуда қизиқ, давом эт, Эврил, давом эт, иним.

– Хижолат чекма, Эврил, сўзла, ғайриоддий воқеа, ғалати...

– Кейин... Шундан кейин Лочин оға бошидан кечирганлари устида қайта-қайта ўйга толади, уларни қайта-қайта мулоҳаза қилади, қайта-қайта фикр элагидан ўтказди.

Яна Аҳмат оқсоқол, Оқилбек бахши, Саттор сўфилар билан кенгашади.

Сўнг табибликни касб этади.

– Ўнарнинг тақдири нима бўлади?

– Кўзи тузалади, Лола опа, оғзи тузалмайди. Ҳамма уни «Жин чалган» деб юради ва «Ўнар қийшиқ» деб

¹ Уч киши – отлари хотирамдан ўчган.

² Саттор сўфи – оппоқ соқолли, беозор, камсуқум чол эди. Боғдонда азонни шу киши айтар эди.

атайди. Фақат Лочин табиб: «Асаб томирлари лат еган», – дейди.

– Сенга, Эврил, бу воқеа ёд бўлиб кетган, шекилли, уни бизга шеърдай айтиб бердинг.

– Шундай десам ҳам бўлади, Ойнур опа. Мен эшитганларимни ўзимча «сиқиб-сиқиб, суви»ни чиқариб, «қолип»га солганман. Йўқса, у бир қисса бўлади. Чунки уни ҳар ким ҳар хил талқин этади. Ўзидан қўшиб-чатиб ҳикоя қилганлар ҳам бор. Аммо моҳият дегани бир хил.

– Бу воқеа таъсирида, Ойнур, Кантнинг ушбу сўзи эсимга келади: «Изтироб чекмаганлар ҳаёт сирларини тўлалигича тушуна олмайдилар». Энди билдим, Ойнур, Лочин оға бежиз табиб бўлмаган экан. Лочин табибда бир хислат бор. Унинг кечинмалари – бунинг исботи. Ҳу, боя, сўрида Лочин табибнинг сўзларидан сўнг менда ишонч учқунлари пайдо бўлувди. Энди бу учқунлар аланга олаётгандай. Мен соғайишни ҳис этаётгандайман, Ойнур.

– Яқинда ҳеч нарсани кўрмагандек бўлиб кетасан, Лола.

Ойнурнинг ишонч руҳи билан суғорилган сўзидан Лоланинг ёноқлари лоладай ёнди.

– Тилингга бол, азизим! – у Ойнурнинг ўзига ўхшаш қизғиш нурлар билан тўйинган қўнғироқгулранг юзига куйдиргувчи дудоқларини босди. Кейин мендан сўради:

– Сенам ишонасанми, Эврил?

– Юз фоиз, Лола опа.

Лола мени ўтли бағрига босди, манглаймдан ўпди. Унданам Ойнурникидек бўйу ҳароратни туйдим.

Қандоқ лазиз ўхшашлик!

Одамни ўзига сеҳрловчи ўхшашлик!

Ойнурни билмадим-у, мен Лолага «юз фоиз» десам ҳам, бу сўзимга ўзим унча ишонмадим. Зотан, бунга Ой-

нур ё менинг эмас, Лоланинг ишончи муҳим. Шу ишонч уни соғайтиради. Ойнур билан мен уни руҳан қўлаймиз. Бу Лолага таянч бўлади. Мен шундай фикрдаман. Фаҳмимча, Ойнур ҳам.

30

Сўқоқ сув тегирмонига келиб тақалди. Биз беихтиёр тўхтадик. Тегирмоннинг сирли, мунгли, ҳорғин ғир-ғирлари чакалакнинг (сойнинг сўл томонида) бўғиқ гувуллашларига қотилароқ сукунатни бузмоқда ва ўзлари ҳам зулматга қорилиб бормоқда.

– Эврил, бу ер менга қўрқинчли кўриняпти, – Ойнур ўнг қўлимдан тутди, – шитир-шитирларни эшитяпсанми?

– Ҳа, ўзи тунда бу ерда ҳамиша шундай. Шамолда ўтлар чайқалади, шитирлайди. Тулкилар ҳам кезади...

– Мени ҳам ваҳм босяпти. Анави қоронғилиқдан, – Лола чакалакка ишора қилди, – худди иблислар чиқиб келишаётгандай.

– Тегирмон остида ҳам жодугар юргандай, – ваҳима қилди Ойнур. – Ҳар тарафимизда қандайдир шарпалар изғиб юрганга ўхшаяпти.

Шу он кутилмаганда уй билан тегирмон ва сойни боғловчи тик, тор сўқмоқдан Чингизхон чопиб энди. Гўё зулматдан учиб чиқди ва ўзига хос мардона овозда:

– Шаҳарликларга шундай туюлади-да, – деди. Сўнг ғилофдан пўлат ханжарни чиқараркан, кўшимча қилди. – Бу ерда ҳамма махлуқ мендан кўрқади.

Қизлар бу соддадил, ботир боланинг самимий мақтанишидан яйраб кулишди. Аслида, Бек мақтаниш учун эмас, қизларни хотиржам қилиш учун айтганди. Мен бунини илғадим. Яна шуни туйдимки, қизлар Бекдаги ғай-

ритабий куч, ғайритабий шижоатни ҳали фан ўрганмаган сезги билан сездилар. Мен бундан қувондим.

Чингизхон, мени қувватлаш учунми, тагин гап тизгини тутди:

– Эврил менинг яқин дўстим ҳам узоқроқ қариндошим бўлгани учун сизлар «кўрқинчли» деб ўйлаётганингиз бу қутлуғ ерлар менга азиз. Ҳозир «Эркисиз замон» деб аталаётган у эски замонда бу чакалакзор, ёнғоқзор, олмазор, ўрикзор, тутзор...лар ҳамда ўнлаб ботмон экинзорлар Эврилнинг ота-боболарининг мулки бўлган. Мана бу тегирмон ҳам. Уни Эврилнинг улуғ отаси Аҳмат Оқсоқол тошдан қурган. Ҳозир «Хур замон» деб аталаётган бу замонда бу мулклар совет ҳукуматиники. «Киров» совхозиники...

Қизлар бир сўз демадилар. Орага ноқулай жимлик чўкди. Чингизхон ҳазиломуз оҳангда гап йўналишини бурди:

– Кўряпсизларми, хув юксақда икки юлдуз ёнма-ён порлаб турибди, – у уй ёққа ханжарини нуқди.

– Юлдуз эмас, шекилли, – ишонқирамади Лола.

– Фонусларми, Бек? – сўради Ойнур.

– Ҳа, фонуслар, Ойнур опа.

31

Тик сўқмоқдан ҳаллослаб юқорига – уйга ўрладик. Супага шолча тўшалган. Ўртада ғариб хонтахта. Супа четига иккита йиғма каравот қўйилган. Ўчоқда ўт тутяпти. Булар тут оғочи шохига илинган фонусларнинг хира ёғдусида хира кўринмоқда.

Шундай бошимиз устида ғуж-ғуж юлдузлар сайр қилмоқда.

Тиниқ юлдузлар.

Ёрқин юлдузлар.

Одамзодга сирли юлдузлар.

Шамолда япроқлар шитирлайди.

Гўё кўзга кўринмас қўл тебратаётгандек.

Шох-шаббалар, фонуслар тебранади. Дев-дев қўланкалар худди алвастилардек одам кўнглига кўрқув солиб, лопиллаб ўйнайди.

Қизлар жунжикадилар. Буни сезган Чингизхон «Ўрол» қутисидан кичик «бўғча» ва Лоланинг улкан жомадони олиб келди. Тугунчадан иккита чойшаб олди ва уларни қизларнинг елкаларига ташлади. Қизлар раҳмат айтишди.

– Мен ҳозир чой дамлаб келаман, Ойнур опа, – Бектемир ўчоқ сари йўналди.

– Ҳаво анча салқин, Бек, қаҳва ича қолайлик, – Лола Ойнур ўрнига жавоб қайтарди.

Шу кеча Бек ва мен умримизда илк дафъа бир пиёладан қаҳва ичдик. Бундан ўзимизни киборлардек ҳис этдик. Севиндик. Қизларнинг ҳам руҳияти кўтарилди. Қаҳва таъсирида ҳаммамиз қизидик.

Лола чаман-чаман юлдузларга

Сукланиб боқди.

Энтикиб боқди.

Ҳайратланиб боқди.

Сўнг беқиёс ҳаяжон билан сўзлади:

– Биргина бизнинг галактикамизда юз миллиард юлдуз бор, Ойнур!

Юз миллиард!

Ақл бовар қилмайди.

Бу юлдузлар тақрибан ўн беш миллиард йилдан бери оламга нур сочиб турибди.

Ўн беш миллиард йил!

Ҳар бир юлдуз еримиздан миллион-миллион марта катта ва юз миллионлаб чақирим узоқда сузаяпти.

Лекин, қара, Ойнур, бу юлдузлар шундай бошимизда порлаяпти.

Мунчалар яқин!

Мен ҳеч ерда юлдузларни бундай яқин кўрмаганман. Ҳеч ерда, Ойнур. Қандай гўзал, қандай бетакрор манзара! Сезяпсанми, қалбим қанчалар яйраяпти.

Қанчалар лаззат оляпти!

Ойнур қариндошининг болаларча севинганидан бениҳоя қувонди. Бек билан мен ҳам.

Шу сония хаёлимдан ушбу сўзлар кечди: «Юраги тоза одамгина табиатдан шундай таъсирланади, шундай завқланади».

Лоланинг эсига бир нима тушдими, юз-кўзларида қандайдир бесаранжом, аммо мардона ифодалар кеза бошлади. У ўйланиб қолди. Афтидан, кўнглига келган гапни айтиш, айтмаслик устида бош қотирарди. Лаҳзалар кечди. Ёрилди:

– Бу айланувчан очун, Эврил.

Лола нима учун менинг отимни айтиб сўз очди? Ҳайрон бўлдим.

– Ҳа, бу айланувчан очун, – такрорлади у. – Мана шу юлдузлар, сайёралар, Ой, Қуёш, умуман, бутун осмон жисмлари Тангри қонунияти асосида айланади.

Ўзгармай айланади.

Ер ҳам шундай.

Бироқ... бироқ... Ер устида одам тузган салтанатлар, тўқиган қонулар, фирқалар, оқимлар, динлар ўзгариб айланади.

Ҳатто миллатлар ҳам...

Бир-бирини инкор қилиб айланади.

Бир-бирини булғаб айланади.

Бир-бирини янчиб айланади.

Бир-бирини алдаб айланади.

Бир-бирини еб айланади...

Қани Искандар ва ёки Чингизхон салтанатлари?

Қани бутпараст ва ёки ўтпараст динлари?

Ҳеч бир империя, партия абадиймас.

Вақтинча...

Бунга тарих шоҳид.

Дарёни тўсиш мумкин.

Вақтинча.

Сўнг яна оқади.

Тўсиқларни бузиб оқади.

Тангри қонунияти асосида:

Ўз ўзанида оқади.

Лола фикрини тўсмага¹ ўраб-чирмаб баён этса ҳам, уни уқдим. Бекнинг тегирмон олдидаги гапига жавоб эди бу.

– Сенга совғам бор, Эврил, – Лола жомадонини очди. Ундан академик Лев Гумилёвнинг рус тилида ёзилган «Хунлар», «Оқ хунлар», «Турк хоқонликлари», «Кўк турклар» китобларини олди ва менга узатди. – Бек билан бирга ўқинглар. Буларда миллатимиз кечмиши битилган.

Бир кўза олтин топган кимса мисол қувондим:

– Раҳмат, Лола опа!

Бек ҳам севинчга лим-лим овозда миннатдорлик билдирди.

– Бу китоблар ички дунёларингизда тўнтариш ясайди деб ўйлайман, – деди жиддий оҳангда Ойнур. – Кечмишимиз нечоғлик улуғлигини билиб оласизлар. Сизларда сохта ғояларга қарши беқийёс нафрат уйғонади.

Ойнур хиёл тин олди. Сўнг қўшимча қилди:

¹ Тўсма – парда.

– Лоладан ҳам кўп нарса ўрганасизлар.

Бек иккимиз китобга ҳавадай ташна эдик. Баъзан юмушлардан қочардик, оғоч шохлари, бутоқ оралари ва ёки қабристон хилватгоҳларида, хусусан, Ўғиртош¹ кавакларида китоб ўқирдик.

Бек Ўғузхондек буюк инсон бўлишни орзу қиларди. Темур хоқон салтанати тикланиши тўғрисида ўйларди. Чингизхонни ҳавас этарди. Лекин мен каби дард, алам, мақсадларини (тўсмага ўраб) қоғозга тўкмасди. Ҳеч бир кас ёки ҳайвондан чўчимайдиган Бек, чамаси, замондан кўрқарди. Менимча, қамокдан кўпроқ. Кўрқишини яширарди. Унинг энг мўрт жойи ҳам шунда эди. Истеъдод туғёнлари ичида қайнаб, ичида сўнарди. Балки, бу ўт-кинчи ҳолдир. Балки, янглишаётгандирман. Бу нисбий фикрим, албатта.

Лола Ўғузхон (Матэ – Ботир Тангрикут) ҳақида узоқ сўзлади. У ўгай онасидан жабр кўргани, туман Тангрикут (отаси) уни (хотинининг гапига кириб) Улуғ Ёвчилар Юрти ҳукмдорига гаров сифатида бергани, Матэ у ердан Буюк Сахро (Тангрикум) орқали қочгани ва Туманбалиққа (Хун давлати бошкенти) зўрға етиб келгани тўғрисида сўзлади. Сўзлаганда ҳам ачиниш аралаш ҳаяжон билан сўзлади.

Нафасини ростлаш учун бир дақиқа тин олди. Биз (Бек ва мен) бўронли қисса давомини эшитишни орзиқиб кутдик. Лола чумома гулли, оқ, нафис рўмолчаси билан қуёшранг дудоқларини оҳиста-оҳиста артди, сўнг фахр туйғусига тўла овозда яна гап тизгинини тутди:

¹ Ўғиртош – ҳеч ким билмас қайси бир замонларда осмондан қабристон адоғига тушган (метеор) бу ҳайбатли тошнинг усти ва ёнларида ўғирлар, ўғирчалар бор. Болалик онларимизда одамлар буларда маккажўхори, буғдой, олмақоқи, тутқоқилар янчардилар. Мен Боғдонга борган пайтларимда бу қора тошни зиёрат қиламан.

Ота-ўғил ўртасида кечган жангда (милоддан аввалги 210 йил) Ботир Тангрикутнинг кўли баланд келгани, шундан кейин у ўнлаб мамлакатларни, жумладан, Хитойни ҳам бўйсундиргани, Марказлашган Буюк Хун Салтанатига (империясига) асос солгани, Бойкўлдан (Байкал) Улуғ Денгиз (Тинч океани)гача Ер унинг қамровида бўлгани, бу чексиз ҳудудда бўри сурати акс эттирилган туғ ҳилпираб тургани, қарам давлатлар юз йиллар мобайнида унга ўлпон тўлагани, у (Ўғузхон) 36 йил (210 – 174) салтанатни бошқаргани хусусида гапирди.

Лола Ўғузхоннинг ўлимини ички бир дард билан ҳикоя қилганда Бекнинг кўзига ёш қалқди. Менинг юрагим эзилди. Ихтиёрсиз одам уруғига номаълум куч, янглишмасам, қандайдир «Осмоний ундов»да Ойнурга қарадим. Шунда унинг мунгли кўзларидан «Ўғузхондек беқиёс даҳо бизда яна туғиладими?» деган саволни ўқидим.

Лола бу ифодани илғадими, йўқми, билмадим. Лекин худди илғагандай деди:

– Бизнинг қонимизда бор: даҳолар, доҳийлар туғилади:

Чингизхон,

Салжук,

Ғазнавий,

Темур,

Бобур...

Илмда ҳам шундай:

Хоразмий,

Беруний,

Форобий,

Ибн Сино,

Улуғбек...

Лола Ўғузхоннинг ўғли Кунхон (Кун – Қуёш) тўғрисида энди оғиз очганди, бўрилар увлаб қолди. Лола сескандими, хавотирланиб мендан сўради:

– Яқин атрофда сизларникидан бошқа уй ҳам йўқ, шекилли, Эврил?

– Йўқ, Лола опа, қишлоқ биздан анча узоқда. Онамнинг айтишича, бобом Аҳмат Оқсоқол шу овлоқни яхши кўраркан.

– Бўрилар...

– Кўрқманг, Лола опа, – Бек унинг сўзини бўлди, – бўрилар ёруғликка йўлашмайди. Бунинг устига, Чингизхондан ҳам ўлгудай кўрқишади.

– Чингизхоннинг «ҳиди»ни сезишса қочишади, – ҳазиломуз оҳангда дўстимни қувватладим. – «Чингизхон бизни еб қўяди» деб тирақайлаб қочишади.

Қизлар гулдек очилиб кулишди.

– Лола узоқ йўлдан ҳориб келган, болалар, энди ухлаймиз, – Ойнур оғзини кафтлари билан тўсиб, ҳомуза тортди.

Қизлар супа ўртасида йиғма каравотларда ётдилар. Бек ва мен супанинг икки томонига – шолча устига тўшалган кўрпалар орасига шўнғидик. Тошдек қотибмиз. Қуёш супани қиздираётганда уйғондик. Сойда яйраб ювиндик. Шундагина чинордек улкан, киши белидек йўғон-йўғон шохлари атрофни тутган ёнғоқ остида ўтирган Нормомога кўзимиз тушди. Уни куттириб қўйганимизга хижолат чекдик. Лола ундан узр сўради.

Ойнурнинг таклифи билан шу ёнғоқ¹ остига жой қилдик. Бек ва мен тош ўчоқ ясаб, чой қайнатдик. Бунгача Нормомо Лолани (бизнинг уйда) эмлади. Сойга қайтиб энишгач, Нормомо тугунчасидан тўртта нон ва

¹ Ёнғоқ – бу улкан ёнғоқ ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ҳам кўзларни қувонтириб турарди. Ҳар йили олтмиш-етмиш қоп ёнғоқ берарди. Абдураим қассоб (амаки бобом) унинг остида туя, от, хўкиз, қўй, эчкилар сўярди. Онамнинг айтишича, уни Аҳмат Оқсоқолнинг бобосининг бобоси Арслон бобом эккан.

бир банка қаймоқ олиб, тергига қўйди. Бундан қизлар қизардилар.

– Одамни...

– Ош бўлсин, болаларим, – Нормомо Лолани сўзлашга қўймади ва очиқ юз билан бизларни тергига ундади.

32

Нонуштадан кейин Ойнурнинг топшириғи билан биз (Бек ва мен) туман марказидаги бозордан бозор қилиб қайтдик. Қизлар тушликка ош қилишди. Помидор, бод-ринг, пиёз, кашнич, туз, қалампирлардан аччиқ-чучук ҳозирлашди. Яна қизилча, карамни қирғичдан ўтказиб, уни сирка билан қориштиришди ва устига ип-ип қилиб тўғралган пиёз сепиб, салат тайёрлашди.

Лочин табиб билан Нормомо гапимизни ерда қолдиришмади. Ошга етиб келишди. Соё бўйига, ёнғоқ кўланкасига ястандик. Икки лаган палов едик. Аччиқ-чучук билан салатни ҳам паққос туширдик. Эр-хотин тергига фотиҳа ўқиб қалқишаркан, қизларни олқишлашди:

– Қўлингиз дард кўрмасин!

– Ошмисан ош бўлибди!

Ош тараддуси – югур-югур билан терга пишганимиз учун Бек иккимиз қора қоя ила чакалакни оралаб оқаётган хилватгоҳда яйраб чўмилдик. Сўнг қизларга ҳам киши кўзи тушмас бу овлоқни кўрсатдик. Ўзимиз ёнғоқ остида очунни унутдик.

Кўзимизни очганимизда кеч кираётганини пайқадик. Қизлар кўринмадилар. Шошилинич уйга ўрладик. «Эгизак»лар тут тагида, йиғма каравотларда ором олардилар. Бизнинг оёқ товушимиздан уйғондилар. Мен

ўчоққа ўт ёқдим. Сўнг ҳаммамиз сойга эндик. Юз-қўларимизни ювиб, изимизга қайтдик. Шоколад билан қаҳва ичдик. Шу орада қовоқ идишни бошида кўтарганча Нормомо кўринди. Биз уни ўрнимиздан туриб қарши олдик.

– Мен сизларга, болаларим, макка гўжаси олиб келдим, – деди у содда, мулойим овозда қовоқни терги четига чайқалтмасдан секин кўяркан, – тўнғич қизим Ўғулжон ўғирда туйиб, пиширган. Гўжа иссиқни кесади ҳам бир ҳавасак-да, болалар.

Қизлар хижолат чекдилар. Алвон тусга кирдилар.

Нормомо Лолани «тимсоҳ» ёғи ва талқони билан эмлагунча Бек билан қовоқни сой четига, сокин оқимга қўйиб қайтдик.

– Эрталаб менсиз нонушта қилманглар, болалар, – дея Нормомо биз билан хайрлашди. Чингизхон уни «Ўрол»да уйига кузатиб қайтди.

Тун чўкаётганда қалампир сепиб, бир косадан муздек гўжа ичдик. Сўнг Лола алла-паллагача Кунхон тўғрисида ҳикоя қилди. У отаси Ўғузхондек адолат билан эл-юртни бошқаргани, давлат чегараларини кенгайтиргани, будунга¹ рўшнолик бергани ҳақида тўлиб-тошиб сўзлади.

Ойнур иккимизга Нормомо билан нонушта қилиш насиб этмади. Биз эрта тонгда ишга жўнадик. Ойнур:

– Ҳар шанба-бозор кунлари келиб турамыз, – деди Лолани ўпиб, – агар иш бўлмаганда, олдиндан бир қадам ҳам жилмасдим, азизим!

Чингизхон бизни «Ўрол»да Учқулочга ташлаб, тез ортига қайтди.

¹ Будун – эл.

Шу куни жизғанақ чўлда туш чоғи муздек айрон ичарканмиз, мен чинданам (ўзимча ном қўйганим) «Османий ундов» бор-йўқлигини билиш мақсадида Ойнурдан сўрадим:

– Ўтган куни тунда Ўғузхоннинг ўлимидан ўкинганингизда нимани ўйладингиз?

Ойнур жавоб берди:

– Ўғузхондек беқиёс даҳо бизда яна туғиладими?

Балки, Ойнурнинг кўнглидан кечган бу фикр Лолага ҳам «Османий ундов» орқали етгандир? Бу менга қоронғи. Бу ёлғиз Тангрига аён.

Сухбатимиз энди қизиётганда қаршимизга енгил машина (Виллис) келиб тўхтади. Ундан узун-узун бўйли уч ўрис тушди. Бири жувон. Салом-алиқдан кейин ўзбек тилида, ширин, юмшоқ овозда:

– Ойнур хоним, Сизни бир минутга безовта қиламан, узр, – деди назокат билан.

Ойнурнинг кўзларига шубҳа оралаганини, юзлари оқарганини сездим. Сездиму кўнглимдан шу сўз ўтди: «Булар бежиз келишмаган... Булар... булар... КГБ!..»

Шунда жувоннинг мулозамати сохтадек, унинг тагида илон ўрмалаётгандек туюлди менга.

Жувон ва Ойнур саксовулзор оралаб юришди.

Узунлар менга бир лаҳза кўз қирлари билан қараб туришди. Сўнг оғзи катта, боши тақир ўрис илжайиб, мени саволга тутди:

– Русчани биласанми?

– Эплайман.

– Комсомолмисан?

– Ҳа, – дедим ёлғондан ва ногаҳон онамнинг ўтити эсимга тушди: «Ўзини сенга яқин олувчи, шу йўл билан

ичингга кириб олувчи кимсалардан кўрқ. Ким билан бўлмасин, ўғлим, ҳар бир сўзни ўйлаб сўзла. Ҳеч кимга ичингни очма».

– Молодец! – деди тақир бош кўзимдан кўзини узмай.

– Ота-онанг борми?

– Отам урушдан қайтмаган.

– Онанг нима иш қилади?

– Супурувчи.

– Пролетарман дегин?

– Шундай.

– Бу иш сенга оғирмасми?

– Оғир, аммо бундан ўзга мавсумий иш топмадим.

– Ёрдам берайми?

– Энди кеч, икки ойдан кейин мактаб.

– Ўқиш қалай?

– Уч...

– Болакайга кўмаклашмаймизми, Паша? – сўради оғзи катта, сийрак қошли, оч кўк кўзли, афти-ангори келишган шеригидан.

– Савоб бўларди, Дима, – у сочилган сариқ сочларини ўнг кўли билан текислади.

Бу сўз менга оғир ботса ҳам, дамимни ичимга ютдим.

– Биздан Ойнур хафа бўлмасмикан?

– Бунинг ўзи нима дейди, Паша?

Ойнурга яқинлигимни сездирмаслик учун жавоб қайтардим:

– Агар енгилроқ иш бўлса, яна маоши...

– Енгил иш, – гапимни бўлди Дима, – пули ҳам икки баравар кўп.

– Ў! – дедим жўрттага ҳаяжонланган оҳангда.

– Тағин бир ўйлаб кўр, болакай, биз ҳам ўйлаб кўрамиз, – Дима Пашага маъноли қаради.

Шу аснода жувон билан Ойнур қайтишди. Жувоннинг «мойил...» деган сўзи кулоғимга чалингандай бўлди. Мен унга сездирмай разм солдим. Жувоннинг кулранг кўзларида сезилар-сезилмас совуқ нурлар йилтирамоқда. Бу оқ-сарикдан келган дилбар ҳуснига бир қадар путур етказаётгандек туюлди. Елкасига ёйилиб тушган сочи макка пўпили рангидек қизғиш. Негадир кўнглимдан «Унинг табиий сочи қорамтир тусда» деган гап кечди.

Жувон менга бошдан-оёқ синчиклаб мурожаат этди:

– Ойнур хоним, биз бир соатга қолмай қайтамиз. Ҳозирлик кўриб турарсиз.

Ойнур бошини эгиб, кўтарди. Вильс шувоқзор оралаб Хонбанди¹ томонга кетди.

– Бундайда одамнинг қўли ишга бормади, – деди Ойнур беихтиёр ўзига ўзи аламли овозда. Кейин айтган гапидан пушаймон еди, шекилли, «хатоси»ни тузатган бўлди. – Нималар деб валдираяпман?

Саксовул кўланкасига беҳол ўтирдик. Бояги «ҳангома»ни оқизмай-томизмай Ойнурга айтдим.

– Менинг зийрак дўстгинам! – Ойнур юзимдан ўпди. – Агар сезгим алдамаса, сени менга айғоқчи қилиб қўяди.

Мен ўтли, тотли бўсадан ёнарканман:

– Мен ҳам шундай фикрдаман, Ойнур опа, – дедим.

– Нима деса, кўнгин, ақлингни, китобга қизиқишингни яширгин, оз сўзла, фақат саволига жавоб қайтар. Ўзингни гўл ҳам пулга ўчдек кўрсат. Пул берса, ол. Бўлмаса, ишонмайди. Ўзингни мени ёмон кўргандай тут.

– Мен, Ойнур опа, киноактёрликка ҳам қизиқаман.

– Сенга ишонаман! – Ойнур менинг сочимни силади. – Бугун мен Тошкентга кетаман.

– Тинчликми, Ойнур опа? – юрагим «шув» этди.

¹ Хонбанди – минг йил аввал икки тоғ оралиғи тўсилиб қурилган улут иншоот – сув омбори.

– Мени ҳар замонда йўқлаб туришади. Москвадан «Кўноқ» келармиш.

– Ҳалиям назоратдамисиз?

Саволим жавобсиз қолди. Ойнурнинг ҳолатини тушунганим учун ундан хафа бўлмадим. У хаёлга ботди. Анчадан сўнг:

– Ўзбекчани бинойидай биледи, – деди худди ўзига ўзи гапираётгандек жуда паст, хомуш ҳам фаромуш овозда. – Аммо...

Негадир сўзини давом эттирмади.

– Аммо, – унинг фикрини илғадим, – ўзбеклигини яшириш учун (сочини бўяб) ўрис қиёфасига кириб юради. Унинг отаси ўзбек, онаси, балки, ўрисдир?

– Тахмининг тўғри, Эврил. Унинг туғма оти Гулнора. Тўғрироғи, Гулнора Эгам қизи. Ота-онаси ажрашиб кетган. Шунга ҳозир у онасининг номида: Галина Антонова.

– Ҳар қалай, у ўзбекчани биледи. Ўзбек тилига бошқа дурагайлардай юқоридан қарамайди.

– Йўқ, янглишяпсан, Эврил. У мени ўзига тортиш учун ўзбекча сўзлади. Аслида...

– Балки, ҳақдирсиз, Ойнур опа, – дедим ўйлаб туриб, – агар адашмасам, унинг чиройли кўзлари гоҳида илонникидек совуқ йилтираб кетади. Бунда, балки, ота уруғига нафрат бордир?

– Менсимай қараш дегин. Асл ўрисларга қараганда чала ё сохта¹ «ўрис»лар минг чандон шовинистроқ бўладилар. Бунга амалда кўп марта кўрганман, Эврил.

Мен индамадим. Чунки ҳали бундай ҳолга дуч келмаганман. Ойнур ўйчан нигоҳ билан менга боқиб, маъюс овозда деди:

¹ Сохта – отасининг тайини йўқ, ўйнашдан бўлган маъносида.

– Юқорида айтганимиздай, айланмачак дунё бу. Пушкин замонларида, ундан кейин ҳам, ҳатто яқин-яқинларгача рус киборлари ўз тилларида гапиришга ор қилганлар, французча ёки инглизча сўзлашганлар. Энди замона калтаги айланиб келиб бизнинг бошимизда ҳам синяпти.

Мен мавридини топиб Ойнурдан сўрадим:

– Галина сизга «мойил» сўзини бир-икки марта айтгандай бўлдимми? Бу...

Ойнур гапимни бўлди:

– Энди шунча замон ўтгандан кейин мени ажнабийга мойилликда айбляпти.

– Ким?

– Москва.

– Асоси борми?

– Агар мен «ватан хоини»га мойил бўлмасам, Ботир билан Парижда гаплашмаган, ундан уй манзилию кўк пул олмаган бўларканман.

– Ҳадеб бир гапни чайнайвераркан-да, – дедим. Дедим-у, негадир бирдан кўнглимга ғулғула инди.

Ойнур юзимдаги ўзгаришни сизди. Менга тасалли берди:

– Мени тор тушовлаб, узун арқонлаб қўйишмоқчи. Холислигимни билса ҳам, пашшадан фил ясапти. Аммо барибир ёқимсиз даъво бу.

Шу дам миямга «Хавfli даъво!» деган сўз келди.

Мен сескандим.

Мен қоронғи тунда, тоғда аёзда қолган йўловчидай музладим.

Мен титрадим.

Бу ҳол кутилмаганда, оний тезликда юз бердики, ўзимни эплотмай қолдим. Буни Ойнур ҳам сизди.

– Нега юзинг қордай оқариб кетди, инигинам? – дея мени бағрига олди ва муздек тер босган манглаймдан ўпди. – Агар мен учун бўлса, ташвиш чекма. Ўзинг ҳам, балки, биларсан, мени вақти-вақти билан чақириб туришади...

Ойнурнинг руҳини кўтариш ўрнига уни баттар ташвишу тушқунликка ундаганимга ўзимдан нафратландим:

«Аҳмоқ!»

«Қушюрак!»

Бор куч-иродам билан ўзимни қўлга олишга киришдим. Бунга қисман эришдим ҳам. Бироқ машъум ғулғуладан тўла қутулолмадим.

– Мен уч-тўрт кун ичида қайтаман, Эврил, – деди Ойнур. – Сен Лоланинг олдига борма. Унинг хавотирланишини истамайман.

– Биладими?

– Билади.

Виллис қайтди. Лаш-лушлар билан унга чиқдик. Учанг-тўзон кўтариб Учқулочга учди.

34

Онам билан мен Ойнурнинг ой бориб, омон келишини Тангридан ёлвориб сўрадик.

Шу кун шомда мени ранги ўлимтик, руҳсиз бир ўрис бола қудуққа бошлаб энди.

Пичадан сўнг озғин, ихчам, эчкиэмарга ўхшаш бир кас олдимга келди. Сўрашдик. Эгнидаги жигарранг спорт форма ўзига ярашиб, кичик жуссасига қапишиб турибди. Ёши ўттизларда. Уни ўзбек ҳам, ўрис ҳам, тожик ҳам деб бўлмайди. Балки, у ҳам Галинага ўхшаш ча тишма маҳсулидир? Қайдам.

Бу ер тоғ оралиги бўлгани учун қоронғи. Лой қорув
сеҳи чироқлари кимсасиз, соқит теграни хира ёритаёт-
тир. «Чатишма»нинг имоси билан бола кетди. У чўнта-
тилган «Казбек» ва гугурт чиқарди. Тутатди. Шунда унинг
кўзи эчкиэмарникидек ёвузона бир чакнаб-сўнганини
кўрдим. Юрагим увушди.

«Талинанинг ҳам кўзларида шундай ўлим учқунлари-
ни кўрувдим», – дедим ичимда.

– Менинг исмим Тельман, – дея таништирди ўзини
«Чатишма». – Сени нега чақиртирганимни биласан, а?

У сирли илжайди. Бироқ кўзи кулмади. Негадир ундан
гўр «или»ни туйдим. Кейин: «Жуда оширвордим-да», –
деб ўзимдан ўзим ижирғандим. «Ундоқмас. Янглишяп-
мас. Ойнурга босимлари учун бу тоифа кишилари менга
ёмон кўринаётир».

Тельман қудуқ супачасида турган қора дермантин
дипломатини очди. Ундан қалин дафтар олди ва жиззах-
ча шевада:

– Бунга ҳар кунги воқеалару гап-сўзларни ёзиб бора-
сан. Бир сўзни ҳам туширмай ё қўшмай ёзиб борасан.
Мутлақо ёлғон аралашмаслиги шарт. Уқдингми, мутла-
қо! – деди.

– Фаҳмимча, онам билан орамизда бўлгувчи гаплар-
нинг бунга дахли йўқ.

– Онангми, бошқами, ёзавер, ҳеч кимни унутма, ҳатто
Ойнурни ҳам...

– Онамни қўшмайман, бошқаларни майли. Ойнурдан
кўрқаман. У жуда қаттиққўл бошлиқ. Агар буни сезиб
қолса, мени ишдан ҳайдайди.

– Сездирмайсан! Ҳеч кимга сездирмайсан. Ҳатто
онангга ҳам! – Тельманнинг кўзи оч бўрининг кўзидек
совуқ йилтиради.

«Ўлимдан совуқ!» – деб ўйладим мен. Гўё баданимда қорақурт ўрмалади. Борлиғимни муз тер босди.

– Уқтингми?! – қатъий оҳангда таъкидлади у.

– Ҳа.

– Гап онанг билан Ойнурга тақалса, онанг, менимча, покиза аёл, ўз ҳалол меҳнати билан тирикчилик қилаётган одамни ёмон демайман. Ойнурга келсак, у рус тарбиясини олган ажойиб қиз. Яхши геолог. Унинг ақли, одоби ҳам жойида. Сен Ойнур билан яхшимисан?

– Фақат иш бўйича гаплашамиз.

– Сен ким билан қўнишсанг ҳам, барига ўзингни яқин тут. Жумладан, Ойнурга ҳам. Шунда сен билан очилиб гаплашадилар.

Тельман менга қалин дафтар билан уч юз сўм пул берди.

– Бир ой муҳлат... Кейин дафтарни оламан. «Иш»инг ёқса, яна «иш»лайсан... Ойига уч юз сўм... Юрагинг билан «иш»ла.

У мавридсиз ва шавқсиз тиржайди. Ихтиёрсиз бир тарзда: «Бўри ҳам шундай тиржаяди», – дедим ичимда.

– Ҳўп.

У қўлимни сиқиб, қоронғиликка юрди.

35

Илтижомиз вожиб бўлди.

Бешинчи куни (жума) «Хунну» китобини энди ўқиб тугатганимда Ойнур кулбамизга кулиб кириб келди. Онам иккимиз уни кўриб, гўё отамиз Оврўпадан қайтгандек севиндик. Кўнгли бўш онам йиғлади. Менинг ҳам кўзим ёшга тўлди.

Ойнурнинг кайфияти яхши, бўёқ тегмаган юз-кўз-лари тиниқ эди. У қора чарм жомадонини очди. Ундан инглизча ёзги оқиш костюм-шим, шу рангда туфли ҳам-да Фитрат билан Чўлпоннинг китобларини олди ва менга узатди.

– Яхши кунларингга буюрсин, инигинам! – Ойнур кўзимга тик боқиб, елкамга кафтини қўйди. – Бу китобларни ҳеч кимга кўрсатмай ўқи. Мағзини чақиб ўқи. Уқтингми?

– Ҳа, Ойнур опа.

Онам билан мен бу совғалардан ноқулай аҳволга тушдик. Онам алвон тусга кирди. Менимча, мен ҳам. Буни сезган Ойнур:

– Мени қизим деб ўйласангиз, асло хижолат чекманг, она, – деди, – бўлмаса, хафа бўламан.

– Хўп, гўзал қизим.

– Сен-чи, Эврил?

– Раҳмат.

Ойнур паловга масаллиқ ҳам олиб келибди. Яна нок, мева-чева, помидор, бодринг, пиёз, турли кўкатлар.

Тошкентча ош қилди. Уни иштаҳа билан ерканмиз, онам Ойнурга теран меҳр билан боқиб деди:

– Жуда мазали бўлибди, гўзал қизим, еб тўймайсан! Сиз бизни сийлаяпсиз, сизни Тангри сийласин!

Ой-юлдузларга ғарқ шу оқшом Ойнур ва мен (Ойнур таклифи билан) теграсида ўрис оғочлари бўй чўзган «Маданият уйи» саҳнига – рақс майдонига йўл олдик. Инглизча костюм-шим, туфлида ўзимни бошқача, гўё ўзга олам кишисидай сезяпман. Ёнимда Ойнур. Ушбу сўзлар юрагимни ёқади:

Бу қандоқ бахтли онлар!

Бу қандоқ тотли онлар!

Ўзимни ҳеч замон бундоқ бахтиёр ҳис этмаганман!

Ушбу тотли онда кутилмаганда эсимга Тельман тушди. Ойнурга пул, дафтар, кечган ҳар бир сўзни айтдим. У:

– Тельман устаси фаранг нусха экан, – деди, – энди сен баргида юр.

Бирпасда «Маданият уйи»га етдик. Танца майдонида оврупча мусиқа гумбурлаётир. Ясанган-тусанган йигит-қизлар «Шейк»ка тушмоқдалар. Ойнурдан ўзга ўзбек қизи йўқ. Йигитлари бор. Чўлда Ойнур мени «Шейк», «Твист», «Танго» каби ўйинларга ўргатган эди. Мусиқага эриб ўйнай кетдик. Шунда балоғат ёшига етиб қолганимни илк дафъа ҳис этдим. Яна Ойнурдек сулув қиз билан «Шейк»ка тушаётганимдан фахр туйдим. Фаройиб бу лаҳзада ҳамманинг кўзи гўё бизда эди.

Бироқ бу майдон жанжал уяларидан бири ҳам эди. Ўзбек йигитлари рус хонимлари билан ўйнардилар. Келгиндилар буни кўролмасдилар. Баъзан яширинча, баъзан очикча ерликларга оғули тошлар отардилар:

– Чучмеки!

– Чурки!

– Барани!

– Дикари!

Ерликлар ҳам қараб турмасдилар:

– Тўнғизлар!

– Келгиндилар!

– Ювуқсизлар!

– Нонкўрлар!

Бунга кўп марта гувоҳи бўлганман. Гоҳ-гоҳида ўсмирлар билан бирга келиб турардик. Пастак темир тўсиқлар ортидан телбаларча ўйнаётганларни томоша қилардик. Бундай онларда аччиқ-аччиқ гапларни кўтара олмайди-ган кимсалар оёқ-кўлларига эрк берадилар.

Бундай ирқчилик бутун СССР бўйлаб кенг қулоч ёйганини, улуғ рус шовинизми ўз гегемонлигини мустамлака миллатларга пеш қилароқ заҳар сочаётганини кейинча билдим. Буни ўз кўзим билан кўрдим, ўз қулочим билан эшитдим, ўзим ҳам бунинг «туз»ини «татиб» кўрдим...

Бу даҳшат эди.

Бу тузалмас яра эди.

Бу офат эди...

Аммо СССР сиртига сув юқтирмасди. Ўзбекда «Иштонсиз иштони йиртиқдан кулади» деган мақол бор. СССРда чоп этилаётган ҳамма газеталар ҳар куни бир гапни сақичдек чайнади: «АҚШда ирқчилик авж олмоқда. Қора танлилар қаттиқ сиқув остида».

Лекин бу кеча тинч кечди. Ойнурни уйига кузатиб борарканман, у:

– Уч юзни нима қиласан? – деб сўради қўққис.

– Чингизхонга бераман, Ойнур опа. «Ўрол»нинг каробка, балўнлари чарчаган.

Ойнур, ниманидир бошида пиштитиш учунми, то остонагача бир сўз демади. Эшикни очаркан, фикрини айтди:

– Балки, Бекка янги «Ўрол» олиб берармиз? Лола билан маслаҳатлашиб кўрай-чи, Эврил.

Хайрлашдик.

Қалбим қувончдан ёрилай дейди. Ухлолмадим. Ўзбекнинг, умуман, бутун Турк дунёсининг энг ватанпарвар ўғлони, лекин «Ватан хоини» сифатида отилган Абдурауф Фитратнинг китобига шўнғидим. Мана бу шеърни ўқиганимда юрагим эзилди:

Гўзал юлдуз

Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тувғони!
Нега биздан қочиб мунча узоқларга тушибсан?
Тувғонингга нечун сира гапирмасдан турибсан?
Сўйла, юлдуз, ҳолинг надир? Нечук топдинг дунёни?
Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар,
Сўйла, юлдуз, сенинг даҳа қучоғингда бўлурми?
Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар,
Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қоплонлар?
Борми сенда ўксиз, йўқсулнинг қонин
Гурунглашиб чоғир каби ичганлар?
Борми сенда бутун дунё тузугин
Ўз қопчиғин тўлдиргани бузганлар?
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатгувчи хоқонлар?
Борми сенда қорин, қурсак йўлида
Элин, юртин, борин-йўғин сотганлар?

Шу тундан бошлаб (ҳар кеча) Фитрат, Чўлпон асарларини яширинча ўқийдиган бўлдим. Эрта тонгда уларни қора чармга ўраб, ертўла остига кўмиб қўярдим. Кундузлари академик Лев Гумилёвнинг китоби қўлимдан тушмасди. Кимсасиз саҳро четидаги яйдоқ чўлда бу асарлар ҳақида Ойнур билан фикрлашардик.

Тангрига шукр, энди уйимизда нонимиз ҳам бор, қозонимиз ҳам қайнамоқда. Уст-бошимиз ҳам деярли бут.

Ҳатто радио ҳам сотиб олдик. Онам яшарди. Эгила бошлаган қад-қомати қайта тикланди.

Шанба-бозор кунларини Ойнур ва мен Боғдонда ўтказиб бошладик. Ҳа, айтгандай, Бек қизлар таклифини рад этди:

– Раҳмат, опалар! Мен ўз аравамга ўрганиб қолганман.

Мен унга мажбуран ўша уч юзга «Ўрол»нинг чарчаган қисмларини янгиладим. У ўзига яраша тўғри бола эди. Бундан икки йилча олдин Қизил булоқда олтин узук топиб олгани, уни эгасига қайтармагунча тинчимгани эсимда.

Биз тўртовлон «Ўрол»да тоғ тўрига кетардик. Уни Боғдонсойнинг бошланиш ерида қолдириб, қояларга чиқардик. Дараларни кезардик. Булоқларга нон ботириб ердик. Ёввойи чечаклар терардик. О, бундан қанча-қанчалар лаззат олардик!

Бизга (Бек, мен) эсимизни таниганимиздан бери бу дилбар ошён қадрдон эди. Ҳар тонгда тоққа югурардик, терга ботиб машқ қилардик: қояларга тирмашиб чиқиб-тушардик. «Қилич-қилич» (таёқларда) ўйнардик, курашардик, йилқиларни дараларга сиқиб бориб, яйдоқ отларни тутиб, уларда учардик. Сўнг сойда қийқириб чўмилардик. Эсимда, бирда ёввойи қора тўнғизга дуч келганмиз. У менга ташланган. Мен эса ёнғоққа қочиб чиққанман. Шунда Бек уни тош билан уриб ўлдирган.

Бир ойдин кеча супада тоза Бразилия қаҳвасини ичиб ўтирарканмиз, Ойнур ушбу гапни айтди:

– Инсон ўз юртини тугал билиши керак. Инсон дунёни кўриши керак. Бу одамга роҳат беради, унинг ақлини қайрайди.

Бу сўзлар кимга қандай таъсир этганини билмадим-у, аммо шууримда муҳрланиб қолди.

Шу сўзлар сабаб тўртовимиз Самарқанд, Бухоро, Хива кентларини бориб кўрдик.

Шу сўзлар сабаб ўзимга ўзим сўз бердим: «Келажакда очунни кезаман».

37

Вақти билан юракдаги ҳасрат доғлари кетганидек, Лоладаги «оқ чечаклар» ҳам маҳв бўлди. Фақат биттаси қолди.

Шанба тонгида Оймомо Лочин табибнинг сўзини Лолага етказди: «Ярим ойда у чечак»дан из қолмайди».

Бундан Лоланинг боши осмонга етди. Руҳияти юлдуз мисол юксалди. У шу икки ой ичида жуда унумли ишлади ҳам. Хун тарихи бўйича номзодлик ишини охирига етказди. Энди Ленинградда академик Лев Гумилёв бошчилигида ёклаши қолди. Лола ҳеч замон бундай мўл-кўл ишлаганини эслолмайди. Устига-устак, ҳориш нима-лигини билмай ишлади. Ўз ишидан завқ олиб ишлади. Шунда ўзича бундай ўйлади: «Тоза ҳаво, эркин, қувноқ, иноқ давра, тинч, сокин, тиниқ муҳит инсон руҳиятини мислсиз даражада кўтараркан, унга беқиёс куч, қувват бахш этаркан, уни зўр илҳом билан ишлашга ундаркан».

38

Шанба ёхуд бозордан ўзга кунлари, кўнгил хушлаган тунлари Ойнур билан танцага ҳам бориб турардик. Бугун учинчи (чоршанба) кун. «Маданият уйи»га ёндик. Одам қайнаб-тошмоқда. Бир сариқ ўғлон Ойнурни «Твист»га таклиф этди. Ойнур рад қилди.

– Не ломайся! – Сарик унинг билагидан тутди.

– Убери свою грязную лапу! – Ойнур, қўлига ифлос нарса ёпишгандек, Сарикни силтаб ташлади. Унинг оғзидан ароқ аралаш сассиқ ҳид келмоқдайди. У тагин Ойнурга ёпишди:

– Не ломайся, курва!

Мен Сарикни итариб юбордим. У йиқилди. Унинг жўралари бизни ўраб олишди. Яхшиям, шу он милиция пайдо бўлди. Ур-йиқитнинг олди олинди.

Бироқ танцадан сўнг Учқулоч қудуғига етганимизда туйқус бешта келгинди қуршовида қолдик. Сарик кутилмаганда бошимга қаттиқ нарса билан урди ва:

– Это тебе мало, чурбан! – деб хириллади.

Қонга қорилиб йиқиларканман, Ойнурнинг қаттиқ чинқириғи ва келгиндиларнинг тасир-тусир қочишганини англадим.

Ертўлада ҳушимга келдим. Онам бошимда парвона ўлароқ куйиб-пишиб зорланарди:

– Чўчқалар! Боламни майиб қилиб қўйишди. «Ҳамма эл тенг, тотув»миш! Чўчқалар!

– Секин, она, секин.

Онам тинчимасди:

– «Улуғ оға»миш... оёғидан бошигача миллатчилик оғусига ботган...

Юз-бошим дока билан танғилган ва зирқираб оғриётса ҳам, Ойнур билан онамнинг кўзларида нималар кечаётганини уқиб ётдим.

Ойнур кечинмаси:

«Улуғ оға»миш...

Хоразмда муқаддас китоблар онаси – «АВЕСТО»¹ оламга нур таратганда қаерда эди у?

¹ «Авесто» – зардуштлик динининг илоҳий китоби (Катта Авесто, Кичик Авесто).

Хаамири йўғрилганмиди?

Ўғузхон тенгсиз давлат қурганда қаерда эди у?

Туғилганмиди?

Хоразмий алгебра фанига асос солганда, Беруний Ернинг «олтин белбоғи»ни очганда, Улуғбек ҳисоблаш марказини яратганда қаерда эди у?

Бормиди?

Чингизхоннинг тўрт юз йиллик салтанати унутилган кўринади.

Темурнинг Елецда от сургани унутилган кўринади.

Энди...»

Онам кечинмаси:

«Барча миллат тенг, тотувмиш... Оламга аён: ўрисга ортиқ имтиёз берилган. Ҳамма бало шунда...»

Ойнуз кечинмаси:

«Ҳамма миллат тенг, тотув бўлса, йигирма тўрт соат ичида бутун бошли халқлар (чечен, ингуш, қирим, ахси турклари)... бадарға этилармиди?

Йигирма тўрт соат ичида!..

Уларнинг қанча-қанчаси йўлларда, ёт элларда, очлик, азоб-уқубат, қайғу-ҳасрат, қийноқ, зулм, совуқ, безгак, ўлатлардан ўлиб кетдилар. Тангри берган азиз юртлари, уй-жойлари, мол-мулкларини эса «Улуғ оға» эгаллади.

Менимча, бу хил ёвузликни ҳали тарих кўрмаган».

Онам кечинмаси:

«Кўза кундамас, кунда синади». Бу кетишда Учқулочда бир бало бўлади...»

Онам ва Ойнузнинг кўзларидаги ифодаларни тўла уқтим деб айтолмайман. Лекин шу пайтгача сезгим алдаганини эслолмайман ҳам. Яна Тангри билгувчи.

Ҳар галгидек бу жума оқшоми ҳам Бек бизни Боғдонга олиб кетиш учун энди. У мени аянчли ҳолда кўриб, жунбишга келди. Мўғулча юзидан қон қочди. Қалин дудоклари асабий титради, қошлари учди. Суриштиришга тушди:

– Ким урди? Қачон? Қаерда? Нимага?

Мен дўстимнинг жангари феълени билганим учун ёлгон сўзладим:

– Қоронғида чуқурга йиқилдим.

– Алдама!

– Чин.

Чингизхон Ойнурни Лоланинг олдига элтади. Йўлда ундан воқеани билиб олади.

Ойнур сўзи сўнгида Чингизхонга «Уюштирилган...» деган фикрни ҳам айтади. Чингизхон асабий ҳолатда бўлгани учун бунинг мағзини чақмайди. Тезлик билан Учқулочга қайтади. «Ўрол»ни биринчи шахтадан чиқарилган «Тош қир» этагига – кўз илғамас хилватга кўяди. Ойнур чизгиси бўйича малла соч, мушук кўз, ўнг жағида тиртиғи бор кимса – Сарикни танца майдонидан топади. «Сени чақиряпти», – дея уни «Маданият уйи» орқасига олиб ўтади. Бу ерда ҳеч ким йўқлигини кўрган Сарик Чингизхонга кескин қарайди ва унинг аждарҳодек кўрқинчли ҳам ғазабнок важоҳатига дуч келади. Алданганини сезади. Пўлатга урилиб, дами қайтган пичоқдек дами ичига қайтади. Рангида ранг қолмайди, тиззалари ўзига бўйсунмайди.

Чингизхонда шундай туғма хусусият бор: ғзаби қайнаганда унинг олдига одам-ку одам, ҳатто йиртқич ҳайвон ҳам йўлолмайди. Ҳеч лофсиз, қийиқ кўзларида ажал ўтлари ёнади. Ўша қадим, қудратли адаши Чингизхондек

вахший тусга киради. Бундай онда унинг олдида қоплон ҳам ожиздек туюлади.

Агарчи Сарикнинг руҳи синса ҳам, сир бермасликка тиришади. У шошиб ўнг қўлини шими чўнтагига тикади. Аммо буклама пичоғини олишга улгурмайди.

Бек кучли боксчи эди. Рақибини доим муддатидан олдин ноқдаун ёки нокаут билан ютган. Ҳали ҳеч кимга енгилмаган. Бунинг устига, кўркув нималигини билмайди. Кутилмаган тезликда Сарикнинг кўкрагидан пастга – нафас олиш қисмига уради. У букчайиб қолади. Шу сония иягига сакраб тепади. Сарик (чалқанча) қулайди. Бек ўзи ясаган пичоғини шарт чиқаради, унинг кумуш сопи билан Сарикнинг кўзига туяди.

Шу аснода Сарикнинг шериги югуриб келади. Чингизхондаги қонга беланган пичоқни кўриб қочади. Бироқ ёввойи мушукдек чаққон, чопағон Бек уни чалиб йиқитади. Юз-кўз, бошига кетма-кет тепади. Бўғзига пичоқ тирайди ва бутун ғазаб, нафрат, заҳарини ушбу сўзга жамлаб, қоплондек хириллайди:

– Яна бир марта бегуноҳга қўл кўтарсанг, кекирдагингни узаман. Биронтангни ҳам тирик қўймайман!

Унинг ҳам сўл кўзини пичоғи билан мангуга яралайди.

Кейин қалби таскин топиб, «Ўрол»да кулбага келади.

Мен бу чоғда уйқуда эдим. Чингизхоннинг товушидан уйғондим:

– Саодат эна, Эврилни Боғдонга олиб кетаман. Уни Лоцин табиб даволайди. Лола опам билан мен доим ёнида бўламиз.

Анча тортишувдан сўнг онам заиф ва маъжус овозда деди:

– Майли, ўғлим.

Мен енгил тортдим. Ойнур ва Лола билан бирга бўлиш, улардан илм ўрганиш мен учун бахт.

Қизлар мени севинч билан қарши олдилар. Оғриқни ҳам унутдим. Жимжит, салқин ҳам ойдин кеча. Шундай тепамизда ой сузаяпти, оҳиста, сокин. Юлдузлар ўз шаффоф ёғдулари билан ерни эркалаб, безаяпти.

Шу он кимдир қулоғимга шивирлайди: «Бу ҳам Тангрининг каромат, карами».

Ким? Билмайман.

«Эркалаб безаяпти», – дедим. Шу баҳона, шу воситада юлдузлар Ер билан сирлашяпти. Афсус, биз, одам болалари, бу «сирлар»нинг тагига ҳеч замон етолмаймиз. Мен ўзимча шундай деб ўйлайман.

Зотан, оламда «бежиз» нарса йўқ. Ҳар нарсани Тангри аниқ мақсад, аниқ ҳисоб, аниқ ўлчов билан яратган. Демак, юлдузлар ҳам ўз нурлари орқали Ер билан доимий «мулоқот»да. Фақат буни уқишга ақлимиз ожиз.

Тутга осилган осмачироқлар ўчиқ. Бу супамизга бошқача зийнат беряпти. Аҳён-аҳёнда чакалақдан соқ кушлар: «Бизлар тун париларимиз», – деётгандек қичқирашади. Биз шоколад билан қаҳва ичамиз. Ойнур энтикади:

– Боғдон тунлари мунчалар гўзал!

Лола Ойнурни бағрига босиб дейди:

– Ойнур, меҳрибоним, мен ҳар ёзни шу хилват гўшада ўтказаман!

– Бизларсиз-а? – таънаомуз жилмаяди Ойнур.

– Фақат-фақат сизлар билан, меҳрибоним! Сизлар билан бу ер яна ҳам зийнатли.

Лочин табиб кўмагида бошимдаги яра тез бита бошлади. Лоладаги сўнгги «оқ чечак» ҳам кўзга деярли кўринмай қолди. Бундан Лочин табибнинг ўзи биздан ҳам кўп севинди. Нормомо ҳам. Буни юрагимдан ҳис этдим. Ло-

ланинг ҳам кўзларида шу ифодалар мавжланаётганини кўрдим. «Шундай беминнат, тоза кишилар билан очун, балки, тирикдир», – деб ўйладим.

Лочин табиб бизга меҳрибон кўзларини тикиб, қатъий ишонч билан деди:

– Беш-олти кун ичида икковингиз ҳам бутунлай соғайиб кетасизлар.

41

Менинг ўрнимга Чингизхон Ойнурга кўмакчи бўлди. Энди улар ҳар куни эрта тонгда ишга кетишади, у ердан шомда Боғдонга қайтишади.

Лоланинг илмий ишини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда нафақат Хун кечмиши, балки қисман Хун уруғига мансуб Тонгчиқай (Таншихай) ва у тузган Суюнби (Сеянби) империяси ҳақида ҳам сўз юритилган:

Тонгчиқайнинг отаси Хун ўрдасида беш йил хизмат қилади. Сўнг ўз қишлоғига қайтади. Уйда икки-уч ёшли гўдакни кўради.

– Бу кимнинг боласи? – хотинидан сўрайди.

– Бизнинг...

– Қандай? – жаҳлга минади эр.

– Кўклам кунларининг бирида ёлғиз ўзим кўзиқорин тергани ўрмонга бордим. Бирдан чакмоқ чакнади. Момақалди роқ гулдиради. Сўнг дўл ёғди. Кун Тангрининг қудратими, билмадим, оғзимга бир дўл кирди. Шундан бўғоз бўлдим. Шу болани туғдим.

У хотинининг овозида ёлғон туймайди. Унга инонади. Бироқ қалбида болага меҳр топмайди. Хотин ҳам уни суймайди. Шу сабабли гўдакни ўз ота-онаси қарамоғига беради.

Тонгчиқай менга насроний дини асосчиси, отасиз туғилган Марям ўғли Исо Масихни эслатади.

Худди эртақлардагидек бола ой сайин эмас, кун сайин ўсади. Ақл, куч, ирода, ҳусн, бўй-бастда унга ҳеч ким тенг келолмайди. Қўрқув ёт бўлади. Шу боис Тонгчиқай ўн икки ёшида Элбоши этиб сайланади. Ўн тўрт ёшида бургут шаклида Ўрда тузади. Уч марта Хитой қўшинларини енгади. Буюк Суюнби империясига асос солади. Унинг замонида эл тинч, тотув, тўкис яшайди. Академик Гумилёв китобида бу улуғ давлат харитасини берган. У Ўғузхон салтанати ери мисол чек-чегарасиз худудни иш-гол қилади. Мен ундан нусха кўчирдим.

Лоланинг илмий иши бой ва хилма-хил маълумотлар, фикрлар ва мушоҳадалар билан суғорилган эди. Мен ундан қаттиқ таъсирландим. Гўё вужудимда бўрон қўпди, юрагим ёнди, миямда сўзлар туғён урди. Узун йиллар кечгани учун у сўзлар тўлалигича хотирамда қолмаган. Эсимда сақланганлари мана булар:

Кечмишларга синчиклаб боқ, Она Элим,

Ота Турон алп танаси мингта тилим.

Хун отларин дупурлари тинган энди,

Ўғузхоннинг қиличи ҳам синган энди.

Билга Хоқон ўгутлари тошда қотган,

Ўрхун¹, Эна² битиклари лойга ботган.

Бундан кулар Чин девори³:

– Қани Турон?

Қани ўша буюк қудрат, салтанат, шон?

Бўз бўрилар⁴ бу тупроқни ташлаб кетган,

¹ Ўрхун – Ўрхундарё.

² Эна – Энасой (Енисей).

³ Чин девори – Хитой девори. Буюк Хун босқинига қарши қурилган девор.

⁴ Бўз бўри – бўзқурд – икки турк боласини эмизиб ўстирган бўри ривояти.

Туманбалиқ¹ Тангриқумга² чўкиб кетган.
Оч тўнғизлар Тангри тоғни ўз, ин этган,
Қарға, калхат бургутларни қувғин этган.
Хун уруғи Ер юзига тўзғиб кетган,
Ёвқур Кўк Турк ёт Юртларни ошён этган...
Бундан кулар кунчи Эрон:
– Қани Турон?
Қани ўша Илоҳий куч, Осмоний шон?

Тўлғонади Ўрол, Сибир, Эрқут³, Қашғар⁴,
Олтин Ўрда туролмайин бағрин тиғлар.
Кашмир, Помир, Тину⁵ Эдил⁶, Олтойларда,
Қундуз, Қирим, Болқар, Ахси⁷, Бештовларда⁸
От ўйнатмас, қилич чопмас кескир Хунлар.
Эшитилмас туркча куйлар, ёниқ анлар⁹.
Бундан кулар кекчи слав¹⁰:
– Қани Турон?
Қани ўша беқиёс куч, беқиёс шон?

Кулгин, Мочин,
Кулгин, Слав,
Кулгин, Эрон,
Тўйгунингча, ўлгунингча кул бу замон.
Ўзгалар устидан кулаюр ким?
Аён...

¹ Туманбалиқ – Буюк Хун империяси бошкенти.

² Тангриқум – Буюк сахро.

³ Эрқут (Иркут) – Эр – инсон, қут – бахт.

⁴ Қашғар – Шарқий Туркистон рамзи.

⁵ Тин – Дон дарёси.

⁶ Эдил – Волга дарёси.

⁷ Ахси – меҳсети турклари юрти.

⁸ Бештов (Пятигорск) – Қорачой турклари тоғи.

⁹ Ан – қўшиқ (эски туркча).

¹⁰ Слав – славян.

Ким ҳақу ким ноҳақ?
Кўриб тургай Осмон.
Бу айланмачак дунё,
Бу қайтар дунё.
Неча бор бузилиб, тузалмаганми ё?
Ўн саккизта Улуғ давлат қурган Турон¹
Ўн тўққизини ҳам қураюр бегумон.

1953 йил

42

Тушдан кейин ёнғоқ қўланкасида Нормомо олиб келган қўй қатиғидан бир-бир коса ичиб ўтирарканмиз, пича иккиланиб турдим-да, шеърни Лолага тутқаздим. У қайта-қайта ўқиди. Кўзларида ажабланиш, қониқиш, кўрқув ифодалари акс этиб турди.

– Буни ёд биласанми? – Лола қўлимни сикди.

– Биладан, – дедим ҳаяжонланиб.

Лола гугурт чакиб, қўлёмани ёкди.

– Хотирангга кўмгин. Хавфли... Фитрат билан Чўлпонни эсладим... Менимча, сен бир кунмас, бир куни Туркистон тўғрисида ҳам ёзасан. Бўлакланган Туркистон... – у гапини тугатмади. Сой ёқалаган, ўт-ўлан босган сўқмоқдан эшақда тегирмонга бир қоп буғдой ортиб келаётган кишига анграйиб қараб қолди. – Уни биринчи куни автобусдан тушганимда Осмонсой бекатида кўргандим. Сен-чи, Эврил?

¹Турк эли ўз тарихида энг кўп марказлашган давлат – империя қурган буюк миллатдир. Буни бутун дунё тан олган. Туркиянинг кўп эски шаҳри бўлмиш Конияда, Салжук университети биноси қаршисида 18 нафар буюк императорга ҳайкал ўрнатилган.

– Эслолмайман. Ўшанда ҳамма қатори менинг ҳам кўзим сиз билан Ойнур опамда эди.

– Ўхшашлигимиз учунми?

– Ҳа, Лола опа. Яна... – тилимнинг учидаги гапни ичимга ютдим. Қизарганимни ҳис этдим. Лола менинг: «Гўзалликларингиз учун ҳам», – демоқчи бўлганимни сизди. Хижолатга қўймаслик учун сезмаганга олди. Жилмайди. Сўнг бирдан сергак тортиб, деди:

– Бу кимса тегирмонга серқатнов бўлиб қолди. Уни танийсанми?

– Йўқ, – мен хавотирга тушдим. Аммо Лолага сир бермай ҳам унинг кўнглига ғулғула солишни истамай гапимда давом этдим. – Балки, у Илончидандир¹?

– Тегирмончи қандай одам?

– Жиблажибонга ўхшайди. Янги...

Лола сўзимни бўлди:

– Кузатувчан бўл, Эврил, сергак бўл. Иложи борича кўрганларингни эслаб қол, бўлажак ёзувчига бу керак бўлади.

Бунинг ҳаётда ҳар бир кишига зарурлигини, зарурат туғилса, асқотишини англадим. Лола менга теранроқ уқтириш учун «бўлажак ёзувчига» сўзини атайлаб қўшди.

Тегирмончи эшакли кишини ўзгача мулозамат билан кутиб олди. У билан хиёл эгилиб кўришди. Қопни бирга туширишди ва тегирмонга олиб киришди.

– Менимча, биз кузатувдамиз, – деди Лола ва бу гап оғзидан беихтиёр чиқиб кетганини кеч англади, шунга уни тузатишга уринди, – балки, адашаётгандирман?

¹ Илончи – Бўғомбирқоя остида, Илончисой бўйида жойлашган қишлоқ. У ҳам Боғдон таркибига киради. Осмонсой, Ёмчи, Ўртақишлоқ ҳам. Умуман, Қортош қишлоғидан Бирлашган (Сафарота) қишлоғигача бўлган ерлардаги қишлоқлар Боғдон таркибида. Булар Қарамон уруғидан.

– Йўқ, адашмаяпсиз, Лола опа. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади». Ойнур опам Францияга бориб келганидан бери кузатувда. Демак, бизлар ҳам... Сизнинг тегирмончи тўғрисидаги тахминингиз ҳам тўғри. У биздан бежиз гоҳ нон, гоҳ туз, гоҳ қирғич... сўраб чиқмаяпти. Шу хил баҳоналар билан ичимизга кириб олмоқчи.

– Фикрингга қўшиламан, Эврил. Нодон ва тўнка у; хатти-ҳаракати, бачкана сўз-қилиқлари билан ўзини сездириб қўймоқда. Эшакда келган анави кас ҳам ундан авломас. Дунёда ички сотқиндан тубани йўқ. Уни «одам» дейишга ҳам тилим бормаиди.

Ички сотқинлар!

Йилдан-йилга улар кўпайиб боряптилар. Ажриқ мисол тузумнинг ўзи ички сотқинлар билан тирик. Шунга уларни сунъий равишда урчитяпти. Бунинг бошида Бош мунофиқнинг ўзи турибди. Ички сотқинлар муҳити вужудга келяпти. Йўқ, келган. Уларнинг бола-чақалари ҳам ўз миллатига хоинлик қиладилар. Бу ҳам сил касалига ўхшаш нарса: наслдан-наслга ўтади, юкумли.

Ундайлардан:

Илон яхши.

Чаён яхши.

Элни бузаётганлар ҳам шулар.

Оқилларга ўлат бўлаётганлар ҳам шулар.

Юртни сотаётганлар ҳам шулар.

Туркистонни бўлаклашга кўмаклашган ҳам шулар.

Лоланинг кўзлари ғазаб ўтида ёнди.

Лоланинг юзлари олмосдек кескир тус олди.

Уни бундай ҳолда ҳеч кўрмагандим. У қалқди. Ўзини босиб олиш учунми, сой оқимига қарши – Қорақоя сари юрди. Мен туғма таъсирчан эдим. Лоланинг сўзларидан ларзага тушдим.

«Она Туркистоним! – беихтиёр нидо қилдим мен. – Қанотлари қайрилган Туркистоним! Қалби қон Туркистоним! Юрагимда сўзлар исён қилди. Ёруғликка оқди:
Тилимланди Туркистон ҳам, бу қандоқ тақдир?
Кетди ўзлик, кетди бойлик, кетди эрк, қадр.
Эгри, ҳаром, ёлғонларга келди зап давр,
Тўғри, ҳалол, имонларга қазилди қабр...»

1953 йил

– Қалайсан, болакай?

Кутилмаган бўғиқ товушдан жиноят устида қўлга тушган кимсадек чўчиб тушдим, юрагимдан оқаётган сўзлар тизимидан узилган маржонлардек сочилиб кетди. Бошимни кўтардим. Тепамда тегирмонга буғдой олиб келган киши турибди. Мен қалқдим ва у билан сўрашдим.

– Комсомол ҳам кўрқадими? – у кулди ва тепакал бошидан оқимтир кепкасини олди. Терга ботган ажинсиз, семиз юзини кирланган, гулсиз рўмолчаси билан артди.

– Кўрқмадим, чўчидим, – унинг итникига ўхшаш жи-гарранг кўзига тик боқдим.

– Нимага?

– Кимсасиз ерда хаёлга ботиб ўтирган одам кутилмаган овоздан чўчиши табиий ҳол.

– Масалан, мен ҳеч нарсадан чўчимайман.

– Балки, сизнинг юрагингиз тоғдекдир?

Иткўз киноямни сезмади. Шунга қарамай, кесатиқ қилди:

– Ўзига тўғри одам ҳеч нарсадан кўрқмайди.

У билан тортишишни ўзимга эп кўрмадим. Аксинча, чекинишни ва шу йўл билан мурасага келишни истадим.

– Балки, сиз ҳақдирсиз.

Иткўз мақтовимдан қувонди. Унинг юз-кўзларига илиқ нурлар ёйилди.

– Комсомол доим тўғри йўлдан боради, – деди у елкамга қоқиб.

– Сиз мени комсомол деяпсиз. Буни сизга ким айтди? Сўзим мерган ўқидек нишонга тегди. У «ай-ай!» дея калаваланиб қолди. Аммо сир бергиси келмай, бошини чангаллади:

– Ари чақди, лаънати!

– Эҳ, афсус! Лекин бир ҳисобдан яхши бўлди, у даво эмиш.

– Даво бўлмай ўлсин. Сенам менга қаердаги саволларни берасан, болакай.

Унинг жон жойидан ушлаганимни сездим. Шунда ногоҳ тун, Учқулоч қудуғи, Тельман (Чатишма) кўз олдимга келди. Ана, у менга қалин дафтар тутқазди: «Бунга ҳар кунги воқеалар, гап-сўзларни ёзиб борасан».

«Демак, – дея ўзимча фикрладим мен, – бу иткўзнинг орқасида Тельман турибди. Тельманнинг орқасида уч (бири Галина) узун ўрис. Уларнинг ортларида яна кимлар? Буни билиш қийин. Буни Тошкент ҳам билмайди. Фақат Москва... Шунда ҳам санокли кишилар...

Бир одамнинг, аниғи, Ойнурнинг кетидан қанча искович. Ойнурдек бошига иш тушган кимсалар озми? Сон-саноксиз».

Шунда ихтиёрсиз тарзда бултурги воқеа ёдимга тушди. Ўшанда Москвадан Ойнурнинг олдига собиқ курсдоши, рус аралаш яхудий дўсти Сара келганди. Ўша кимсасиз, яйдоқ чўлда икки дугона орасида кечган суҳбат хотирамда деярли тўлалигича қолган.

Сара сўзи:

– ...Тошкент, Москва... Яна ўн тўртта республика... Уларнинг ҳар бир туман, шаҳар, вилоятларда бўлимлари ва яна юзлаб ўта махфий бўлинмалари бор.

Ички ишлар тизимларида, уларнинг биз билган, билмаган бўлим, бўлинмаларида, қамоқ, прокуратура, суд тизимларида ундан-да (КГБдан-да) кўп.

Яна армия...

Куч ишлатар тизимларини (ишлаб чиқаришга дахли йўқ) миллион-миллион кишилар эгаллаб олишган. Боқиманда. Агар улар тақсимланса, ҳар бир совет кишисига икки-учтадан тўғри келади.

Буларга санаб саноғига етиб бўлмас ёлланма, қотил, искович, айғоқчиларни қўшсак, ҳисоб ортади.

Уларни тутиб туришга миллиардлар сарфланяпти. Мана, ишчи-деҳқонларнинг топган-тутганлари қаерга кетяпти. Мана, қашшоқлик сабаби манбалари...

Яна юзлаб кераксиз вазирликлар, бирлашмалар, бошқармалар, ташкилотлар... ҳам ишчи-деҳқонларнинг бошларига битган бало. Сони кўпайиб кетган солиқ тизимлари ҳам булардан айромас.

Бунинг устига, ҳаддан ортиқ қамоқхоналару миллион-миллион маҳкумлар ҳам ишчи-деҳқонларга бўйинтуруқдир. Уларнинг етмиш-саксон фоизи эса ёзуқсиз кишилар.

Яна зўр бериб қуролланишга сарфланаётган миллиардлар ўлганнинг устига тепган бўляпти.

Ойнур саволи: «Чексиз ҳуқуққа эга куч ишлатар тизимлари кимга ишляпти?»

Халққами?

«Халқлар отаси»гами?»

Сара жавоби:

«Халққа номига.

«Халқлар отаси»га».

Ойнур саволи: «У, аслида, ким?»

Сара жавоби:

«Рекетчик»¹.

Мунофиқ.

Одамер».

Ойнур саволи:

«Доҳий,

Даҳо,

Йўлбошчи,

«Халқлар отаси»

деган гаплар ёлғонми?»

Сара жавоби:

«Халқлар бўғови».

Ойнур саволи:

«Шундай экан, нега уни қуёшга қиёс қиляпти?»

Сара жавоби:

«Куч билан,

қон билан,

тарғибот билан...»

Ойнур саволи: «Мабодо Сталин ўрнига илмдан, имондан узоқ бир жоҳил қудрат ва зар ҳукмрони бўлиб қолса, унга ҳам Тангридай сиғинарларми?»

Сара жавоби:

«Шубҳасиз. Фақат КУЧ, ҚОН, ТАРҒИБОТ билан...

Мана бунга ёрқин бир мисол:

МАО...»

Ойнур саволи:

«Сталин ўзининг аслан кимлигини билар. Шундай экан, у бу сохта мақтовларга ишонадими?»

Сара жавоби:

«Ҳамма уни кўқларга кўтараверганидан кейин ишониб қолади. Унинг ўрнида бошқа бир диктатор бўлганида ҳам ишониб қоларди. Масалан,

¹ Рекетчик – йўлтўсар.

МАО...»

Чакалак узра айланаётган қарғаларнинг аччиқ-аччиқ қағиллашларидан хаёлим қочди. Яйдоқ чўл, Ойнур, Сара ғойиб бўлди. Умримда бундай суҳбатни эшитмагандим. Бевақт узилганига алам қилди. Қарғаларни сўқдим:

– Жин ургурлар!

Тўнкада итдай хурпайиб ўтирган иткўз кулди. Мен унинг кулгисида ҳадиксираш зоҳирлигини туйдим. Ўйладим: «Нимага иткўз «Буни сизга ким айтди?» деган саволимдан кўрқиб кетди? Чунки ўзининг кимлигини ўзи билмай сездириб қўйди. Лоланинг гапи тўғри чиқди: у жосус. Тегирмончи унинг лайчаси. Ҳатто танца майдонидаги Ойнур ва Сарик мижароси... қудуқ ёнида мени уриб кетишлари... ҳам Тельман томонидан уюштирилган...

Мен буларни қалин дафтарда акс эттираманми-йўқми, агар акс эттирсам, қай йўсинда, яъни айнанми, яширибми ёки қўшиб-чатибми? Тельман шуни билмоқчи. Гапнинг пўскалласини айтсам, Москва шу қалин дафтар орқали Ойнурнинг асл қиёфасини (ичини) билиб олмоқчи. «Улуғ оға»га, тузумга, сиёсатга муносабатини билиб олмоқчи. Агар Москва Ойнурнинг сўзидан зиғирча «камчилик» топса, тамом, унга «мойил» тамғасини босади. Ёхуд Ойнурнинг сўзи билан айтсам, эл орасида гап-сўз кўпаймаслиги учун «Иш»ни ими-жимиди ҳал этади. Яъни Москва Тошкентга мутлақо махфий тарзда буюради:

«УБИРАТЬ!..»

Ногоҳ мана бу сўз миямга ўқдек қадалди: «Қалин дафтар» инсон умрига нуқта қўйиши мумкин!»

Аввал жуда майда туюлган «Қалин дафтар» энди мени даҳшатга солди. Юрагим увушди. Оёқларим қалтиради. Кўз олдим ғуборлашди. Ўзимни зўрға тутдим.

«Қалин дафтар, – дедим ичимда, – менингча, Москва-нинг қабих «усул»ларидан бири.

Ҳар бир сўзни минг ўйлаб, кейин ёзаман. Яъни ўзимизга (Ойнур, Лола, Бек, мен) зарра доғ туширмай ёзаман. Тельман, иткўз, тегирмончиларнинг ҳеч бир сўзини тушириб қолдирмайман. Можарога алоҳида урғу бераман... Хуллас, ўз ёғларига ўзларини қовураман».

– Болакай, олдинга нега келганимни биласанми?

– ...

– Ҳў болакай!..

– Нима?

– Қулоғинг сал... – у атайлаб гапини тугатмади.

– Узр, – хаёлим шамол ҳайдаган тумандек тўзғиди.

– Болтанг борми?

– Йўқ.

– Теша-чи?

– Бор.

– Уч-тўрт минутга бериб тур.

– Нимага?

– Халачўпим синиб қолди. Эшак ўлгурни қулоқ-чаккасига урмагунимча юрмаяпти.

– Балки, эшак сиздан ётсираётгандир?

– Нима?! – у олдида бомба портлагандек кўрқиб кетди. Ўзи сезмаган ҳолда кепкасини ғижимлади. Чўчка қулоғидек юпқа лаблари асабий титради. Сўнг кўзимга тик боқолмай, минғирлади:

– Аҳмоқ бола! Ўз эшагим ўзимга ётсирайдими?

– Сиз, менингча, Самарқанддансиз, – баттар босим ўтказдим унга.

Унинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Ўқ нишонга тегди. Гапиролмай қолди. Вазиятни юмшатиш учун ўзимни гўлликка солдим. Шу йўл билан уни аҳмоқ қилиб ўйнадим:

– Ўзингиз шаҳарда туғилган бўлсангиз ҳам, балки, Боғдон ота юртингиздир? Шунга таътилни бу ерда ўтказишга келгандирсиз?

– Вой шумтака-ей, шуниям билдингми?

– Боғдон ҳавоси тоза-да... – дедим тагдор оҳангда ва иршайдим. – Афсус, отангиз Боғдон шевасини (ўғузча) ўргатмабди-да.

Шунда орқа томонимда тегирмончи пайдо бўлиб қолганини пайқамадим. У ўзича билимдонлик қилиб гапимга жавоб қайтарди:

– Чунки Боғдонда пахта экилмайди.

– Экилганда-чи? – чакалақдан Лола чиқиб келди.

– Экилганда ҳаво бузиларди, – тегирмончи гапни узган Лолага нохуш қаради.

– Э, тўнка! – иткўз жиблажибонни тортди.

Ҳар эҳтимолга қарши Лола уни тузоққа илинтириб қўйишни истади. Бу ўзига хос ҳимоя усули ҳам эди.

– Пахта сиёсати – нозик сиёсат. Бу гапингиз Москвага етиб борса, нима бўлади?

Тегирмончининг юзи ўлик тусига кирди. Оёқлари маъишиб, ўтириб қолди. Иткўз ҳам ерга беҳол чўкди. У Лолага ялтоқона боқиб, уни қўллаган бўлди:

– Ҳалиям сиз унга юмшоқ гапирдингиз. Отилардинг демадингиз. Лекин, хоним, у бир оми киши, уни кечиринг.

Лола атайлаб гапига сиёсий тус беришда давом этди:

– Сиз тегирмончини ҳимоя қилиясизми?

– Йўқ-йўқ! Мутлақо! – иткўз дудуқланиб қолди.

– Яқинда Ленинградга кетаман, албатта, Москва орқали...

Тегирмончи юрагини чангаллаб, сўл томонга қулади. Мен: «Найранг», – деб ўйладим ва унинг уньюқи юз-бошига бир пақир сув тўқдим, у жўрттага сескангандай бўлиб ўзига келди, иткўз жиблажибонни жеркиди:

– Артистлик қилма!

Бироқ тегирмончининг маймунсимон юз-кўзи ўлик тусига кирганди. Лола ҳам буни сезди, шу боис босимни пасайтирди:

– Ҳозирча майли... – деди иткўзга, сўнг менга буюрди: – Эврил, бу гапларни ипидан-игнасигача «Кундалик дафтар»ингга ёз. Йил, кун, соат, минутигача...

Иткўз «ялт» этиб менга қаради. Унинг «Кундалик дафтар»ни «Қалин дафтар» деб тушунганини сездим. Тегирмончи эса бунинг маънисини туймади. Жонланди. Демак, у «Қалин дафтар»дан беҳабар.

Ҳамиша ўзим билан бирга олиб юргувчи «Қалин дафтар»га кечган гапларни ёздим. Лоланинг сўзи билан (зарурат туғилганда сакрамасликлари учун) ёзувим тагига аввал жиблажибонга қўл қўйдирдим. Иткўз орқасига ўт тушган кимсадек типирчилаб қолди. Лолага йиғламсираб ялинди. Лола қаттиқ турди:

– Қўл қўйсангиз, ёпилган қозон ёпилганича қолади. Йўқса...

Охири иткўз қалтираб имзо чекди ва шалвираган ҳолда:

– Хатга тушдинг – ўтга тушдинг, – деди.

Иткўзга тешани бердим. У ёнғоқнинг тик, силлиқ навдасига теша урди. Лола унга қичқирди:

– Кесиш тақиқланган!

– Ўзим жавобини бераман, синглим.

– Қонун ҳаммага тенг. Ёки «ўзимизники» деб сизни четлаб ўтадимиз?

Лола «ўзимизники» сўзига урғу берди.

Иткўз ёзилмага¹ ғижимлаб ташланган қоғоздек бужмайиб қолди. Тешани менга ҳолсиз узатди. Унинг ташвишу қўрқувга кўмилган юз-кўзидан «Кимлигимни сезиб

¹ Ёзилма – ҳожатхона.

қолишди» деган ифодани ўқидим. Иткўз учун ўлимдек кўрқинчли бўлган бу ифода унинг юрагини ханжардек тилаётган эдики, буни ҳам туйдим. Фаҳмимча, Лола ҳам.

Иткўз боши мажақланган илон мисол тегирмонга судралди. Думбул жиблажибон унга дум бўлди. Лола оғир «ух» тортиб, деди:

– Ўзимнинг бу «ишим» ўзимга тубан туюляпти, Эврил.

– Хижолат чекманг, Лола опа. Сиз Қорақоядан қайт-гунингизча мен ҳам иткўзга қарши айна шундай «жанг» қилдим. Бу ҳам курашнинг бир тури. Ўзимизни ҳимоя қилишимиз учун бизда, менимча, бошқа йўл йўқ. Ойнур опамни асрашимиз керак.

– Йиллар кечиб, ҳур замон келса, мабодо сен бу ҳақда ёзсанг, эркин авлодга бизнинг бу «иш»имиз бачкана ва жирканч туюлмасмикан?

– Йўқ, Лола опа, мен асослаб ёзаман. Замон бизни шунга мажбур қилганини асослаб ёзаман.

– Менинг эслигина иним! – Лола мени қайноқ оғушига босди. Айна бундай ёндиргувчи ҳароратни Ойнурда ҳам туйгандим.

Қандоқ ўхшашлик!

Бетакрор ўхшашлик!

– Энди исковичнинг жони сенинг қўлингда, Эврил. «Қалин дафтар»ни кишитопмас ерга бекит. Унинг ўрнига шунга ўхшаш бошқа дафтар тут. Энди иткўз уни ўғирлашга киришади. Жон-жаҳди билан. Тегирмончини ҳам ишга солади.

– Ўзим ҳам шуни ўйлаётгандим, Лола опа. Хотиржам бўлинг.

Бизнинг Оқтой деган оқ, улкан, эсли итимиз бўларди. Бўри ҳам унга бас келолмасди. Оқтойнинг ўтганига кўп замон кечган. Аммо катаги ҳовлимиз четида ҳамон ташландиқ ҳолда мунғайиб турарди. «Қалин дафтар»ни қути-

чага солиб, шу катак остига кўмдим. Бундан Лола севинди ва «Коса, коса тагида нимкоса» қабилда гап қилди:

– Эврил, сен билан бирга «Саваш»га кирсам бўлади. Мабодо жангда яралансам, сен мени ташлаб кетмайсан. Бу сўздан бир қарич ўсгандек бўлдим.

43

Осмонда юлдузлар бўртаётганда «Ўрол»да Ойнур ва Бек келишди.

– Олтинкон нотинч, – деди Ойнур сойда ювиниб, кийимларини алмаштириб чиққач. – Ҳалиги икки каснинг кўзларини ким яралаган? Ўшани милиция қидириб, Учқулочни остин-устин қиляпти. Бунга сиёсий тус ҳам бeryпти. Фақат зимдан, элга сездирмай.

– Сездирса-чи? – беихтиёр сўрадим.

– Сездирса, «СССРда барча миллат тенг, тинч, тотув яшаяпти» деган сиёсатига ўзи қарши чиққан бўлади.

– Чингизхонни Чимкентга жўнатамиз, – Лола бирдан истагини билдирди. – Боғ уйимиз бўш ётибди. Шу баҳонада у боғни ҳам тартибга солади.

– Ўқиши-чи?

– «Иш» ёпилгунча Чимкентда ўқийди.

– Ўзи кўнармикан?

Бу гап-сўз кечганда Бек сойда чўмилаётганди. Чикди. Унга Лоланинг таклифи болдек ёқди.

Тун тинч кечди. Ҳали тонг ёришмасдан Ойнур ва мен Чингизхонни Осмонсой бекатидан Чимкентга кузатдик. Ўзимиз «Ўрол»да чўлга кетдик. Ҳайдашни унча эплолмаганимга рулга Ойнур ўтирди. Лоланинг ёлғиз ўзи Боғдонда қолди.

Бу пайтга келиб ярам битган, Лола эса сўнгги «оқ доғи»дан қутулиш арафасида эди. Аниқ эсимда йўқ, уч ёки

тўрт кундан кейин машъум «нуқта»дан асар ҳам қолмади. Лоланинг севинчи арши аълога етди. Лочин табиб, Нормомо, онам, Ойнур ва мен ундан кам қувонмадик.

Бешинчи куни (жума) кечқурун Ойнурнинг қистови билан онам ҳам «Ўрол»га ўтирди. Учқулоч билан Боғдон оралиғи чўл бўлиб, унинг айрим ерларига лалми буғдой, арпа, қовун-тарвуз экиларди. Янтоқ, шувоқ, исириқ каби ўт-ўланлар ўсган, бепоён яйловларда қўйлар боқиларди. Йўл-йўлакай Ойнур Арслон отли таниш чўпондан оқ қўй сотиб олди.

– Хола, сизлар, – деди Арслон онамга ҳурмат ва такаллуф билан боқиб, – «Ўрол»да эркин бораверинглар. Қуёш чикмай мен қўй билан тарвузларни ўз «Люлка»мда етказаман.

– Сизни ташвишга солиб қўймаймизми, иним?

– Йўқ-йўқ, хола, чин кўнглимдан айтдим. Аҳмат Оксоқолнинг бизга кўп хизмати сингган.

– Қайнотамни эслаб руҳини шод этдингиз. Раҳмат! Энди ундай кишилар дунёга келадими, йўқми, билмайман. Сизни Тангри сийласин, Арслон иним.

Хайрлашдик.

Лола ва Нормомо бизни зўр қувонч билан кутиб олишди. Нормомо онамни кучоқларкан, ҳазиллашди:

– Шаҳарлик бўлиб кетиб, Боғдонни ҳам унутиб юбордингиз, Саодат ойим.

– Ўлибманми, Нормомо, – онамнинг буғдойранг юзлари тонгда қуёшнинг илк нурлари тушган лоладек порлади. У камдан-кам ҳолларда бундай яшнаб кетарди.

Шу онда унинг мунг ўтириб қолган мунис кўзларидан келин бўлиб тушган уйини беҳад соғинганини илғадим. Ўша тотли кечмиш, отам, бобом, момоларим кўз олдидан ўтаётганини, уларни, у эркин замонларни қўмсаётганини сездим.

Ювиниб, артиниб, супага ўтирдик. Нормомо билан Лола тергига оқ чинни косаларда қайнатма шўрва, сўнг оқ чинни лаганда каклик эти олиб келишди. Емоқ олдидан онам:

– Уйимиз ҳам сизлардек очилиб кетибди, асал қизларим! – деб севинди. – Ҳаммаёққа файз кирибди. Қани, доим шундай бўлса! Қани, доим чироғимиз ёниб турса!

Онам яна отамни эслади. Буни ички бир сезги билан сездим. Кўзлари ёшга тўлди. Армонли ёшга.

Емоқдан кейин ҳам анчагача гурунглашдик. Қалбларимиз яйради.

Қуюқ тунда Ойнур ва мен «Ўрол»да Нормомони уйига қўйиб қайтдик.

44

Эрта тонгда Арслон чўпон қутили мотоциклида бир тандир нон, оқ қўй ва қовун-тарвузлар билан етиб келди. Қўлларини совунлаб ювиб, қўйни сўйди. Икки кўчма темир ўчоққа қозонлар осилди.

Таклифга биноан ўтиришга¹ Оқилбек уста (бахши), Қарши мўйлов, Саттор сўфи, Ғазна бахши, Норгул момо, Хумор опа каби ўн беш киши келишди. Табиб билан Нормомо маърака бошида туришди. Худди Аҳмат Оқсоқол давридагидек тепада бир муддат ҳаёт қайнади. Онам кулоғимга ўксик оҳангда шивирлади:

– Супада отанг билан бобонг ҳам ўтиришгандек туюл-япти менга, ўғлим!

Маъракадан сўнг Ойнурнинг сўзи билан онам Лочин табибга олтин соат, Нормомога олтин узук ва бир сидрадан қимматбаҳо кийим-бош совға этди. Нормомо:

¹ Ўтириш – замон нозиклиги учун Ойнур ҳар эҳтимолга қарши «худойи»ни «ўтириш» деб атади.

– Йўқ, қўйинглар, ўргилайлар, бизни уялтирманглар,
– деб қаршилиқ қилди.

Лочин табиб оёғини қаттиқ тираб олди:

– Ўзи энг ёмон кўрганим шу. Ҳамма нарса беминнат бўлса, ота-бола бўлиб қоламиз.

– Қўлимизни қайтарманг, табиб, – деди онам, – ахир, бу – совға.

Ойнур онамнинг сўзини қувватлади:

– Совғани ҳеч ким қайтармайди. Ҳатто шоҳлар ҳам. Бу – кўнгил иши.

Лочин табибнинг юзида иккиланишга ўхшаш ўзгариш пайдо бўлди. Нормомо ҳам ўйланиб қолди.

– Сиз сабабли, Лочин оға, мудҳиш дарддан халос бўлдим, – деди Лола. – Бу сиздан менга бир умрлик эсдалик. Бунинг олдида совға нима деган нарса? Чақа ҳаммас.

Ойнур Лочин табиб билан Нормомони кучиб:

– Соат ё узукка кўзларингиз тушган онларда бизларни ҳам эслаб қўйишларингизни истаймиз, – деди.

Қип-қизариб кетишди.

Олишди.

Бозор куни ҳам эр-хотин билан тун ярмигача бирга бўлдик.

Тонгда бизни Учқулочга кузатиб қўйишди.

Беш кундан кейин «эгизаклар» Тошкентга кетишлари, у ерда бир-икки кун бўлиб, Чимкентга ўтишлари керак эди. Шунгача Лола бизнинг кулбада яшашни маъқул топди. Унинг кичикфеъл қиз эканини, эркин, содда, осуда ҳаётни ёқтиришини туйдим. Онам ҳам уни Ойнурдек ёқтириб қолган эдики, бундан севиндим.

Нонуштани кейинга қолдирдик. Онам шошиб ишга кетди. Ойнур таътилга чиқиш учун идорага ёнди. Лола мендан кўққис сўради:

– Эврил, «Қалин дафтар»ни катакдан олишни унутмадингми?

– Унутмадим, Лола опа.

– Янгиси...

Лола сўзини тугатишга улгурмади. Супа ёнида турган «Ўрол»га югурдим ва шошиб юкхонасини очдим. «Правда» газетасига ўралган янги дафтар йўқ эди.

– Ўғирлашибдими? – Лола ортимдан чопиб келди.

– Ҳа.

– Билувдим... Ҳечқиси йўқ, Эврил. Қайтага яхши бўлди, иркит «иш»дан қутулдинг. Эскисини ҳозирроқ яшир. Энди унга бир сўз ёзма. Уқтингми?

– Ҳа.

– Бекит, мен супада пойлоқчилик қилиб тураман.

– Хўп, – уни тақиқланган китоблар турган ерга – ертўлага яширдим.

46

Онамнинг кўнгли сезган экан. Қизларнинг Бошкентга жўнашларига бир кун қолганда (1953 йили) ерликлар билан келгиндилар ўртасида қонли тўқнашув юз берди.

Бунинг сабаби қуйидагича:

Келгинди хотинлар орқа тарафи тоққа тақалган дўконда¹ Олтиной отли кампирни навбатидан сиқиб чиқарадилар:

– После нас, ишачка!

¹ Тоққа тақалган дўкон – орқа томони деворсиз (девор ўрнида тоғ) бу дўкон ҳозир ҳам турибди.

Кампир ҳам уларга заҳарини сочади:

– Сассиқ чўчқалар! Мен ўз навбатимда турибман. Сенларнинг мендан ортиқ ерларинг йўқ!

– Ванючка! Ўзингдан кетма! Кимлигингни бил!

Хотинлар Олтинойни дўппослайдилар. Унинг оғзибурнидан қон келади. У йиқилади.

Халқ «Фалокат оёқ остида» деб бежиз айтмаган. Айни шу дамда биз (Лола, мен) чой, шакар, колбаса олгали магазинга боргандик. Теграни қоронғилик тумани қуршаётган эди. Қони қайноқ Лола ўзини тутиб туролмади.

– Тўхтанглар! – дея рус тилида чинқирди. – Бас қилинглар! Ўлдириб қўясизлар!

Бақалоқ бир хотин сумкаси билан Лоланинг бошига урди:

– Заткнись, сучка! Ни тебе нас учить!

Қутурган тўда баттар қутурди. Хушсиз кампирни тепа бошлади. Лола жон-жаҳди-ла улуғ рус шовинизми руҳи билан суғорилган телба тўдани ёриб, суриб, уни қутқазишга ошиқди. Эчкидай озғин, эчкибашара, қошсиз (қоши ўрнига бўёқ суртилган) хотин эчкидай маъраган овозда тухмат уруғини сочди:

– Манави танноз ювиндининг тарафини оляпти, миллатчи, русга қўл кўтаряпти.

Издан чиққан машъум тўда айюҳаннос солди:

– Ур манжалақини!

– Ур қанжикни!

– Ур жалабни!

Лола тухмат, таҳқир, калтак остида қолди. Бироқ чекинмади. Юз-боши қонга беланган, қўйлаги йиртилган ҳолда бор кучи билан кампирга қўмакка интилди.

Жанжалга қўчадан ўтиб-қайтаётган йўловчилар (ерликлар ва келгиндилар) қўшилдилар. Кўз олдимда жанжал улғайиб борди.

Урушга айланди.

Ваҳший оломон Лолани суриб чиқарди. Худди денгиздан пўртана суриб чиқарган медуза мисол. Вақтни бой бермай унинг қўлидан маҳкам тутдим. У силтаниб чиқмоқчи бўлди. Чиқолмади. Бор кучим билан уни уй сари тортдим. Йўқ, тўғриси, судрадим. Судрашга мажбур бўлдим. Қоронғиликка шўнғиганимизда милиция хуштаги чирилади.

Чамамда, ерликлар келгиндилардан ўн мартача оз эди. Улар ерликларни тутдек тўкишаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Қочмаганимизда биз ҳам аянчли аҳволда қолардик.

Лола алам, ғазаб, нафратдан йиғлади.

Хўрланган кампирни ўйлаб йиғлади.

Ерпарчин бўлаётган кишиларни ўйлаб йиғлади.

Қўлидан ҳеч иш келмаганига йиғлади.

Онам уни бағрига босиб, сочларини силаб овутишга уринди:

– Тинчланинг, қизим!

Тинчланинг, оппоғим!

Анчагача овутолмади.

Пақир билан тоғорага илиқ сув ҳозирладим. Онамнинг қистови билан Лола тўрт томони ҳам бўз билан тўқилган ҳовли бурчагида чўмилиб, кийимларини алмаштириб олди.

Онам билан Лола ухлаш учун уйга киришди. Мен супада ётдим. Лекин ухлолмадим. Онам билан Лолага сездирмай жанжални кузатиш учун томга чиқдим. Гўё Учкулочда ҳеч нима юз бермагандек, ой, юлдузлар жимгина нур сочмоқда. Аммо ҳамон дўкон атрофи нотинч. Кутурган оломон тўфони сусайган, бақир-чақир, дод-вой, сўкишлар пасайганди.

– Яхшиям, Ойнур Самарқандга¹ кетган, – дедим ичимда. – У бобоси Эрхон ботирдек ноҳақликка чидолмасди, савашга қўшилиб кетарди. Ана унда оқибати ёмон бўларди.

Оқибати...

Оқибати...

Оқибатини аниқ тасаввур қилолмасам ҳам, бундан не учундир даҳшатга тушдим. Не учун? Билмайман, аниқ сабабини билмайман. Ўй, қўрқув қуршовида «инграётган» юрагим гўё ёмон бир хавфни сезаётгандек эди. Қандоқ хавф? Билмайман. Тун салқин бўлишига қарамай, ҳаммаёғимни тер босди.

Шу он довонда (тоғ тепасида) улкан бир ёруғлик пайдо бўлгандек туюлди. Шошиб бошимни кўтардим. Адашмабман. Одатда, бундай буюк ёруғлик вулқон отилаётганда юзага келади. Лекин еру кўкни ларзага солгувчи ўқирикни эшитмадим. «Демак, бу вулқонмас, – деб ўйладим. – Бу ёнғин».

Бироқ бирпасдан сўнг янглишганимни сездим. Тоғдан сон-саноксиз отлиқ сон-саноксиз машғала билан қутурган оломон сари қутуриб қўйила бошлади. Уларнинг қўлларидаги болта, белкурак, ов милтиқлари дам аниқ, дам хира кўринаётир.

Отлиқлар дўконга телба селдай яқинлашаркан, энг олдда, қорабайирда қуюн каби учиб келаётган отлиқ камчи ўйнатароқ қичқирди:

– Ур! Қонга қон! Жонга жон! Ур!

Отлиқларнинг ҳайқириқлари тунни титратди:

– Ур!

– Аяма!!

– Ур-а-ур!!!

¹Эллигинчи йилларда Фориш тумани ҳам, Учқулоч олтин кони ҳам Самарқанд вилоятига қарарди.

Келгиндилар оний олишувдан сўнг жунбишга келган қасоскор кучга бас келолмасликларини билдилар:

Тоққа қочдилар.

Йиқилиб, сурилиб, сочилиб қочдилар.

Довдираб, додлаб, вой-войлаб қочдилар.

Бу пайтда тонг ёришаётган эди.

Тоғда қиёмат қўпти...

Тушга қолмай Фориш, Жиззах, Самарқанд ва Тошкентдан машина-машина миршаблар етиб келишди. Улар исёнчиларга баллонлардан аччиқ газлар (нафас йўлини бўғувчи, кўзни ачиштириб, ёшлантирувчи) сочароқ, автоматларда порохли ўқлар отароқ уруш майдонини ҳалқага олишга киришдилар.

Айни шу чоқ Ойнур Самарқанд – Фориш – Учқулоч автобусида Олтинконга келиб тушди. Унга дўконда кечган воқеани айтдим. Унинг ғамли, ҳорғин юзлари қор тусига кирди. Кўрқув ва аламдан титради. Дарҳол Лолани (жомадони билан) мажбуран «Ўрол» қутисига ўтказди.

– Ҳали вақт бор, – деди у кўрқувга ғарқ овозда қалтираб, – улгурамиз. Ҳозир, ҳозироқ милиция савашни бостириш билан овора пайтда бу ердан эсон-омон кетиб олишинг керак. Эсон-омон! Тушуняпсанми, Лола, азизим!

Ойнурнинг сўз, ҳаракатлари шундай қатъий, кескин эдики, Лола унга индамай итоат этди. Мен «Ўрол»нинг орқа ўриндиғига ўтирдим. Ойнур мотоциклни тўғри Қизилқум саҳроси сари ҳайдади.

Ўттиз дақиқа кечмай Учқулочдан бир неча чақирим этакдаги қумтепалар оралаб кетган йўлга чиқдик.

У замонда Орол заволга юз тутмаган, Ҳайдарқўл вужудга келмаган эди. Бу сувсиз, қумли сўқоқ Форишнинг «Ильич» совхозига қўшни Чимкент вилоятининг Чордасига элтади.

Уч соатча чамаси мудҳиш ўйлар исқанжасида бир он ҳам йўлдан кўз узмай йўловчи машина кутдик. Ойнур Лола билан мендан кўра ҳам қаттиқ ташвишга тушди:

– Машина уруғи қуриб кетганми?

– Кўп ҳам қайғураверма, Ойнур. Ҳеч қандай айбим йўқ. Ҳимоясиз кампирга кўмак бермоқчи бўлдим. Аммо буни ҳам эплотмадим. Қайтага, ўзим калтак, таҳқир остида қолдим.

– Тухмат нималигини биласанми, Лола?

Юз минглаб одам тухмат билан қамоқда ўтирибди.

Юз минглаб одам тухмат билан отилган...

Фитрат, Чўлпон, Қодирий...

Сон-саноқсиз...

Сен бир ўзинг...

Улар кўп.

Сенинг гапинг ўтмайди.

Соғ-саломат кетиб ол, Лола.

Ич-ичимдан Ойнурнинг сўзи тўғрилигини ҳис этдим.

Бирон-бир машина кўринармикан деган умидда улкан қизил барханга чиқдик. Йўқ. Кун ёнаётир. Шошганимиздан сув олмабмиз. Чанқадик. Ойнур бизни чалғитиш учунми, ташландикдай кўринган сўқоқни мақтади:

– Бундай пайтда бундан яхши йўл йўқ. Қумтепалар кўчиб юрса ҳам, бу хавфсиз, тинч йўл.

Унинг эсига бир нима тушдими, йўлга қараганча ўйланиб қолди. Хийладан кейин ўкинч билан деди:

– Бу йўл ҳам ғанимат...

– Нимага, Ойнур? – ҳайрон бўлиб сўради Лола.

– Ўтган кузда академик Ҳабиб Абдулла Учқулочга келганда бу ерларда ҳам бўлган, Лола. Ўшанда у шогирдларига¹ «Пахтага эҳтиёж йил сайин ўсиб боряпти. Бу талабни Москва Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳисобига қондиришни, пахта планини олти миллион тоннага етказишни режалаштиряпти.

Олти миллион тонна!..

Бу, шубҳасиз, буюк ютуқ.

Бу – дунёда рекорд кўрсаткич.

Лекин?

Лекин бунга биринчи галда сув зарур бўлади.

Жайхун суви.

Сайхун суви.

Яна ўнлаб сув омборлари...

Бироқ?

Бироқ, менимча, бундан бошқа муаммолар келиб чиқади.

Биринчи:

Орол муаммоси.

Сабаб:

Ўзанларида азалдан оқиб келаётган дарёлар (Жайхун, Сайхун) Орол денгизига оқмайди.

Пахтага оқади.

Орол ҳоли не кечади?

Иккинчи:

Қизилқумдаги юзлаб овуллар, очилмаган қонлар сув остида қолади.

Миллионлаб қўйлар, туялар ўтлоқсиз қолади.

Сабаб:

¹ Ҳабиб Абдулланинг иккита ишонган шогирди. Бири Ойнур билан яхши муносабатда бўлган. Унинг оти эсимда йўқ.

Пахтани қондирган оқова сувлар Арнасойга оқади, Арнасойдан Чордарага оқади, Чордарадан Қизилқумга оқади¹.

Учинчи:

Экология бузилади.

Тўртинчи:

Пахтадан ер чарчаган.

Мен Москва бу масалада ақл билан иш тутар деб умид қиламан», – дейди.

– Бунга ишонгим келмайди.

– Ўзбек тупроғида пахтадан бошқа нарса экиляптими? Лола Ойнурга жавоб беролмай жим қолди.

Сукунатда вақт кечди.

Ниҳоят, узоқда чанг-тўзон кўтарилди. Буни қизларга кўрсатдим. Ойнур севинганидан сакраб-сакраб чапак чалди. Тепадан сўқоққа эндик. Йўл ўртасига «Ўрол»ни кўйдик. Ўзимиз унинг икки ёнида турдик. Ўн дақиқа кечар-кечмас устига юк ортилган «Зил» қаршимизга келиб тўхтади. Чанг-тўзон ичида қолдик. Уст-бошимиз қумга тўлди.

– Тинштиқпа? – қозоқ ҳайдовчи кабина эшигини очиб, бошини чиқарди ва «эгизаклар»га қараб хайрону лол қолди. Унинг юз-кўзидан «Тушимми, ўнгимми?» деган ифодани ўқидим.

– Йўлни тўсганимиз учун узр, оға, – Ойнур унга мулоийим боқди, – Чордарага кетяпсизми?

– Жўк, Жамбулга.

– Шу қизни Чимкентгача олиб кетолмайсизми? – Ойнур ҳайдовчига Лолани кўрсатди.

– Сизмайди, кабинада экиқабат қатиним бор.

¹Узун йиллар кечиб Ҳабиб Абдулланинг сўзи ўз исботини топди: Орол денгизи қуриди, Қизилқумни сув босди, минглаб овуллар сув остида қолди, миллион-миллион қўй-туялар ўтлоқсиз қолди.

– Олағұй, Сакен, ол, сүйлесип кетемиз, – кабинанинг ўнг эшиги ҳам очилди. Ундан ўрта ёшли хотин бир-биридан ажратиб бўлмас хурилиқоларга худди мўъжиза кўрган каби ажабланиб, суқланиб тикилди. Кейин меҳрли овозда Лолани ўз ёнига чорлади: – Келағұй, қариндасим, келағұй.

Ойнур билан Лола гўё мангуга айрилишаётгандек бир-бирини қайта-қайта бағрига босиб, ўпиб хайрлашди.

Унсиз йиғлаб хайрлашди.

Ўксиб йиғлаб хайрлашди.

Бундан менинг ҳам жигар-бағрим хун бўлди. Кўзларим ёшга тўлди.

– Лола, азизим, таътилга чиқишимга хужжатларим тахт десам ҳам бўлади. Тангри насиб этса, уч-тўрт кунда Чимкентда юз кўришамиз.

Ойнур сўзларига ўзи ишонмаётгандай эди. Балки, янглишаётгандирман. Ҳар нарсани Тангри билгувчи.

Лола «ЗИЛ»га чиқаркан, Ойнур:

– Балки, сен билан бирга Ленинградга ҳам борарман, – деди армонга қотилган хўрсиниқ овозда. – Ленинградни кўрсам, Рим, Париж, Лўндўнларни кўргандай бўламан, Лола. Оқ тунларда гўзал Нева қирғоқларида сайр қилиш қанчалар ёқимли! Агар вақт тополсанг, Болтиқ денгизида, елканли кемада Пушкин ўқиган лицейга ҳам бирга борамиз.

– О, албатта, Ойнур, меҳрибоним!

Бу қалб сўзларидан қизларга бениҳоя ҳавасим келди. Мен ютиндим.

Беихтиёр кўнглимдан ушбу фикр кечди: «Қани мен ҳам Ойнур, Лолалар билан бирга ўша гўзал ерларни кезсам!»

«ЗИЛ» кучаниб силжиди. Кўздан ўчмагунча турган еримиздан жилмадик. Ойнур енгил нафас олди. Бироқ

унинг кўзлари тубида қандайдир ғулғула борлигини, у буни яширишга уринаётганини сездим. Ўзимнинг ҳам кўнглим нотинч эди.

48

Гарчи Лолани эсон-омон кузатиб қўйсак ҳам, бундан бениҳоя севинсак ҳам, нима учундир кўнглимиз ғаш эди. Шунга Учқулочга оёғимиз тортмай, руҳсиз бир алпозда қайтдик.

– Мен чарчадим, – Ойнур «Ўрол»ни ҳовлимизнинг қуёш тегмас бурчагига қўйди. – Қаттиқ чарчадим, Эврил. Ҳозир ётоққа бораману али-балли ювинаман-да, ухлашга ётаман.

– Бизникида қола қолинг, Ойнур опа.

– Кийимларимни алмаштираман-да, Эврил, – у истаристамас ташқарига йўналди.

Бу чоғда уруш энди бостирилган, ҳар икки томондан ҳам одам ўлган эди.

Анча одам...

Яна ярадорлар...

Сони номаълум.

Ўликларнинг ҳам, мажруҳларнинг ҳам «ҳид»ини чиқармасдан, тезда, яширин тарзда олиб кетишди.

Қаёққа?

Билмадим.

Эл билмади.

Дунё билмади.

Бу воқеа менинг кўз ўнгимда кечди.

Уруш шафқатсиз бостирилган ондан ўлароқ тузум турланувчилари уни «Тўполончилар тўқнашуви» деб атай бошладилар.

Ой катилаётган ушбу тунда супада ўтирарканмиз, Ойнурнинг пуштиранг дудоқлари сезилар-сезилмас очилди ва эшитилар-эшитилмас овозда деди:

– Дунёни алдаш учун Москва бу «атама»ни тўқиган.

Бу пайтда онам уйқуда эди. Мен паст товушда Ойнурга дедим:

– Мағзини чақолмадим.

– Москва ўзи юритаётган сиёсатга қарши бормайди.

Мана, Бош Йўриқдан бир мисол: «Совет Бирлигида барча миллат тенг, тинч-тотув, фаровон яшаяпти. Бу дўстликни дунёда ҳеч ким ва ҳеч қандай куч бузолмайди.

Дўстлигимиз абадий».

Ойнурнинг фикри тўғри чиқди. Учқулоч қонли тўқнашувига СССРдаги барча оммавий ахборот воситалари кўз юмди. Уни кўриб кўрмасликка олди, эшитиб эшитмасликка олди.

Лекин?

Лекин мутлақо яширин тарзда иш кўришди.

Зимдан.

Мутлақо зимдан.

Бу Москванинг мутлақо махфий топшириғи эди.

Аммо, шунга қарамай, Учқулоч конига яқинда бошлиқ бўлиб келган Сокол (яхудий) ерликларга ён босди. Учқулочда кечган нуфузли йиғинда у:

– Маҳаллий аҳолида айб йўқ, – деб очиқ айтди.

Бундан Ойнур беҳад севинди. Онам билан мен ҳам.

Мишмишларча, Сокол КПССнинг энг суянган тоғларидан бири – Суслов (яхудий)нинг қариндоши эмиш.

– Соколнинг орқаси мустаҳкам бўлмаганда, у бу гапни айтмасди, – деди Ойнур онамга.

Савашдан бир кун ўтгач кечқурун ўша ўрис бола яна кулбамизга келди. Уйда бир ўзим эдим. У менга тиржайиб боқароқ буйруқсимон оҳангда деди:

– Тун чўкканда қудуқ бошига эн!

Унинг каламушга ўхшаш ювуқсиз башарасига тупургим келди. Бироқ ўзимни тийдим. У оч кўзларини лўқ қилиб, сарғайиб кетган кир тишларини кўрсатиб иршайиб тураверди:

– Жўна! – дедим титраб.

У гапимга парво қилмай деди:

– Эсингдан чиқмасин!

Мен иркитни ўлгудек дўппослагим келди. Лекин Тельмандан кўрқдим.

– Йўқол, исқирт! – дея тишимни тишимга қўйдим.

У «думи»ни қисиб, жўнаб қолди.

Ой ҳали чиқмаган эди. Ҳар эҳтимолга қарши Бекнинг кумуш сопли пичоғини қини билан чилвирда белимга боғладим. Кўлимга «Қалин дафтар»ни олдим. Айтилган ерга бордим ва иркит болага дуч келдим. У менга ёвузона қараб, тўнғиллади:

– Орқамдан юр.

– Қаерга?

– Учқулоч ота¹ гўрига.

Кўрқдим. Оёқларимни қалтироқ босди.

– Бормайман.

– Қуёнюррак!

– Башарангни бузиб қўяман, каламуш! – уни хиппа бўғдим.

– Тегма! – қоронғидан Тельманнинг овози эшитилди.

¹ Учқулоч ота – Қудукдан юқорирокда, тоғда Учқулоч ота қабри бор. Айтишларича, у Учқулоч қудуғини очган экан.

Мен иркитни бўшатдим. У ўтириб қолди. Шу зум Тельман «лип» этиб ўртамизда пайдо бўлди. Ўрис бола ўзига келди. Қалқди. Кутилмаганда жағимга мушт туширди. Мен унга жавоб қайтаролмадим. Тельман мени тутди. Аламдан тишларим сингудай қирчиради. Тельман атайлаб ўрис боланинг кўкрагидан итарди:

– Ўч!

Ўчди.

– Бу ерда эркин гаплашолмаймиз, йўловчилар... – у гапни тугатмади, мени тоққа бошлади.

Кундузлари ҳам одам уруғи анқо Учқулоч ота қабрига ўрладик. Атрофи тошлар билан ўралган мазор. Бироқ у деярли йиқиқ ҳолда. Вақт уни шу ҳолга солган.

Ҳисобсиз, шафқатсиз вақт.

Оқ, кўк, қизил... латталар боғланган чирик таёқлар ҳар тарафда сочилиб ётибди.

Учқулоч ота ким? Унинг оти нима? У қачон яшаб ўтган? Бунга ҳеч ким билмайди. Тарих ҳам.

Бужур тошларга юзма-юз ўтирдик. Ярим ой, юлдузлар ёғду сочади. Қизилқумдан салқин эпкин келади. Тельманга сездирмай (кўйлагимнинг устидан) пичоқни тез-тез ушлаб қўяман. Қўрқувдан юрагим титрайди.

«Қалин дафтар»ни Тельманга бердим. Иткўз билан тегиримончи воқеасини айтдим. Унинг кўзлари ваҳшиёна чақнади, юзлари асабий буришди.

– Ўғирлашди дегин?! Аминмисан?

– Ҳа. Бу дафтарда икковининг ҳам имзоси бор.

– Бўлди, тушундим, – у гапимни кесди. Жим қолди. Кейин нимадир дейиш учун оғзини очди. Лекин негадир қайта юмди. Кўкқис тўппончасини олди. Фаҳмимча, отишгасиз, қўрқитишга. Шундай эса-да, мени титроқ босди.

– Майли, кет, – деди у. – Кетавер. Сенам ўзингга етганча экансан.

Ваҳм қуршовида пастга эна бошладим. Қўққис у тўп-пончасини шақиллатди.

– Тўхта!

Унинг ёввойи ҳайвондек хириллаган овози гўё ўққа айланди, елкамни тешиб ўтди. Оёқларим майишди. Тошга қоқилдим. Йиқилдим. Қўркувданми, оғриқданми, билмайман, инградим.

Тельман енгил, эпчил одам эди. Бир-икки сакраб олдимга энди. Мени турғазди.

– Раҳмат, – дедим.

– Иштонингни ҳўллаб қўймадингми, ишқилиб? – дея хохолаб кулди.

Унинг сўзи ҳам, кулгиси ҳам гўрдек совуқ туюлди. У томдан тош тушгандек, кутилмаганда саволга тутди:

– Ҳа, айтгандай, кеча шомда сени Ойнур билан бирга магазинда кўргандек бўлдимми?

Юрагим бир бало-қазони сезгандек «шув» этди. Ўзимни ўнглаб ва фикримни жамлаб олиш учун Тельманга сир бермасликка тиришдим. Атайлаб чапи тиззамни чангалладим:

– Вой-вой!

– Юракданам бор экан-да.

Тельманнинг «ўқи» нишонга тегса ҳам, бизни дўконда кўрганига ишонмадим. Қолаверса, Ойнур бу пайтда Самарқандда эди. Пихини ёрган каззоб бизни тузоққа илинтириш учун пушкага оляпти. «Шохи»да юравер, ялоқ!

– Ойнур опа билан дейсизми? – ўзимни босиб олиб, ўсмоқчилаб сўрадим ундан.

– Такрорлашни ёмон кўраман, болакай.

– Ўша кунни Ойнур опам эрта тонгда Сокол билан Самарқандга кетган. бир кундан сўнг у ердан тушда Учқулочга қайтди.

– Кулоққа тепма!

– Текшириб кўринг, – дедим ишонч билан.

– Агар ёлғон сўйласанг, пешонангдан дарча очаман!
– у тўппончани манглайимга тиради. Шундай қалтис, ҳалокатли онда кутилмаганда миямни қуйидаги сўзлар забт этди: «Одам ўзини ўзи тугал биладими? Менимча, йўқ. Балки, эллик, нари борса, олтмиш фоиз билар. Ҳозир Тельман тепкини босса, тамом, мангу қоронғиликка юмалаб кетаман. Бироқ кўркувим негадир бирдан чекинди. Нимага? Сабабини билмайман. Менда журъат туғилди. Қандай туғилди? Буни ҳам билмайман. Ҳатто Тельманни ўлдириш фикри ҳам бошимга келди. Ўлдирсам, бир туким ҳам «қилт» этмайди, виждоним ҳам азобланмайди, аксинча, лаззатланади. Очун ҳам бир ялтоқ, сотқиндан тозаланади».

Менимча, шу сония менинг томирларимда кўркув билмас бобом – Аҳмат Оқсоқолнинг асов қони гупириб, қайнаётгандек эди. Тўппончани нари сурдим ва дедим:

– Мен чин сўзладим. Сиз билан бошқа гаплашмайман.

– Отаман!

Ўзимни бошқаролмай қолдим. Пичоғимни шарт суғурдим. Унга телба янглиғ ташландим:

– Сўяман!

– Ҳой-ҳой, болакай, ўпкангни бос! – Тельман бир сакраб ўзини четга олди. – Сен билан ҳазиллашдим. Сени синаб кўрмоқчи бўлдим.

Тельман каратэга ўхшаш жанг санъат турларини эгаллаган бўлиши мумкин. Чунки «касби» шуни тақозо этади. Тан оламан: у мендан кучли ҳам эпчил. Шунга қарамай, у муросага келишни истади. Йўқ, буни кўрққанидан қилмади. «Шу мишиқи билан тенг бўлмай» деган мақсадда қилди. Йўқ, ҳақиқатга яқини – мени «иш»латмоқчи...

«Онангни... ишлатасан!» – дея сўқдим ичимда ва бир қадар шаштимдан тушдим. Уйга чопдим. Тельман Учқу- лоч ота қабри ёнида қабрдек қотиб қолди.

Аммо вақтинча...

Йўлда ўз-ўзидан дўстим эсимга тушди. «Бек, қадринг ўтяпти, – оғир хўрсиндим. – Лола опам ҳам етиб борган- дир Бек билан бирга бизни эслаб, бизни ўйлаб ўтириш- гандир».

Қизлар Боғдонда ҳам, Учқулочда ҳам Бекни кўп эс- лашди:

«Ўрни билиняпти».

«Чингиз билан бирга бўлсак, қўрқувни билмаймиз».

«Ундан зўр лашкарбоши чиқади».

«Ўқиса».

«Туртки керак».

50

Уйда мени онам билан Ойнур орзиқиб кутиб туриш- ган экан. Икковининг ҳам юз-кўзларида бир хил ифода:

Хавотир,

Кўрқув,

Ташвиш.

– Қаерларда юрибсан, болам?

Онамни қўрқувга солмаслик учун алдадим:

– Бир дўстимникида тутилиб қолдим, она.

– Бир оғиз айтиб кетсанг бўларди-ку, ўғлим.

– Кечиринг, она.

Онам саҳарда ишга кетишини ўйлади: ухлаш учун ич- карига йўналди:

– Узр, болаларим, хайрли тун.

– Хайрли тун, она, – деди меҳрли овозда Ойнур.

– Хайрли тун, она, – дедим мен ҳам.

Ойнурга ҳамма гапни тугал айтдим.

У ўзи сезмаган ҳолда кўйлаги этагини ғижимлади ва ўйга ботди. Унинг муздек оқарган юзига ачиниб боқдим. Ўртага сукут чўқди. Шу зайлда сониялар кечди. Ойнурнинг хаёлини бўлмадим, бўлишга ботинмадим.

– Илоннинг ёғини ялаган одам... – деди Ойнур анчадан сўнг ҳазин овозда, – бошқа гал тунда у билан ҳеч ёққа борма. Айниқса, овлоқ ерга. Алоқани уз. Энг оғир дамда ҳам ғурурингни сақла. Одамни одам қилиб юрувчи нарса – ҒУРУР.

Ойнур ухлаш учун қалқди. Лекин ниманидир ўйлаб, қайта ўтирди. У қонли тўқнашувдан сўнг ўз ётоғидан безган ва бизнинг кулбамазни макон айлаган эди. Нимага? Ғулғуладан. Ойнур кучли иродали, жасур қиз бўлса ҳам, юрагини қуршаб олган ғулғуладан қутулолмаётганди. Бу ерда у онаму мен билан дардини ёзади.

– Эврил, биласан, бу тўқнашувда менинг қатра айбим йўқ. Лекин негадир исковичлар қадамимни пойлашяпти. Балки, ҳозир уйимиз атрофида ҳам изғиб юришгандир.

– Йўғ-э! – сергак тортдим.

– КГБнинг иши шу-да:

Искаш,

Пойлаш,

Тузоқ қўйиш,

Тухмат қилиш.

Лола дўкон ғавғосига аралашмаганда яхши бўларди-да, Эврил.

– Бунинг сизга дахли йўқ, Ойнур опа. Минг текширсин, сиз ҳақ бўлиб чиқасиз. Тангрига шукр, ўша куни Уч-қулочда эмасдингиз. Бу ҳақда етарли далил-асосларингиз бор.

– Инобатга олишармикан?

– Далил-асослар қаршисида ожиз қолишади. Сиз Сокол билан бирга вилоят миқёсидаги Тўплантига қатнашгансиз. Соколни биласиз: Москва билан гаплашади. Қолаверса, йиғилишда рўйхатдан ҳам ўтгансиз. Балки, сўзга ҳам чиққандирсиз?

– Ақли дўстгинам! – Ойнур мени қучиб, юзларимдан ўпди. – Кўнглим ёришди, Эврил. Яхши тушлар кўриб ётгин, инигинам! – Ойнур ухлаш учун онамнинг ёнига йўналди.

– Хайрли тун, Ойнур опа!

Мен ёзилмага чопиб бориб ташқарига қарадим. Аввал эшигимиз олдидан «шип-шип» қадам товушлари эшитилди. Кейин уч кас кўринди. Улардан бири Тельман эди.

51

Изқуварларнинг яширин таъқибларини ҳисобга олмаганда, икки кун тинч ўтди. Бу вақт орасида биз (Ойнур, мен) «Ўрол»да туман алоқа бўлимига бордик. Ойнур Лола билан қуюқ кўнишди. Сўнг Бек билан ҳам. У гап орасида қувончини ичига сиғдиролмай мақтанди:

– Лола опам билан бирга Ленинградга кетяпман.

– Бизларсиз-а? – телефонларга ишонч йўқлиги учун Ойнур унинг отини тилга олмади.

– Қачон келасизлар?

– Тангри насиб этса, беш-олти кун ичида.

– Кутамиз, Ойнур опа, орзиқиб кутамиз!

– Яхши қолинглар.

Улар билан ойдин кўнишсак ҳам, қайтарканмиз, руҳимиз сўна бошлади. Нимага? Таъқибдан. Бизни бир мотоцикл қувиб ўтди. У ҳаммаёқни чангитиб (у замонлар Фориш йўлларига асфальт ётқизилмаганди), уч юз қадамча илгарилагач, тезлигини пасайтирди. Чангга ботдик.

...циклдагилар шлемларда бўлсалар ҳам,
менга танишдек туюлди:

Дима,

Галя.

Ортимизда ҳам бир мотоцикл пайдо бўлди. Аммо кувиб ўтмади. Оралиқ сақлади. Боя алоқа бўлимига келаётганимизда ҳам деярли шундай оралиқ сақлаган эдилар.

Орқадаги касни «Паша» деб тахмин қилдим. Кўз ўнгимда одамсиз чўл, сийрак саксовулзор, Виллис, уч узун ўрис гавдаланди:

Дима,

Галя,

Паша...

Нимагадир улар «Москва томонидан қўйилган исковичлар» деган ўйга бордим.

52

Учинчи кун бошланди:

Ғавғо,

Тухмат,

Айблов...

Куёш нури ер юзига ёйилганда Дима, Паша, Галя ва Тельман Ойнурни «Маданият уйи»даги «махсус хона»га тортишди. Илиқ қарши олишди. Унга бу «илиқ»лик тагида чаён ўрмалаётгандек туюлди. Галина рўпарадаги қарғатус курсини назокат билан кўрсатди ва ўзбек тилида, мулойим овозда деди:

– Марҳабо, Ойнур хоним.

– Раҳмат, – у курсига омонат чўқди.

– Узр, Ойнуур хоним, биз холис кўмагингизга муҳтожмиз. Шунга иш юзасидан сизни бу ерга таклиф этдик. Бир-икки нарасага ойдинлик киритиб олсак деймиз.

– Марҳамат, Галина хоним, – унинг ясама мулозама-тига ясама мулозамат билан жавоб қайтарди Ойнуур.

– Тоққа тақалган дўкон воқеасидан хабарингиз бор-дир-а, Ойнуур хоним?

– Эшитдим.

– Эшитдим?! Балки, ғавғони ўз кўзингиз билан кўр-гандирсиз?

– Йўқ, у кунни мен Самарқандда эдим, геологлар тўп-лантисида.

– Гувоҳлар бор, Ойнуур хоним, балки, улар янглиша-шаётгандир?

Дима, Паша, Тельман Ойнуурга яна ҳам теранроқ ти-килишди. Гўё унинг кўзлари ичида бир «сир» бору буни билиб олишадигандай.

– Жавобимни тағин қайтарайми? Мен Самарқандда, «Зарафшон» меҳмонхонасида тунадим. Тўплантида сўзга чиқдим. Автобусга олган чипталарим ҳам ўзимда. Дав-латнинг ишонган одами, Олтинкон бошлиғи Сокол ҳам йиғилишда қатнашди. Буни текшириб кўришларингиз мумкин.

– Майли, Ойнуур хоним, майли. Фақат ҳаяжонланманг. Бу соғлигингизга зиён. Биз сизга ишонишни истаймиз... Тельман...

– Лаббай, Галина Игамовна.

– Чақир!

У бирпасда бир тўда ўрис хотинларни бошлаб кирди. Аёллик назокати, ҳаёсидан узоқ, бақалоқ аёл ва қуриб қолган оғочни эслатувчи озгин, эчкибашара, қошсиз хо-тин айюҳаннос солишди. Галина:

– Бақир-чақир қилманглар! – дея уларга атайлаб совук боқди, сўнг буюрди: – Ўзларингни таништиринглар!

Бирин-кетин икови ҳам ўз исмларини айтишди:

– Маруся.

– Зина.

– Энди гапиринглар, фақат рост гапиринглар.

– Худди ўзи, ўша манжалақи, – у худди бир кашфиёт қилган касдек иршайди.

– Ҳа-ҳа, ўша қанжиқ, – у ёввойи махлуқдек ўринсиз тиржайди.

– Тилларингга эрк берманглар.

Бошқа хотинлар деярли қуюшқондан чиқмадилар: Маруся билан Зинани тасдиқладилар:

– Ўша!

– Ўша танноз!

Бақалоқ Маруся чўчқадек чийиллади:

– У кампирнинг тарафини олди!

Эчки башара Зина тухматга ўтди:

– Миллатчилик қилди.

Дима луқма ташлади:

– Қандай?

– Ўзбегининг тарафини олди. Шунинг ўзи миллатчилик эмасми? Рус аёлларини туртиб, итариб, кампирга кўмаклашди.

Маруся уни қувватлади:

– Кампир миллатчи.

Паша гапга аралашди:

– Сўқдимми?

– Биз русларни «Сассиқ чўчқалар!» деб таҳқирлади, – унинг юз-кўзида қора қувонч акс этди.

Ўрта бўйдан сал тикроқ, чўзинчоққа мойил юзлари қуёшда қорайган, ўйга қотилган зангор кўзлари кишини

Ўзига тортувчи ёш жувон тўдани ёриб олдинга чиқди ва ўзини одоб билан таништирди:

– Менинг отим Марина, маълумотим олий, рус тили ва адабиёти ўқитувчисиман. Ғавғонинг ичида бўлдим. Тухмат қилиш рус кишисига ярашмайди. Бу рус шаъни булғайди. Кампирда айб йўқ.

«После нас, Ишачка!» – дея кампирни қатордан сиқиб чиқарган ким? Сен эмасми, Маруся?

– Сенсирамай гапир, олифта. Мен сенинг туғишган опанг эмасман.

– Гапни бўлманг, – Галя бақалоқни ёлғондакам жеркиди. Сўнг Маринага нохуш қараб буюрди:

– Қулоғимиз сизда.

Марина давом этди:

– Сени «сиз» дейишга тилим бормайди. «Ванючка! Ўзингдан кетма! Кимлигингни бил!» – дея дўконни бошига кўтарган ким? Сен эмасми, Зина?

Шундан кейин кампир: «Сассиқ чўчқалар!» – деб сўкишга мажбур бўлди. Бунга рус миллатига нима алоқаси бор? Сиёсий тус беряпсан атайлаб. Унинг ўрнида бошқа бўлганда ҳам шундай қиларди. «Нима эксанг, шуни ўрасан».

«Биз руслар...» – деб урғу билан гапиришинг сенинг шовинисткалигингни, шантажисткалигингни кўрсатади. Бунга рус миллатининг дахли йўқ. Сен атайлаб миллий низо уйғотиш учун миллатчилик уруғини сепдинг, Зина! Сен ҳам, Маруся! Сенлар оломонни жазавага келтирдиларинг. Қонли тўқнашувга айнан икковинг сабабчи бўлдиларинг!

– Тухмат қияпсан, гадина! – Зина Маринага ёпишди. – Сотқин!..

– Илон! – бақалоқ ҳам унга ташланди.

– Қаерда турганларингни билинглар. Чегарадан чиқманглар, – Дима, Паша, Тельман ўз хохишларига зид тарзда уларни ажратиб қўйдилар.

Марина воқеага аниқлик киритишда давом этди:

– Бу қизни айбситиш бутунлай ўринсиз, – у Ойнурни кўрсатди. – Бу қиз: «Тўхтанглар, ўлдириб қўясизлар!» – деб бегуноҳ кампирни қутқазिशга ошиқди, Сен эса Маруся: «Заткнись, сучка! Ни тебе нас учить!» – дея чинқириб, сумканг билан унинг бошига урдинг. Тўғрими, мунофиқ?!

– Ёлғонни ямламай ютма, ялоқ! Ҳайф сенга рус номи-ни олиб юриш!

– Ҳайф! – чийиллади Зина ҳам.

– Иккиюзламачилар! Русни тинч қўйинглар!

– Ҳайф!

Марина жазавага тушган бақалоққа ортиқ гапириш фойдасизлигини билди. Шу боис Антоновани саволга тутди:

– Оёқ остида топталаётган ёзуқсиз кампирга ёрдам қўлини чўзиш миллатчиликми, Галина Игамовна?

– Йўқ.

– Миллатчилик эмас, аксинча, бу одамийлик, бу инсоний бурч – Маринанинг фақат юз-кўзи эмас, ҳар бир сўзи ҳам аслзодалигидан далолат берарди. – Шунга: «Мен кампирга ёрдам бердим», – дейишим ҳам, балки, унча тўғри-масдир? Бунни кўнглим истаги билан қилдим. Агар кампирнинг ўрнида негр, хитой бўлганда ҳам, шундай қилардим.

Яна ўртага беш хотин чиқди. Кампирга кўмак берганини айтди. Маринанинг сўзини маъқуллади.

Ҳаммадан «Тушунтириш хати» олишди. Ойнурдан ҳам. Галя унга кесатиқ аралаш ўсмоқчилаб деди:

– Аммо, Ойнур хоним, сизнинг тўқнашувда қатнашганингизни барча гувоҳлар тўла тасдиқлашди.

Бу сўз билан у Ойнурнинг кўнглига оғуға қотилган ғулғула солди. Бироқ Ойнур ўзини қандай нохушликлар кутса ҳам, ҳатто қандай мудҳишликлар кутса ҳам, «Бу менмас, Лола», – деёлмаслигини ҳис этди. У Лолага гард юқтиришни истамасди. Шу сабабли ғурурини топтамай, лекин ўзи сезмай синиқ овозда деди:

– Менга ишонмаяпсизми, Гулнора Эгамовна, энди мен сизнинг вақтингизни олмай. Ортиқ мени қийнаманг, енгилдим.

– Шундай мағрур қиз-а? Дарров-а? Ишонгим келмайди. Ишонмайман.

Ойнур жавоб қайтаришни эп кўрмади.

– Сизга жабр қилиш истагим йўқ, Ойнур хоним. Биз адолат билан иш тутамиз. Самарқандни ҳам ўрганиб чиқамиз. Сиз хотиржам бўлинг, ҳозирча...

«Сиз хотиржам бўлинг, ҳозирча...» – кўнглидан ўтказди Ойнур Галинанинг олдидан чиққач. – Бу самимий тилакми ёки сўз ўйиними? Менинг сезгим алдамас: бу – сўз ўйини. «Ҳозирча хотиржам бўлинг» дегани. Ҳозирча... Кейин-чи? Кейин, балки, мени чўктирмоқчидир? Ўз ожизлигимни тан оламан: уларга қарши курашолмайман. Улар деганим:

ТУЗУМ,
СССР,
КПСС,
КГБ...

Шунга қарамай, мен бу «ҳалқа»дан қутулишга уриниб кўраман. Фақат ўлим ҳалқаси бўлмаса бас. Бунгача бормас... Бунгача бормас... Бунгача бормас...»

У бу сўзларни ўзи сезиб-сезмай тинсиз такрорлади.

Тинсиз.

Тинсиз.

Ойнурни «Маданият уйи» қаршисида ўрис оғочлари кўланкасида кутиб олдим. Унинг юз-кўзларидаги чексиз дард, изтиробларни кўриб, ич-ичимдан эзилдим. Ихтиёрсиз бир тарзда Тангрига ёлвордим:

– Яратган Эгам! Ойнур опамдаги ғам-ташвиш, кўр-қув-таҳликаларни менга ўтказ. Не жабру зулминг бўлса, уларни менинг бошимга сол!

Орадан узун-узун замонлар кечса ҳам, бу илтижони ҳамон такрорлаётгандайман:

Ҳамон.

Ҳамон...

Гўё орадан бир сония ҳам кечмагандай.

Бир сония ҳам...

Биз оғир сукунат исканжасида уйга кирдик. У ўзи сезмаган ҳолда мунг-аламга ғарқ сасда бояги сўзни такрорларди:

– Бунгача бормас...

Агарчи бу сўзнинг мағзини чақишга улгурмасам ҳам, у кўнглимда ёмон нохушлик уйғотди. Юрагим зирқиради.

– Сизни хафа қилишдим, Ойнур опа? – деб сўрадим. Овозим ўзимга бўйсунмади: йиғламсираб сўзлаган кишининг овозидек чиқди.

– Йўқ, илиқ муносабатда бўлишди. Аммо, Эврил, уларга ишониб бўлмайди. Улар кулиб туриб жонингни олади.

Бир нарсадан қувондим: бир қанча рус аёли мени, яъни Лолани ёқлади.

– Ў! Зўр-ку, Ойнур опа!

– Бироқ, шунга қарамай, кўнглим ёришмаяпти.

– Нимага?

– Дималар Москвага хабар беришади. Қонли тўқнашувга кимнидир сабабчи қилиб кўрсатишади.

– Кимнидир... Бош сабабчи... – такрорладим беихтиёр.

– Ҳа, – деди Ойнур бўшашиб, – ўзи бир неча йилдан бери нишонда турибман...

– Ҳар нарсани ўзингизга олаверманг, Ойнур опа. Бу урушда айбингиз йўқ. У ўз-ўзидан аланга олди. Ўрисча айтганда, стихияли равишда. Москва тухматга ишонавермас, ҳақиқат тагига етар.

– Эй ёш бола, ёш бола! Бир юз олтмиш беш миллион¹ кишининг ёстиғи нимадан қуриди?

Бу саволга жавоб беролмай, жим қолдим. Сўнг паст ва заиф овозда минғирладим:

– Ўрис хотинлар ҳам биз тарафда...

– Бас, Эврил! – Ойнур гапимни кесди. – Бу тўғрида бошқа бош қотирмайлик. Бўлмаса, Ойнур опанг жинни бўлқолади.

– Тангри сақласин!

Бироқ Ойнурнинг ўзи ўз сўзига қарши ўлароқ яна гап бошлади:

– Таътилимни ҳам атайлаб чўзишяпти, Эврил. Энди менинг бор умидим Соколдан...

– Онам уни тўғри одам деб айтган.

– Шундай.

54

Уйимиз этагидаги Олтинкон идораси қаршисида тўхтадик.

– Сен уйга боравер, Эврил.

– Сизни шу ерда кутаман, Ойнур опа.

– Ушланиб қолишим мумкин.

¹ Коммунистик тузум 165 миллион кишининг умрига завол бўлган. Бу – статистик маълумот.

– Бир асрга бўлса ҳам кутаман.

У қарорим қатъийлигини сизди. Яна мен унга: «Энди ёнингиздан бир қадам ҳам жилмайман. Ақлим шундай деяпти. Кўнглим шундай деяпти», – дегим келди. Лекин уялдим.

Ойнур буни кўзимдан уқди. Менга мислсиз меҳр билан термилиб, манглайимдан ўпди ва катта умид илинжида ичкарига йўналди. Унинг кўзларига ёш қалққанини кўрдим ва бундан ич-этим эзилди.

Ойнур Сокол (исми эсимда йўқ)нинг қабулидан тахминан бир соатдан кейин чиқди. Унинг юзи хиёл ёришгандай эди. Қўлида таътил қоғози ва пули. Гап-сўзсиз уйга бордик. Онам тушликка барак (буроқ) тугиб қўйган экан. Ювиниб-чайиндик. Кейин терги теграсига ўтирдик. Онам, менинг наздимда, хамир емоқлар тайёрлашда тенгсиз бўлса ҳам, чучварани иштаҳасиз едик. Бундан онам бироз оғринди:

– Ёқмадими, болаларим?

– Аксинча, онажон, – деди Ойнур, – кейинроқ еймиз. Ўзимни негадир лоҳас сезяпман.

– Бироз мизғиб олинг, айланай, қизим. Кўринишингиз ҳам бир ҳолдай, паришонроқсиз...

– Чарчадим, она, – Ойнур уйқу дори ичди. Сўнг менга буюрди: – Эврил, «Ўрол»га бензин қўйдир. Яна захирага ҳам ол.

Унинг ҳорғин ва тушқун овозидан онам сергак тортди:

– Бирон ерингиз оғримаяптими, гўзал қизим.

– Ўзимам билмайман, онажон, – Ойнур кўзини юмди.

У Сокол билан кечган суҳбат ҳақида негадир оғиз очмади. Буни билишни жуда истаётган бўлсам ҳам, сўрашга ботинмадим. Энди туйқус бу топшириқ... Ҳайрон бўлдим. Онам менга саволомуз боқди. Мен елкамни қисиб, сукут сақладим.

Топшириқни бажардим.

Онам ишга кетди.

Ойнур уйғонди.

– Сезяпман, Эврил, сен Соколнинг фикрини билишни истаяпсан, – деди Ойнур юз-қўлини ювиб келгач. – У ҳам деярли иложсиз. Улкан одам билан телефонда гаплашибди. Улкан одам: «Тўқнашув ташкилотчисини топиш керак», – деган. Сокол унга воқеани бўёқсиз, лўнда баён этади: «Дўкон ғавғоси улуғ рус шовинизми билан суғорилган бир тўп аёлнинг аҳмоқлиги сабабли бўлди. Маҳаллий аҳолида айб йўқ. Бу – рад этиб бўлмас ҳақиқат.

Ўзини осмон, ўбекни ер ҳисоблаган у қутурган тўда бир гуноҳсиз кампирни (қозоқ кампир, эри ўзбек) таҳқирлайди ва ўлдиради.

Кампирни қутқаришга уринган талай ерлини ҳам йўқ қилади.

Мархумларнинг қариндош-уруғлари бундан жунбишга келадилар. Тоғ одатига кўра ўч олиш истагида куйиб-ёнадилар. Учкулочга энадилар.

Оқибат:

Тўқнашув...

Бунини ерликлар уюштиради. У ўрмонда ёнғин қандай пайдо бўлса, шундай вужудга келди. Қандайдир афсонавий ташкилотчини ўйлаб топиш адолатданми?»

«Уни шундай қолдириб бўлмайди. Яна бундай ҳол такрорланмаслиги учун бу зарур...»

«Унда урушга сабабчи бўлган шовинист хотинларни жазолаш лозим».

«Сен кон бошлиғи сифатида нега бунга йўл қўйдинг?

Темир тартиб йўқ ерда,

Темир интизом йўқ ерда

Бузғунчилик юзага келади...

Бузилиш юзага келади...

Англадингми?

Ўйлаб иш тут!»

Кутилмаганда Ойнуур менга қараб ўйланиб қолди. Лекин мени кўрмасди. Унинг хаёли ўзга бир оламда эди. У темир ҳалқадан қутулиш йўлини излаётгандай эди. Қандай? Билмадим. Шунда ногоҳ кўз олдимга асов отдек елишга шай турган «Ўрол» келди. Қаерга?

– Эврил, – туйкус ўйимни бўлди Ойнуур. – Соколнинг сўзини қандай эшитган бўлсам, сенга шундай айтдим. Улкан одам унга яна нималардир деган, у буни мендан сир тутди. Бу, албатта, менинг тахминим. Англадимки, Сокол улкан одамнинг тагдор гапидан довираб қолган. Шунга у:

Хавотирда.

Кўркувда.

Сокол мен билан телефон симларини узиб қўйиб қўнишди.

Фикримча, улкан одам уни атайлаб, масалан, қуйидаги сўзлар билан кўрқитиб қўйган: «Сен бетараф бўлмасанг, сени ҳимоя қилолмай қоламан».

– Менинг фаҳмимча эса, Ойнуур опа, улкан одам очиқдан-очиқ бундоқ деган: «Сен ерликларнинг тарафини олсанг, мен сени ҳимоя қилолмай қоламан».

– Чинга шу яқин.

– Бу гапнинг тагида ҳам гап бор.

– Қандай?

– Улкан одам Соколни огоҳлантириш билан бирга ҳимоя ҳам қилган. Яъни унга: «Қутулиш йўли битта: аралашма», – деган.

– Тўғри фараз. Яхудий эли – аҳил эл: энг оғир дамда ҳам бир-бирини ташлаб қўймайди. Биз бир-биримизни чўқилаш, чўктириш ўрнига яхудийдан ибрат олсак бўларди. Баъзан ўзимни ўзим саволга тутаман: «Биз инсонизми ё роботизми?»

Агар инсон бўлсак, ўз
ҒУРУР,
ОР-НОМУС,
ЎЗЛИГИМИЗни
сақлаб яшашимиз керак.

Мисол:

Саккизинчи аср.
Араб юртимизни босди:
Ёзувимизни ўзгартирди.
Эътиқодимизни ўзгартирди.
Тарихимизни ўзгартирди.
Урф-одатимизни ўзгартирди.
Исмимизни ўзгартирди.
Шаънимизни булғади.
Бор-будимизни талади.
Арабга кўникиб бордик.
Бу – даҳшатлар ичида энг даҳшатли ҳол!

Ўзлигимизга қарши нарсага кўникиш ўзлигимизни
емириш демакдир.

Нега зулмга қарши бир бутун бўлиб курашмадик?
Кўрқдик.

Ички сотқинлар ҳам тўғаноқ бўлди.

Яна мисол:

Ўн тўққизинчи аср.

Янги босқинчи ҳам айни (араб сиёсатини) шуни так-
рорлади.

Айни шуни.

Унга қўшимча равишда у миллатимиз томирини чопди:

Миллатимиз номини (туркклигимизни) ўзгартирди.

Бу ҳам даҳшатлар ичида энг даҳшатли ҳол.

Яна жиммиз.

Яна ички сотқинлар қутургандан қутуриб боряпти.

Қачон ғанимга ўз сўзимизни айтамиз?!

Араб ё ўрис элларига ғайирлигим йўқ.

Мен дин ниқобига ўралган миллатчиларни ёмон кўраман.

Мен интернационал қиёфасида юрган шовинистларни ёмон кўраман.

Жудаям ЭХТИЁТКОР Ойнурнинг мунчалар очилганини сира кўрмагандим. Бу журъатни қаердан олди у?

Тухмат.

Ҳақсизлик.

Зўравонлик

уни шу даражага олиб келдимиз ё?

– Кон бошқони менга таътил қоғозини КГБдан яширинча ҳозирлаганини сездим, Эврил.

Менинг ўйим шамолда сомон соврилгандек соврилди.

– Қандай, Ойнур опа? – ажабландим мен.

– Сокол: «Ёнғинда қолган киши ёнғиндан ўзини тез четга олади», – деди.

Унга тасалли беришга ожиз қолдим.

Ойнур менга тикилиб, ўйга толди. Афтидан, ниманидир режалаштираётгандек эди. Шу он кўққис мана бу сўз миямга игнадек санчилди:

«Қочиш!

Ёнғиндан қочиш!

Балки... балки... – тилим айланмай қолди, – балки:

Қамоқдан қочишдир?

Ўлимдан қочишдир?»

– КГБ Боғдонда ўтказган маъракамизга ҳам сиёсий тус берган, – бир неча дақиқадан сўнг Ойнур чувалаётган ўйимни тўзғитиб гапини улади. – Гўё мен қонли тўқнашувга олдиндан тайёргарлик кўрганмишман. Маъракага қатнашганларни ҳам элакдан ўтказармиш.

Бу ёмон тухмат, Эврил.

Мислсиз ёмон тухмат!

Мен даҳшатга тушдим. Оёғимнинг остидан бошланган титроқ тиззамга ўрлади. Баданимни муз тер босди.

– Бу... бу...ни ҳам кон... кон... бош... бош...лиғи айтдим, Ой-Ой-Ойнур опа? – ўз овозимни ўзим танимадим, овозим узук-юлуқ, бўғиқ, қалтираб чиқди. Бу қўрқув «махсули» эканини ҳис этарканман, ўзимдан-ўзим гижиндим. Ойнурга далда бериш ўрнига унинг «яра»сига туз сепяпман. Жин урсин мени!

– Ҳа, – дея жавоб қайтарди у ҳорғин, синиқ, аммо мағрур овозда. – Ҳа, айтгандай, иткўз билан тегирмончи ҳам изсиз йўқолганмиш.

– Бу – яхши хабар.

У маъюс ерга қаради. Юз-кўзларида бўртиб турган қайғу, алам, нафрат ҳуснига зарра путур етказмаганини туйдим. Билъакс, гўзаллигига яна ҳам гўзаллик қўшаётгандек туюлди менга.

– Қўрқма, Эврил, инигинам. Такдиримда борини кўраман, Тангри буюрганини кўраман, – у ўзи сезмаган ҳолда кўзларини юмди. Тиниқ кўзёшлари ўртача зич, ўртача узун киприкларидан сизиб ўтиб, синиққан юзларига марвариддай юмалаб оқди.

Унга кўмак беролмаганимдан, кўмак беришга иложимконим йўқлигидан ўкиндим. Шунда ўзимга боғлиқ бўлмаган бир куч (сирли кучми, билмадим) таъсирида Тангрига ёлвордим:

«Яратган Эгам!

Ойнур опамни ўз паноҳингда асра!

Тухматдан асра!

Қамоқдан асра!

Ўлимдан асра!

Очунда не ёмонлик бўлса, баридан асра!»

Ойнур кўнғироқгулли кўлрўмолчаси билан кўзёшларини артди. Илтижоларимни уқдими ё ўзичами, менга

тубсиз меҳр билан боқди. Майин, гулдан ҳам майин жилмайди. Шунда гўё қора булутларни ёриб ой чиққандек бўлди. Рангпар чехрасидаги ожизлик белгилари ҳам булутлар мисол чекинди. У мардона бир сасда шу сўзларни айтди:

– Мен ҳар нарсага чидашим мумкин.

Мен ҳар нарсани енгишим мумкин.

Мен бўрон, довул, тўфонларга бардош беришим мумкин.

Лекин ҳалокатга элтувчи

Ёлғонга,

Тухматга,

Адолатсизликка

чидолмайман, уларни енгиб ўтолмайман, уларга бардош беролмайман.

Қон, йиринг, ёлғон, тухмат, ҳаромларга қотилган бу тузумдан ҳали ҳеч ким қочиб қутулмаган.

Бунга Фитрат, Чўлпон, Қодирий мисол.

Бунга миллион-миллион мустақил фикрли кишилар мисол.

Менимча, ҳозир Ойнурнинг томирларида улуғ бобоси Эрхон ботирнинг асов қони уйғонди ва мислсиз ҳақсизликка қарши лавадек туғён урди. Шунга у кўнглининг туб-тубида кўмилиб ётган ҳақиқатни айтди. Тўғрироғи, ҳақиқат ўзига бўйсунмаган ҳолда юрагидан вулқон янглиғ отилиб чиқди. Сезгимча, энди Ойнур ваҳм чегарасидан ўтди.

Ҳар қандай нарсанинг чегараси бўлганидек, қўрқувнинг ҳам чегараси бор. Одам шу чегарадан ўтдими, ундаги қўрқув туйғуси йўқолади. Ойнурда ҳам шу ҳол юз берди. Шу туфайли юрагини ёрди.

Мени яна титроқ босди. Бунга унга сездирмаслик учун:

– КГБ улкан одам измидамасми? – деб сўрадим.

– Измида... Бироқ Сталин КГБга чексиз имтиёз бериб юборган. Унинг миллионлардан тузилган «армия»сидан улкан одамнинг ўзи ҳам сесканади деб ўйлайман. Улкан одам минг улкан бўлса ҳам, ёлғиз... Ҳатто Сталиндек ваҳший диктаторнинг ўзи ҳам: «Давлат тўнтариши қилмасин», – дея юрагини ҳовучлаб юрган. Шунга у КГБ масъуллари орасига одам қўйган, одам устига одам қўйган.

Халқ орасида мана бу гап бежиз тарқаманган: «Қирув машинаси...».

Ойнур тагин ўйлар ўрамига ўралди.

Овозимизни ёзиб олмаслиги учун радиони сал бандлатиб қўйгандик. Унда ҳар кунгидек СССР ва дунё янгиликларини, шу билан бирга, Англияда ишсизлик, Америкада ирқчилик авж олаётгани ҳақида эски гапларини сақичдек чайнади. Сўнг, одатдагидек, миллион, балки, миллиард марта айтган гапини такрорлади: «СССРда барча миллат, элат тенг, тинч-тотув, фаровон яшаяпти. Бу дўстлигимизни дунёда ҳеч ким ва ҳеч қандай куч бузолмайди!»

Энди унинг сохта, сафсаталигини нафақат СССР эллари, балки дунё халқлари ҳам билиб қолган эдики, бундан Ойнурнинг энсаси қотди. У истехзоли кулди:

– Нечоғлик ёлғон! – деди Ойнур бекиёс нафрат билан.
– Нечоғлик жирканч!

Бу сўз таъсирида «уҳ» тортдим ва оғир хўрсиндим.

Ўртани яна сукунат қуршади. Ойнур ўйлади, узоқ ўйлади. Охири ёрилди:

– Менинг бу сўзимни ёдингда тут. Агар мен... мен... мабодо дунёдан ўтгудек бўлсам... бир ёруғ замонлар келса, бу сўзимни эсла... бу сўзимни амалга ошириш учун кураш, элимиз билан бирга кураш. Бир бутун Туркистон учун кураш! Унутма, уни қулоғингга маҳкам қуйиб ол, мияннга яшир. Бу, аслида, менинг эмас, онамнинг сўзи:

«Туркистоннинг бир туғишган туб эллари ўз аслига – турклигига қайтишлари, бир бутун турк ўлароқ бир турк байроғи остида яшашлари лозим. Шунда тарихий ҳақиқат тикланади.

Агар бошда бунинг иложи бўлмаса, то иложи бўлгунга қадар:

Иқтисодий,

Ҳарбий,

Пул,

Тарих,

Адабиёт...

Адабий тил

бирлиги учун курашмоқ керак.

Аста-секин БИР ЁЗУВ ва яхлит МИЛЛИЙ БИРЛИКка эришиш лозим. Уқдингми, иним?

– Ҳа.

– Бу ҳаводек зарур.

Энди радио ГДРни кўкка кўтармоқда, ГФРни ерга урмоқда эди.

– Эврил.

– Ҳа, – Ойнурнинг бунчалик очилиб кетганидан ҳали ўзимга келолмаган эдим.

– Энди юқоридаги саволинг тагига етдим, – Ойнур ўзи сезмаган ҳолда ўнг қўли билан ўнг қулоғимнинг учини оҳиста-оҳиста силади. – Ҳа, тўғри, КГБ улкан одам измида, аммо ундан ҳам улкан бир шахс бор. КГБ сохта ҳужжат билан унга мурожаат этса, тамом... У ўйлаб-нетиб ўтирмайди, буюради:

«УБРАТЬ!»

Бундай ҳолда Улкан одам Соколни ҳимоя қилолмай қолади.

Қолаверса, КГБ бошлиғи Улкан одамдан ҳам, Улкан шахсдан ҳам сўрамаслиги, ўзича мустақил иш кўриши

мумкин. Унга шундай кафолат берилган. Инсон тақдирини ҳал этиш учун унинг бир сўзи кифоя:

«ОЛ!»

Сокол кетди,

Ойнур кетди...

Яна...

Яна...

Яна...

Саноғига етиб бўлмайди...

Қамамайди. Қамаса, гап кўпаяди. Чет эллар айюҳаннос солади: «СССРнинг миси чиқди...»

Ҳақиқат ер юзига ёйилади: «СССРда барча миллат, элат тенг, тинч-тотув, тўкис яшаяпти» деган сохта ғоя чиппакка чиқади. Яхшиси, ими-жимиди... Кир ўғри-каззобларга тўнкарилади.

Ойнур қордан-да оқарди.

Ногоҳ кўнглимдан бундай фикр кечди: «Ўзининг сўзи ўзига ўқ бўлиб тегади».

Шунда Ойнурнинг сўзи шилимшиқ қуртдек миямга ёпишиб олди: «Кир ўғри-каззобларга тўнкарилади...»

Сўнг бу сўз заҳар ўлароқ борлиғимга ёйилди.

«Наҳот, шу даражага борса?!» – деб сўрадим ўзимдан ўзим.

«Тузум ўзини сақлаб қолиш учун ҳар қандай тубанликдан қайтмайди», – деб жавоб қайтарди ичимда ўзга бир «ўзим».

«Сокол кетмайди... – қулоғимга шивирлади яна бошқа бир Эврил. – Улкан одам олдини олиб қўйган...»

Миямни момақалдиروқлару чақмоқларга қотилган булутлар қуршади. Шунда вужуд-вужудимни титратароқ бир овоз нидо қилди: «Ойнур ўт ичида!»

Кўрқувга тўлган бу овоздан қутурган ит қопган кимсадек талвасага тушдим. Овоз эса бошимдаги қора бу-

... у машъум сўзни қайтарди: «Ойнур ўт ичида!»

Уни ҳайдашга қанча тиришмай, ҳайдолмадим. У баттар қаттиқ бонг урарди: «Ойнур ўт ичида!»

– Эврил, чучварани ейлик, сўнг мен кетаман.

– Кетаман?.. Қаерга? – миямдаги булут сийраклашди.

– Чимкентга.

– Нега? Нимада?

– Ўзингни қўлга ол, Эврил.

– Хўп... Ойнур опа... Хўп...

– «Ўрол»да... Лола кетган йўлдан... Ҳамма тушлик қилаётган пайтда...

– Мен ҳам сиз билан...

– Йўқ! – гапимни кесди. – Асло! Бу жуда хавфли.

– Ўлимга бўлса ҳам Сиз билан бирга кетаман!

У мени аҳдимдан қайтаролмаслигини сезса ҳам, қайтаришга уринди:

– Сен ҳали боласан... Тушун...

– Қиёмат кўпса ҳам...

– Бўлди, Эврил, – Ойнур мени гапиришга қўймади. – Онамиз...

У бўшашди.

Миям тиниклашди. Булутлар тарқади. Вақт зиқ. Онамга ушбу сўзни ёздим:

«Она!

Мендан хотиржам бўлинг.

Ўғлингиз».

– Эврил, ўтинаман, тагин бир марта ўйлаб кўргин, – ёлворди Ойнур. – Бу қалтис! Жуда ҳам қалтис! Сен... Сен... – унинг кўзлари ёшга тўлди. – Сен... инигинам... замонлар кечиб бу ноҳақликларни ёзишингни истайман. Мени қийнама, ҳали ёшсан, жуда ёшсан ҳали... Мен сени...

У сўзини давом эттиролмаса ҳам, мен уни англадим:
«Мен сенинг уволингга қолмайин, инигинам!»

– Ойнур опа, тирик эканман, сизни ёлғиз юбормайман! – дедим ўпкам тўлиб. – Юборолмайман! Тушунинг опа, опажоним!

Мен йиғладим. Ҳиқ-ҳиқ йиғладим.

– Бўлди-бўлди, тайёрланайлик.

Ойнур қаҳваранг спорт формасини кийди. Узук, билугук, сирға ва кийим-кечакларини бир энлик хат билан онамга қолдирди:

«Она, мендан сизга хотира».

Хўрлигим келди.

Тагин йиғладим.

Ойнур мени жеркиди:

– Мунча кўнглинг бўш, Эврил? Ўғил бола деган тошдек қаттиқ бўлади. Ўзингни тут! Ҳали курашамиз!

Ойнур ўзининг сўзидан ўзи руҳланди:

Жилмайди.

Менинг ҳам кўнглим ёришди.

Чучвара едик.

Бу дамда радиода Рус-Олмон (ГДР) дўстлигига бағишланган классик мусиқавий эшиттируви охирламоқда эди. Ўз ўй, гап-сўз, ташвишлар билан бўлиб Чайковский, Глинка, Таривбердиев (Тангрибердиев), Бетховен, Сальериларни ўтказиб юборибмиз.

Моцарт симфонияси қалбимизни сеҳрлаб, ўзига тортиди. Мусиқани тушунмаганимга унинг номини билмадим. Аммо у юрагимни ўртади:

Мунгли мусиқа.

Кишини ўзга бир оламга етакловчи ўта мунгли мусиқа.

– Уни одам боласи яратганига ишонгим келмайди, – деди Ойнур.

У таъсирланди.

Сўнг Ойну́р жон-жаҳди билан «Ўрол»ни Чордара сари хайдади. У худди тирик нарсадай бўғиқ чинқириб, қум-тепалар аро учди. Ойну́р толғин овозда сўради:

– Эврил, сен туш таъбирини биласанми?

– Йўқ, Ойну́р опа.

– Э, афсус... Тонготарда туш кўрибман. «Ўрол»да шу Қизилқум оралаб қочяпман. КГБ қувяпти. Етай деганда Тангрига ёлворибман:

«Яратган Эгам!

Менга кўмак бер, мени бу балодан қутқар!»

Шунда Тангри қудрати билан «Ўрол» учоққа айла-нибди.

Тубсиз осмонга учиб кетибман...

– Ҳар қалай қутулибсиз, Ойну́р опа, бу яхши-да.

– Тилингга бол, инигинам! Демак, бу сенингча, яхши туш-да?

– Шундай, Ойну́р опа.

Сўлиган гул суғорилса яшнайти.

Менинг сўзимдан Ойну́р шу чечак мисол яшнайти.

– Қачон бўлмасин, бир бошга бир ўлим бор, Эврил. Лекин... лекин бир иш қилмай ўлиш оғир, ёш ўлиш оғир! Уйдан чиққанзимдан бери, нимага, билмайман, Эврил, Лассалнинг мана бу сўзи бошимда ўқтин-ўқтин айланяпти: «Гуллаб турган чоғингда, битмас қувват, енгилмас кучга тўлиб-тошганинда ҳалок бўлиш кўр-қинчли».

– Тухматдан ўлиш яна ҳам оғир, Ойну́р опа.

– Ишқилиб, Худо бизни бундай ўлимдан асрасин! – унинг гўзал елкалари титради.

– Тангри хоҳласа, Ойну́р опа, қозоқ ерига соғ-саломат етиб оламиз.

Бу гапни Ойну́рнинг кўнгли учун айтмасам ҳам, ўзим бунга ишонмаётгандай эдим. Нега? Сабабини билмай-

ман. Менимча, очунда энг ёмон нарса – одамнинг ўзига ўзи инонмаслиги.

Айрим онларда инсон сезгиси ақлдан ҳам устун келади. Бироқ шундай дамлар ҳам бўладики, киши ўз сезгисига бир ишониб, бир ишонмай ҳам қолади. Ҳозир шундай бир ҳолатда, аниғи, мавҳум бир ҳолатда эдим.

– Аммо, Эврил, мотор панд берадиганга ўхшайди, – хаёлимни бўлди Ойнур, – қизияпти.

– Йўл тоза... Совитиб олайлик.

– Бунга камида йигирма дақиқа вақт кетади, – куюнди Ойнур.

– Бошқа иложимиз ҳам йўқ-да, Ойнур опа.

– Эҳ! – асабийлашди у. – Омадим қайтган кўринади. Йўловчи машина ҳам учрамаяпти. Чимкентгача олтин сўраса ҳам берардим.

– Сабрли бўлайлик, Ойнур опа.

Гапим унинг ғашига тегди. Қовоғини уйди. Газни босди. Бироқ узоқ юролмадик. «Ўрол» тутаб кетди. Ноилож тўхтадик. Ойнур мотоцикдан зардали алпозда тушди. Мен ҳам «кути»дан қалқдим.

Икковимиз ҳам қора тер ва чангга ботгандик. У тердан жикқа ҳўл ва кир бўлган сочиғи билан юзи, бўйни, билакларини артди. Сўнг қақшаган асаби ақлига бўйсунмай қолди, шекилли, бирдан жазавага тушди, телбадай бақириб, ер муштлаб қарғади:

– Ер ютсин тузумни!

Ер ютсин КГБни!

Ойнурни ҳали бу даражада қаҳрли, аянчли, ожиз ҳолда кўрмагандим. Шу сабабли унга тасалли беришга ҳам ботинмадим. У ҳўнграб йиғлаб юборди. Бундан юракбағрим қон бўлди. Борлиғимни зўр хавотир қуршади. Ваҳм васвасида шошиб изимизга қарадим. Олис-олисларда ҳам чанг-тўзон кўринмайди.

Йўл, тегра, сахро

Тинч,

Сокит.

Борлиқ ҳовур чангалида,

Борлиқ ёнаётир.

«Тангрига шукр! – дедим ичимда. – Сезмабди. Сезганда аллақачон етиб оларди. Уларнинг мотоциклларига алоҳида, кучайтирилган моторлар ўрнатилган. Машиналарига ҳам. Шундай деб эшитганман».

Орадан қанча вақт кечди, билмадим. Ойнур юрагини бўшатиб олди. Мотор ҳам совигандай эди. Йўлда давом этдик. Унга ўйимни айтдим.

– Ишонгим келмайди, – деди у «Ўрол»ни қизиб кетишидан қўрққанича ўртача тезликда ҳайдаркан, – кўнглим ғаш, чидаб бўлмас даражада ғаш.

– Менимча, Ойнур опа, сиз ўзингизга ўзингиз ишонмаяпсиз. Ўрислар бунини «самовнушение» дейдими? КГБ саҳродан кетганимизни сезмаган.

– Илоҳо, сен айтгандай бўлсин, иним.

– Чордарага яқинлашяпмиз-а, Ойнур опа?

– «Ильич» совхозига дегин. Ундан у ёғи бир қадам.

– У кўринмаяпти-ку.

– Чуқурликда, барханлар орасида.

– Иложи бўлса, уни четлаб ўтайлик.

– Нимага?

– Ҳар эҳтимолга қарши.

– КГБ тузоқ қўйган деб ўйлайсанми?

– Эҳтиёт бўлганимиз маъқул.

– Тўғри, лекин четлаб ўтолмаймиз, қумга ботиб қоламиз. Бензин ўлгур ҳам тугаяпти. Боя совитганимизда қуйиб олмамиз-да. «Шошганда лаббай топилмайди» деб бежиз айтишмас экан.

– Ҳозир ҳам кечмас, Ойнур опа.

– Ҳар лаҳза ғанимат, Эврил.

– Аммо иложсизмиз.

У зарда билан «Ўрол»ни силтаб тўхтатди. Бензин бака ошигич бензин кўйдим.

– Юрак ўйноқилигим қолмаяпти, Эврил, – Ойнур «Ўрол»ни катта тезликда ҳайдади.

– Ўзимизни идора этолсак, Ойнур опа, ҳаммаси яхши бўлади. Ана, «Ильич» ҳам кўринди.

– Агар мотор қизимаганда, ҳозир Чордарада, отамнинг Ўролбой деган танишиникида ўтирган бўлардик. Минг лаънат! Тақдир мендан юз ўтирмаяптимики, Эврил?

– Сизга шундай туюляпти, Ойнур опа. Қаттиқ ўй, ташвиш, изтироб одамни йўлдан оздиради, ҳатто васвасага солиб кўяди. Сиз менга: «Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингни бошқара бил», – деб ўгит бергансиз-ку, Ойнур опа.

– Бўлди, бас! – қичқирди Ойнур. – Ҳар нарсани юзимга солаверма!

– Кечиринг, Ойнур опа, – унинг ҳолатини тушундим.

«Ильич»ни шамолдай тез ва гап-сўзсиз босиб ўтдик. Анча юрганимиздан сўнг Чордара кўринди. Ойнур енгил «уф!» тортди.

– Кўнглингни оғритганимга мени кечир, инигинам, – дея меҳр билан сочларимни тўзғитди. – Жинни бўлиб қоляпман. Ичимга ҳеч нарса сиғмаяпти.

– Сиздан хафа бўлмадим, Ойнур опа. Сизни тушунаман. Сизнинг ўрнингизда метин иродали одам бўлганда ҳам...

– Одамни уялтирма, – Ойнур мени гапиртирмади.

Негадир шу чоқ унга: «Сиз мен учун азиз инсонсиз!» – дейишни истадим. Лекин андиша қилдим. Балки, ички ғурурим йўл кўймагандир. Қайдам.

– Кўз олдимга дам ота-онам, дам Лола, дам Боғдон кечалари келяпти. Ҳозир Лола билан Бек бизни кутиб ўтиришгандир. Лолани қанчалар яхши кўраман, биласанми, Эврил?

– Билаган, Ойнуру опа, билаган.

– Мотор яна қизияпти, Эврил.

– Тўхтатайлик.

– Бир чақиримча қолганда-я! – Ойнурунинг ёриша бошлаган юзи тагин тундлашди. – Ишқилиб, бир фалокат юз бермаса гўргайди, Эврил.

– Етиб келдик-ку, Ойнуру опа.

– Совигунча ярим соат кечади, – у «Ўрол»ни йўл четига тўхтатди, – яёв кетамиз!

– Майли, Ойнуру опа.

«Ўрол»дан тез тушдик. Чордара сари чопдик. Гап-сўз билан бўлиб ортимизга ҳам қарамабмиз. Ойнуру кутилмаганда «Ильич» ёққа ўгириларкан, аждарҳони кўрган касдек чинқириб юборди ва қумга қоқилиб йиқилди.

Ваҳшат ичра ортимга қарадим: яшин тезлигида бизга яқинлашаётган икки тўзонни кўрдим. Юрагим орқамга тортиб кетди.

Мен қалт-қалт қалтирароқ Ойнуруни турғаздим. Бекинишга бир пана ер йўқ. Ҳаммаёқ қум, адоқсиз сахро: қонгус Қизилқум. Фақат олдинга югуриш мумкин. Олдинда сувсиз сой – кенг, қуруқ ўзан, тепалиқда Чордара.

Жон-жаҳдимиз билан чопдик. Бироқ, не кўргиликки, икки тўзон ичра икки қутили мотоцикл кўринди. Шунда, шундай ҳолатда Ойнурунинг ғуссали сўзи қалбимни парчалаб ўтди: «Тақдир мендан юз ўгирди, иним!»

Ойнурунинг юзлари қув ўчган, лекин кўзлари тузоққа тушган арслоннинг кўзларидек беқиёс нафрат билан ёнарди. Тавба! Энди бу ўтли нигоҳларга кўрқув, иккиланиш ёт эди. Билъакс, у ёвуз ёв билан юзма-юз олишиш истагида порларди. Шунга мен ҳам руҳландим. Бироқ бизда ҳатто пичоқ ҳам йўқ. Қандай олишамиз?

«Агар тўппончам бўлганда, – деб ўйладим ўзимча, – ҳеч иккиланмай исковичларни отиб ташлардим. Ўзим ўлсам ҳам, Ойнуруни қутқазиб қолардим. Агтанг, йўқ!»

Ўз ўйимиз ўрамида қадимий ўзанга чопиб эндик. Чор-дарага уч юз қадамча қолди. Ўзандан у кўринмайди. Юк-сакда.

Уч юз қадам!

Бизга у гўё уч минг чақиримдек, ҳатто ундан-да узоқ-дек туюлади. Қанча тез югурмайлик, «махсус мотоцикл-лар» бизни қувиб ўтди ва йўлимизни тўсди. Улардан бош-дан-оёқ қора кийинган, қора ниқобли уч кас тапир-тупир тушди. Учовининг ҳам қўлида тўппонча. Мен уларнинг Дима, Паша, Галя эканликларига шубҳа қилмадим. Бу ифодани Ойнурнинг кўзида ҳам кўрдим. Куролимиз бўл-маса ҳам, бир сиқим-бир сиқим қум билан курашга шай турдик.

Зумда исковичлар бизни ўраб олишди. Хатти-ҳарака-тидан Галяга ўхшаши Ойнурга юзма-юз борди. Шу он Ой-нур кутилмаган тезликда унга қум сочди. У жон ҳолатда кўзларини чангаллади. Махсус тайёргарликдан ўтганига қарамай, чинқириб юборди:

– Гадина!

Вақтни бой бермай тўппончани олиш учун унга таш-ландим. Бироқ узунлардан бири бунга имкон бермади. Оёғимга тепди – юзтубан йиқилдим. Қалқаётганимда Ойнур Галядан тўппончани юлиб олди. Аммо отишга улгурмади. Иккинчи узун, афтидан, Дима унинг бошига қўндоқ билан урди. У чопилган ниҳолдек чайқалиб қула-ди. «Ойнур опа-а-а!» – дея чинқириб кўмакка отилдим. Лекин Паша жағимга мушт туширди ва кўкрагимга теп-ди. Мен тўрт-беш қадам нарига учиб кетдим. У бунга ҳам қаноат этмай, ансамга тепди.

Ўзимга келганимда қонранг қуёш олис барханлар ор-тига чўккан, уфқда қон денгизи вужудга келганди. Ган-дираклаб турдим. Ойнур йўқ. Кимдир қулоғимга шивир-лади:

- Ойнурни қонга бўяб олиб кетишди.
- Ким, кимлар?
- КГБ.
- Қаёққа?
- Борса-келмасга...

Бирдан сергак тортдим. Теграга боқдим. Бир кас йўқ.
Кўрқиб ўзимни ўзим саволга тутдим:

- Ким билан гаплашдим?
- Мен билан, – деди ўша «Кимдир».
- Сен кимсан?
- Мен сенман.

Мен даҳшатга тушдим:

- Ақлдан оздим!

Ўзимга ўзим ишонмай, сочимни чангаллаб тортдим.
Оғриди, кўзимдан ёш чиқди. Туйдим.

- Эсинг жойида, – яна шивирлади ўша кас.
- Сен қаердасан?
- Ичингдаман...

Сароблар товланаётган саҳро, шохлари синиб, қуриб
ётган саксовулзор кўз олдимда намоён бўлди. Туш чоғи
эди. Гапдан гап чиқиб, Ойнурдан сўрадим:

- Ойнур опа, айрим дамларда одам ўзи билан ўзи...

– Сен буни менга тегинтириб айтяпсанми, Эврил? – у
гапимни бўлди. – Бундай ҳол ҳар кимда ҳам бўлиши мум-
кин. Киши ноҳақ босим остида қолганда, қаттиқ изтироб
чекканда, фалокатга йўлиққанда... телбалик ҳолатига
тушади. Ўзи билан ўзи гаплашади, ўзини ўзи эзади, ову-
тади, ўзидан ўзи ғазабланади, «оҳ» чекади... Чунки одам-
нинг ичида ҳам «одам» бор. Масалан, менинг ичимда ҳам
«ойнур»лар бор, сенинг ичингда ҳам «эврил»лар бор...

Ўзимни қўлга олдим. Шунда оний тезликда бўлиб ўт-
ган фожиа бутун ваҳшати билан кўз олдимда жонланди:

Уч дажжол,

Қонга қорилган,
Ҳушидан айрилган
Ойнур.
Ана, уни «Ўрол» қутисига тикишди.
Ана, очунни чанг-тўзонга булғаб қочишди.
Қаерга?
Борса-келмасга...
Опажоним!
Менинг азиз опажоним!
Не кунларга қолдингиз?
Не ёзуғингиз учун?
Ўксиб йиғладим...

56

Элик саккиз йил кечди.
Ҳамон у саволни ўзимга бераман:
– Не ёзуғи учун?
Ҳамон пинҳон йиғлайман...

Туганма

*«Юртни мунофиқ бузади.
Ўз сўзида турмаган ўша...»*
Зардушт

Қоронғи тушаётганда ботқоқда бораётган киши каби оёғимни зўрға-зўрға кўтариб босиб «Ўрол»ни қолдирган еримизга юрдим. Кўкрагим, жағу ансам оғрияпти. Бироқ бу оғриқ борлиғимни қуршаб олган ғаму алам олдида ҳолва...

Шошганимизда «Ўрол» кутисида Ойнурнинг тимсоҳ терисидан тикилган сумкачаси эсимиздан чиқиб қолибди. Хайрият, жойида турибди. Паспорт ва пул ҳам. Хўрлигим келди. Йиғладим. Ўзимни босиб олганимдан кейин моторни ёқдим.

Тун қуюқлашаётганда Чордарага кириб бордим. Ўролбой оғанинг уйини суриштириб топдим. Унга ўзимни таъништирдим, сўнг бошимиздан не кечганини айтдим.

– Ўйбаёв-ўйбаёв! – унинг тўкис яшашидан далолат берувчи ранг-кути ўчди, ялпоқ юзи, қийиқ кўзига ғам-ташвиш ёйилди. У хотинига: «Кўноқни сийла», – деди ва ўзи шошилинич тарзда Тошкентга, Ойнурларнинг уйига бориш учун қаймоққа мойил тусдаги «Победа»сига ўтирди. Унга Ойнурнинг омонатини¹ бердим. У жўнаб кетди.

Ўролбой оға элик ёшлар чамасидаги, алп қоматли, салобатли, ўткир нигоҳли киши эди. Хотинининг қиёфаси ҳам эса қолар даражада кўркам, қадди хушбичим, сўзи ўктам эди.

Тонгда «Чордара – Чимкент» автобусига чиқдим ва тушга қолмай қадим бобо юртим Чимкентга, Бодом дарёсининг сўл қирғоғидаги «Гулистон» маҳалласига етдим. Лола ва Бек мени хоқондек кутиб олишди. Мудҳиш кечинмани яширмадим. Лола ёнғинда қолган кимса мисол қорайиб кетди. Бек ҳам.

– Ойнур КГБ зиндонида, – деди Лола бир неча ондан кейин ўта мунгли ва тушкун оҳангда.

Бироқ унинг овозидан тўла ишончни туймадим.

Кейинроқ билдим: Ойнурнинг куйиб кул бўлаётган ота-онаси ҳам қизларини «қамокда» деб ўйлаганлар. Шунга қайта-қайта Тошкент КГБсига мурожаат этганлар. Бир дарак топишмагач, Москвага учганлар.

¹ Омонат – Ойнурнинг сумкачаси, паспорти, пули кўзда тутилади.

Шошганимизда «Ўрол» кутисида Ойнурнинг тимсоҳ терисидан тикилган сумкачаси эсимиздан чиқиб қолибди. Хайрият, жойида турибди. Паспорт ва пул ҳам. Хўрлигим келди. Йиғладим. Ўзимни босиб олганимдан кейин моторни ёқдим.

Тун куюқлашаётганда Чордарага кириб бордим. Ўролбой оғанинг уйини суриштириб топдим. Унга ўзимни таништирдим, сўнг бошимиздан не кечганини айтдим.

– Ўйбаёв-ўйбаёв! – унинг тўкис яшашидан далолат берувчи ранг-кути ўчди, ялпоқ юзи, қийиқ кўзига ғам-ташвиш ёйилди. У хотинига: «Кўноқни сийла», – деди ва ўзи шошилинич тарзда Тошкентга, Ойнурларнинг уйига бориш учун қаймоққа мойил тусдаги «Победа»сига ўтирди. Унга Ойнурнинг омонатини¹ бердим. У жўнаб кетди.

Ўролбой оға элик ёшлар чамасидаги, алп қоматли, салобатли, ўткир нигоҳли киши эди. Хотинининг қиёфаси ҳам эса қолар даражада кўркам, қадди хушбичим, сўзи ўктам эди.

Тонгда «Чордара – Чимкент» автобусига чиқдим ва тушга қолмай қадим бобо юртим Чимкентга, Бодом дарёсининг сўл қирғоғидаги «Гулистон» маҳалласига етдим. Лола ва Бек мени хоқондек кутиб олишди. Мудҳиш кечинмани яширмадим. Лола ёнғинда қолган кимса мисол қорайиб кетди. Бек ҳам.

– Ойнур КГБ зиндонида, – деди Лола бир неча ондан кейин ўта мунгли ва тушкун оҳангда.

Бироқ унинг овозидан тўла ишончни туймадим.

Кейинроқ билдим: Ойнурнинг куйиб кул бўлаётган ота-онаси ҳам қизларини «қамокда» деб ўйлаганлар. Шунга қайта-қайта Тошкент КГБсига мурожаат этганлар. Бир дарак топишмагач, Москвага учганлар.

¹ Омонат – Ойнурнинг сумкачаси, паспорти, пули кўзда тугилади.

Бироқ...

Чимкентга борганимдан бир кун ўтгач кўнглига қил ҳам сиғмаётган Лола бизга бир тахлам уч сўмлик берди. Ўзи шошилини Ленинградга учди.

Бек билан мен Чордарага қайтдик.

Лола Лев Гумилёвдан кўмак ўтинадди. У ва унинг обрўли танишлари Ойнурни излайдилар.

Бироқ...

Биз (Бек, мен) «Ўрол»да Қизилкум саҳросини остин-устин қилдик. Ойнурдан дарак топмадик. Фақат бир мишмиш ундан айро. Унинг тафсилоти шундай:

Бир чўпон тунда кўй боқиб юрганда барханлар орасида улкан ўт кўрганмиш. У ловуллаб ёнганмиш. Сўнг мотоциклларнинг овозлари билан чироқлари тунни бузганмиш...

Биз у чўпонни тирик топмадик. «Лочин» овули оқсоқоли Кенгашбой бизга деди:

– Енгишни жин чалиб кетибди.

– Шунга ишонасизми?

– Бу азалдан бор нарса. Енгишнинг кўзига гулхан, гулхан атрофида жинлар кўринган. Удум бўйича, у буни ичида сақлаши керак эди.

Лекин...

Ажал-да...

Ойнур ҳақида Тошкент оғиз очмади. Москва ҳам. Фақат «Фориш коммунаси» туман газетасида ушбу сўз босилди: «Ойнур отли геолог қизни бандитлар ўғирлаб кетишиди».

Элик саккиз йил кечди.

Ҳамон Ойнурдан дарак йўқ.

Унинг ота-онаси дунёдан ўтди.

Лола Туркияга сингиб кетди...

Энди Сталин йўқ.

Ўттиз бир йил инсон қонини ичган, ўттиз бир йил оқни «қора» деб ёлғон сиёсат юритган бузғунчи Сталин йўқ.

Энди (асар бошида қайд этганим) сохта «башорат» ҳам мунофиқнинг ўзи билан бирга гўрга кирган.

Энди очунни булғаган СССР йўқ.

Компартияга Тангридай сиғинган қорин бандалари «қани» дерсиз?

Бари бир ўлароқ «Худо»...ларини еди.

Бари бир ўлароқ партбилетларини ўтга ташлади¹.

Бари бир ўлароқ мустақиллик ниқобини кийди.

Қандоқ мунофиқлик!

Қандоқ олчоқлик!

Қандоқ шармандалик!

Энди ули² қон, ёлғон, зулмга қурилган, Ойнур каби тумонат-тумонат кишиларни ўлдирган давлатнинг ёвуз қуроли – КГБ ҳам йўқ.

Онам ҳақ бўлиб чиқди:

Оврўпа билан Америка кундан-кун юксалмоқда.

Очун уларга эргашмоқда.

Олис бир замонлар Ойнур менга: «Кечмишимизни бўямай ёзишингни истайман, Эврил», – деган эди.

Ойнурнинг ҳаёти қандоқ кечган бўлса, уни шундоқ ёздим.

Тангри унинг руҳини шод айласин!

Омин!

2012 йил, Чирчиқ

¹Ўзбекистон Компартиясининг 750 минг аъзоси бир кунда ўз партиясидан воз кечди.

²Ули – фундамент.

Адабий-бадиий нашр

ЭВРИЛ ТУРОН
(Мамадали МАҲМУДОВ)

ОЙНУР

Муҳаррир: Чарос НИЗОМИДДИНОВА
Бадиий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаҳҳиҳ: Маҳфуза ИМОМОВА

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 05.01.2021 й.
Босишга рухсат этилди: 27.01.2021 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 ¹/₃₂.
Charter гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 8,27. Шартли б.т.: 10,9.
Адади: 1500 нусха.
Буюртма № 22

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 216-87-81
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли адиб Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон) 1943 йилнинг 12 декабрида Жиззах вилояти Фориш тумани Боғдон қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида сиртдан ўқиб, турли вазифаларда – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби, Адабиёт жамғармаси раиси лавозимларида фаолият юритган.

Мамадали Маҳмудов Алп Эр Тўнга – Афросиёбдек ёвқур боболаримиз шарафига Эврил Турон тахаллусини олиб, истибодга қарши эрк ва озодлик мавзусида ҳикоялар ёза бошлаган. Илк бор газета ва журналларда эълон қилинган «Ариқ ва терак», «От», «Дўлана», «Эртам яхши бўлади» каби ҳикоялари кенг адабий жамоатчилик назарига тушган. «Боғдоним» номли китоби (1971), сўнгра «Туманли кунлар» («Боғдон қашқири») қиссаси, «Ўлмас қоялар» (1981) романи нашр этилган. Умрининг охиригача ижод қилган адиб кўплаб кичик ҳикоялар, «Ойнур», «Оқ гул», «Бўз бўри» романларини ёзди ва оммавий ахборот воситалари, матбаа нашрларида эълон қилди.

М.Маҳмудов 2020 йил 16 октябрда вафот этди.



ISBN 978-9943-6502-8-2



9 789943 165028 2